

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

САМАДОВА СВЕТЛАНА ЖОНТОШЕВНА

**Инглиз ва ўзбек тилларида истак-хоҳиш категориясининг
социолингвистик тадқиқи**

ДИССЕРТАЦИЯ

Филология магистри даражасини
олиш учун ёзилган

Мутахассислик - 5A120102
Лингвистика (инглиз тили)

Иш кўриб чиқилди
ва ҳимояга тавсия этилди.
Кафедра мудири, ф.ф.н., доцент
_____ Галиева М.Р.
“ _____ ” _____ 2016 йил

Илмий раҳбар
филология фанлари
доктори профессор
_____ Расулова М.И.

ТОШКЕНТ – 2016

Инглиз ва ўзбек тилларида истак-хоҳиш категориясининг социолингвистик тадқиқи

Кириш

| | |
|--|-----------|
| 1-боб: Истак-хоҳиш категориясининг лингвистик параметрлари..... | 11 |
| 1.1. Масаланинг ўрганилганлик тарихи..... | 11 |
| 1.2. Истакни билдирувчи феълларнинг модаллик хусусияти..... | 17 |
| 1.3. Истак-хоҳиш категориясига мансуб лексик бирликларнинг танлаш тамойиллари..... | 24 |
| 1.4. Истак-хоҳиш маъноси файласуф олимлар талқинида..... | 27 |
| 1.5. Истак-хоҳиш маъносининг категориал мавқеи..... | 32 |
| Биринчи бобга хулоса..... | 42 |
| 2-боб: Истак-хоҳиш категориясининг структуравий ва функционал хусусиятлари..... | 44 |
| 2.1. Истак-хоҳиш маъносини ифода этишининг лексик усуллари..... | 44 |
| 2.2. Истак-хоҳиш маъносини фразеологик ва паремиологик бирликлар ёрдамида ифодаланиши..... | 48 |
| 2.3. Истак-хоҳиш маъносини ифода этишининг синтактик усуллари..... | 53 |
| Иккинчи бобга хулоса..... | 57 |
| 3-боб: Истак-хоҳиш категориясининг социолингвистик хусусиятлари | |
| 3.1. Тил бирликларининг социолингвистик таҳлили..... | 59 |
| 3.2. Тил таъшувчиларининг ижтимоий дифференцияси:..... | 52 |
| 3.2.1. Ёш ва инсоннинг ёшига нисбатан истак-хоҳиш маъносининг ифодаланиши | 64 |
| 3.2.2. Инсоннинг маълумотига ва тарбиясига нисбатан нисбатан истак- хоҳиш маъносининг ифодаланиши | 67 |
| 3.3. Истак-хоҳиш ифодаланишида миллий-маданий хусусиятлари..... | 75 |
| 3.4. Истак-хоҳиш ифодаланишида гендер хусусиятлари..... | 82 |
| Учинчи бобга хулоса..... | 85 |
| Умумий хулоса..... | 87 |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати..... | 90 |

Кириш

“Келажак- орзулари гўзаллигига ишонувчи инсонлар кўлида”-

Елеанора Рузвелт

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида ривожланишни бошлагандан бери илм-фан ва миллий маданиятимизнинг ҳар бир соҳасида жиддий ўзгаришлар юз бера бошлади. Бу ўзгаришлар энг аввало шу кунгача эришилган илм-фан ютуқларини миллий мафкура ва миллий истиқлол ғоялари талаблари асосида қайта кўриб чиқиш, умумлаштириш ва келгусида бажарилиш лозим бўлган ишларни режалаштириш жараёнида кўзга ташланди. «Фикрлаш тарзимизни мустақиллик руҳига мослаштириш, бир ёқлама тор фикрлашдан воз кечиш - бугунги Маънавий Тикланиш давримизнинг энг муҳим масалаларидан биридир». [Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Тошкент: Ўзбекистон, 1997. - Б.150.] Ушбу теран мазмунли, чуқур мантиқли фикрлар бевосита илм-фанга, шунингдек, филология соҳасига ҳам алоқадордир.

Тилшуносликдаги бугунги кунда яратилаётган қатор тадқиқотлар, изланишлар айнан шу талаблардан келиб чиқади. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида «Таълим тўғрисида»ги Қонунини ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш доирасида чет тилларга ўқитишнинг комплекс тизими, яъни уйғун камол топган, ўқимишли, замонавий фикрловчи ёш авлодни шакллантиришга, Республиканинг жаҳон ҳамжамиятига янада интеграциялашувига йўналтирилган тизим яратилди.

Мазкур тадбирларнинг изчил давоми сифатида ҳамда замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан, ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларга ўқитиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда

бунинг негизида, уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг кўламда фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун шарт-шароит ва имкониятлар яратиш мақсадида 2012 йил 10 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли Қарори қабул қилинди.

Президентимизнинг мазкур Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майда “Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида”ги 124-сонли қарори қабул қилинган.

Шунингдек, ушбу қарорда Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимида Давлат таълим стандартларига асосланган ҳолда чет тилини ўрганиш умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими ва олий таълим босқичларида амалга оширилиши белгиланган. Мазкур таълим босқичлари битирувчилари умумевропа халқаро стандартлари бўйича даражалар белгиланиб, олий таълим муассасаларининг ихтисослиги чет тили бўлган факультетлари бакалаврият босқичи битирувчилари ва олий таълим муассасаларининг ихтисослиги чет тили бўлган факультетлари магистратура босқичи битирувчилари С1 даражаларига эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг *“Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир”* деб номланганянги китоби 2015 йил август ойида, Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллик байрами арафасида “Ўзбекистон” нашриёти томонидан чоп этилди. Бу китобни нурлантириб турган ҳикмат – Президентимиз кўнглидаги улуғ умид ва ишончдир. Президентимиз китобининг 71-саҳифасида *“Кимки мустақиллик йилларида Ўзбекистон қўлга киритган муваффақиятларни кўрмоқчи бўлса, аввало одамларнинг, халқимизнинг юзига, кўзига қарасин. Мактаб, лицей ва коллежларда таълим-тарбия олаётган болаларнинг чеҳрасига боқсин!”* деган фикр алоҳида таъкидлаб айтилади. Ўзбекистоннинг ёруғ келажаги бахту саодати бизнинг

азму шижоатимизга, замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаб, катта ҳаётга, мураккаб синовларга тайёр бўлишимизга, Ватанга мухаббатимизга, жасорату матонатимизга боғлиқ.

Ҳар бир халқнинг тараққиётида ўзга халқлар билан алоқа қилишда тил муҳим ўрин эгаллайди. Тил кишилар ўртасидаги алоқа воситаси бўлиб қолмай, миллий маданиятни улкан самараси, халқлар маънавий ҳаёти ва кўп асрлик ривожининг кўзгуси ҳамдир.

Олий ва ўрта махсус таълим муассасалари олдида қўйилган буюк вазифалардан бири баркамол шахсни, ҳар томонлама етук авлодини тарбиялаб вояга етказишдан иборат. Бу вазифалар олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ўқитувчилари, шу жумладан филолог кадрларига ҳам тўлалигича тегишлидир. Муаммонинг энг асосийларидан бири бу ҳозирги даврда хорижий тилларни мукамал биладиган малакали мутахассислар тайёрлаш зарурияти тобора кенгайиб бораётганлигидир.

Ўзбекистон таълим тизими олдида жуда муҳим муаммо – умумтаълим мактабларида, ўрта ва олий ўқув юртларида ўқувчи ва талабаларга хорижий тил ўқитишда қўлланиладиган метод ва усулларни такомиллаштириш масаласи, янги типдаги дарсликлар, турли хил луғатлар яратилиши пайдо бўлди. Бу заруриятнинг вужудга келиш сабабларидан яна бири шундаки, ёшларнинг хорижий тилларни билиш даражаси мамлакатимизда мутахассисларнинг интеллектуал маънавий савиясининг шаклланишига, Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан бўладиган маданий, иқтисодий ва сиёсий муносабатларининг ривожланишига катта таъсир кўрсатишидадир. Шу сабабли кейинги пайтларда хорижий тилларни ўқитиш усулларини такомиллаштиришга, унинг сифатини оширишга қизиқиш кучайиб бормоқда.

Хорижий тилларни ўрганишда бир вақтнинг ўзида ақл, тафаккур, хаёл, хотира ва сўз билиш қобилияти ривожлантирилади, чунки айтилган фикрни чуқур тушунишга эмас, балки ўша фикрни ўз она тилида мукамал ва тўғри ифодалай билиш кўникмалари ҳам талаб этилади. Бунга эса фақат иккала – ўзбек ва хорижий тил материалларини қиёсий-типологик таҳлил қилиш

орқалигина эришиш мумкин. Масалан, инглиз тилида мавжуд лексик-семантик ҳодисаларни иккала қариндош бўлмаган тилларда қиёслаш ёки тиллар ва уларнинг яруслараро типологик категорияларнинг ифодаланиш усуллари солиштириш каби масалаларни ўрганиш маъқул бўлади. Бундай типологик қиёслаш натижасида хорижий тил материалларигина эмас, балки она тили материаллари ҳам онгли равишда ўрганилади ҳамда чуқурлаштирилади.

Фикримизча, ҳар қандай тилнинг лексик таркиби кўриб чиқиладиганида, биринчи ўринда алоҳида олинган сўз ёки турли эркин ва турғун сўз birlikларнинг ўзига хос типологик хусусиятларини ўрганиш кўйилади. Бунда тадқиқот турли системаларга мансуб тилларда (масалан, инглиз ва ўзбек, инглиз ва рус) типологик категориялар мисолида яруслараро ифодаланиш усуллари ёритишга бағишланса, айнан танланган семантик гуруҳнинг турли сўз туркумларига мансуб туб, ясама, содда ва кўшма сўзлар, ҳамда эркин ва турғун сўз бирикмалар билан ифодаланиши аниқланиб, тилнинг семантик тизимига нисбатан аниқ хулосалар чиқариш имкониятини беради.

Мавзунинг долзарблиги. Танланган мавзунинг долзарблиги замонавий тилшуносликда категориал тушунчаларга нисбатан уларнинг турли қатламларда ифода этилиши нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ўрганишга бўлган қизиқишнинг ошганлигидадир. Бошқача қилиб айтганда диссертациянинг долзарблиги ҳозирги инглиз ва ўзбек тилларидаги хоҳиш – истақ категориясини ифода этувчи лексик birlikларнинг комплекс тарзда, яъни функционал-семантик, социолингвистик хусусиятларини ўрганиш билан белгиланади. Хоҳиш маъно типологик лексик категориялар сирасига мансуб бўлиб бошқа тиллардаги каби қиёсланаётган тилларда ҳам турли воситаларда ўз ифодасини топади.

Масаланинг ўрганилганлик даражаси. Хоҳиш-истақ категорияси масаласи мамлакатимиз ва хориж тилшунослигида мураккаб ва кам

ўрганилган соҳалардан биридир. Инглиз тилидаги хоҳиш-истак категориясининг фақатгина баъзи ҳислатлари лингвистик адабиётларда ўз ифодасини топган.

Инглиз тилидаги хоҳиш-истак маъносининг ифода воситалари масалаларини А.Абдурозиқов, И.Хлебникова, Н.И.Уварова, Е.А.Натанзон ва бошқалар ўрганган. Ғарб тилшуносларидан А.Берк, Х.Фовлер, О.Есперсен, Г.Валленс каби бир қатор лингвистлар хоҳиш-истак категориясини ифодалаш масаласига оид баъзи аспектларни ўрганганлар.

Ушбу тадқиқотда инглиз тилидаги хоҳиш-истак категориясини ифода этувчи тилнинг турли қатламларига оид воситаларини аниқлаш ва уларнинг социолингвистик хусусиятларини тадқиқ этишга ҳаракат қилинди.

Тадқиқотнинг мақсади хоҳиш-истак категориясининг ифода этилишидаги турли қатламлараро воситаларини аниқлаш ва таҳлил қилиш билан бирга уларнинг социолингвистик хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Юқорида айтиб ўтилган мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги *вазифалар* амалга оширилди:

- Истак-хоҳиш категориясини инглиз тилида ифодалашнинг турли қатламларга оид воситаларини аниқлаш;
- ушбу воситаларнинг хусусиятларини ва табиатини аниқлаш;
- истак-хоҳиш маъносини имплицит ва эксплицит тарзда ифодаловчи воситаларнинг хусусиятларини ва уларнинг ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш.
- истак-хоҳиш категориясининг социолингвистик хусусиятларини яъни ижтимоий дифференциясини ўрганиш;
- истак-хоҳиш категориясининг қиёсланаётган тиллар таркибида лингвомаданий хусусиятларини аниқлаш

Тадқиқотнинг вазифалари иш жараёнида турли *методлардан* фойдаланишни тақозо этади. Тадқиқотнинг бош *методи* бўлиб мавжуд тил материални функционал-семантик таҳлил этиш методи хизмат қилди.

Зарурат юзасидан дескриптив метод, моделлаштириш ва диахроник, қиёсий-типологик таҳлиллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг *илмий янгилиги* биринчи навбатда мазкур масаланинг тадқиқот марказига қўйилиши билан белгиланади. Ушбу диссертация ўзининг тадқиқот объектига кўра инглиз тилидаги истак-хоҳиш категорияси ифодаланилишининг турли катламларига оид воситаларини ўрганишга ҳамда уларнинг социолингвистик хусусиятларини аниқлашга қаратилган илк монографик тадқиқотдир.

Тадқиқот жараёнида кенг қамровли тил материали, хусусан хоҳиш маъносига эга турли лексик-грамматик разрядларга оид сўзлардан келиб чиқилди. Материал ўз ичига лексикографик манбалар, инглиз ва америкалик ёзувчиларининг бадиий, публицистик, илмий-техник асарларидан танлаб олинган мисол ва намуналарни қамраб олади.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Диссертация ҳар бир босқичида тизимли ёндашувга асосланади; истак-хоҳиш категориясининг категориал хусусиятлари аниқланган. Танланган лексик бирликларнинг ҳар иккала қиёсланаётган тилларда сўзлашувчи ижтимоий гуруҳларнинг ёшига, маълумотига нисбатан, гендер хусусиятлари, миллий-маданий хусусиятларидан келиб чиқиб социолингвистик хусусиятларини аниқлаш катта назарий аҳамиятга эга. Тадқиқотнинг амалий аҳамиятидаги таҳлил натижалари ва хулосалари инглиз ва бошқа тилларни қиёсий-типологик ўрганишда қўлланилиши мумкин. Тадқиқот натижалари ыиёсий тилшунослик, социолингвистика, таржима назарияси, хорижий тилларни ўқитиш методикаси учун ҳам амалий жихатдан муҳимдир.

Диссертациянинг таркиби. Диссертация кириш қисми, уч боб ва хулосадан ташкил топган. Диссертация сўнгида фойдаланилган адабиётлар рўйхати келтирилади.

Кириш қисмида мавзунинг танланиши асоси, унинг долзарблиги ёритилади, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгиланади, тадқиқот методлари аниқланади

Биринчи бобда истак-хоҳиш категориясининг лингвистик параметрлари тадқиқ этилади.

Иккинчи боб истак-хоҳиш маъносига эга бўлган қиёсланаётган тиллардаги ифода воситаларининг структуравий ва функционал таҳлиliga бағишланган.

Учинчи боб истак-хоҳиш категориясининг социолингвистик хусусиятларини аниқлаш ва ўрганиш билан белгиланади.

Хулоса қисмида тадқиқот натижалари умумлаштирилади, асосий хулосалар шакллантирилади.

1-боб: Истак-хоҳиш категориясининг лингвистик параметрлари

1.1. Масаланинг ўрганилганлик тарихи

Истаклар тарихига назар

Бир хикоятда Шарқий Европанинг кичкина шаҳарчасидаги воқеа тасвирланиб шундай дейилади:”Кўп йиллар илгари иккита тикувчи киши бўлиб улар жуда рақобатлашишар экан. Йиллар ўтгани сайин уларнинг рақобатлари кескинлашиб кетибди ва бу воқеа Оллоҳга ҳам етиб борибди. Шунда Оллоҳ рақобатчиларнинг биттасига фариштасини таклиф билан жўнатибди. Фаришта рақобатчининг бирига Оллоҳ улар ўртасидаги рақобатни бир умрга тўхтатиши эвазига битта истагини амалга оширишини айтибди. Фақат нимаики тилак қилса рақибига икки ҳисса кўп бажо бўлишини айтиб огоҳлантирибди. Шунда рақобатчи ҳеч иккиланмасдан юзини кўрсатиб, “Кўзларимдан биттасини кўр қилгин” дебди.

Ўйланмай қилинган тилак ёки истак мусибат келтириши мумкин. Шунинг учун Ўзбек халқида “ниятинг йўлдошинг” деган нақл бежисга айтилмаганёки “яхши гапга ҳам ёмон гапга ҳам фаришта омин дейди” дейишади. Масалан: Худо аспрасин! (God forbid), Гапингизни шамол учирсин! (Let the wind blow your wish away!), Яхши ният қилинг. (Make a good wish.), Ёмон ният қилманг, фаришталар ҳаммасига омин дейди. (Don't make a bed wish, angels will say amin and it will happen.), яхши ният-яриммол. (A good intention is half of the article"-if you make a good wish, you will reach your goal.) Ғарбда эса учинчи тилак кўпинча муаммо, мусибат олиб келиши айниқса тўғрироқдек. Хоҳишларни рўёбга чиқаришни ёки тилаклар айтишни усуллари:

- Юлдузга тилак айтиш
- Учиб кетаётган юлдузга кўрганда
- Қудуқ ёки кўлларга
- Туғилган кун шамларини ўчирганда

- Ҳар бир миллатда сеҳрли деб ҳисобланган асбобларга
- Қуёш ёки ой тутилганда
- Ва бошқалар (тушган киприкни пуфлаб. Қоқи ўт уруғларини пуфлаганда)

Инсон хоҳиши ҳамиша барча соҳа вакилларини қизиқтириб келган, шу жумладан тилшуносларни ҳам. Истак-хоҳиш категориясининг тадқиқот предмети сифатида танлаганимизнинг сабаби унинг кам ўрганилган жабҳалардан бўлганидир ҳамда бу категория морфологик, синтактик, лексик ва талаффуз орқали ҳам ифода этилиши ва улар ўзаро мустаҳкам алоқада эканлигидир. Ушбу категорияни ўрганиш жараёнида бажарилган лингвистик тадқиқотларни таҳлил қилиб, маълум тилшунос олимларнинг мулоҳазалари бизда ғоят катта қизиқиш уйғотди. Хусусан, ҳинд-европа тиллари оиласига кирувчи немис тилидаги хоҳиш – истак категориясининг хусусиятларини ўрганган Е.В.Гулыга бу категориянинг тилнинг уч функцияси билан ўзаро яқин алоқада эканлигига эътиборини қаратади. Бу фикр илгари Карл Бюллер томонидан таклиф этилган ва кейинчалик Н.С.Трубецкой томонидан қабул қилинган эди. Хоҳиш-истак категориясининг ўзига ҳос хусусияти унинг уч функция яъни ифода, мурожаат, ундаш функцияларини амалга ошириш қобилиятидан иборатдир. Хоҳиш-истак категориясини Е.В.Гулыга немис тилида грамматик ва лексик воситаларнинг яхлит тизими орқали ўз ифодасини топишини айтган. Инглиз тилида ҳам худди шундай жараён содир бўлади. Ушбу воситалар икки усулда жамланиши мумкин:

1) синтактик структуралар, бунда феъл шакллари (конъюнктив, императив, инфинитив) интонацион ва баъзида лексик-грамматик воситалар билан уйғунликда фаолият юритади; ушбу синтактик структураларни тўлдирувчи лексика хоҳиш-истак категориясини аниқлаштиради;

2) "*want, desire*" доминантларига эга бўлган "хоҳиш-истак" тематик қаторининг лексик бирликлари ва турли гапларда иштирок этувчи ва бирикувчанлиги, гапдаги мақоми ва морфологик шакллари

боғлиқ равишда мосланувчи *"might, must"* модал феъллари; феълларнинг синсемантик хусусиятлари хоҳиш-истак объектини аниқлаштирувчи лексика ёрдамида ифодаланади.

Сўзловчи синтактик структураларни ишлатиши учун ифода этиш ва мурожаат қилиш фаолиятлари юқори бўлиши зарур. Сўзловчи хоҳиш-истакни тингловчига, бошқа предметга ёки ўзига қарата ифода этади.

Е.В.Гулыганинг фикрича, синтактик структуралар ундашни ҳам ифодалаши мумкин. Карл Бругман ўз мулоҳазаларида мурожаат ва ундаш маъноларининг бир-бирига яқинлигини айтиб ўтади ва тингловчи учун хоҳиш-истак ва ундаш ўртасидаги чегара кўп ҳолларда аниқ бўлмаслигини таъкидлайди. Ҳар қандай ундашда хоҳиш-истак мавжуд ва бу хоҳишнинг тингловчи томонидан бажарилиши учун унга талаб ёки илтимос кўшилади. Хоҳиш-истак гапларда ундашни ифодалаш мобайнида тингловчига қаратилганлик кўшимча ҳолдир.

Мамлакатимиз тилшуносларидан А. Абдурозиқов инглиз тилидаги *let* феъли билан ясалган ибораларнинг табиати, функциялари ва семантикасини таҳлил этиб, бу феъл ёрдамида ясалган императив аналитик қурилмалар "ундаш" умумий семасига эга эканлигига диққатини қаратади. А. Абдурозиқов Г.Н.Воронцова, Г.Г.Почепцов ва бошқа тилшуносларнинг фикрини ривожлантириб императивнинг умумкатегориал маъносига "сўзловчининг хоҳиши" маъносини ундашнинг кўринишларидан бири сифатида киритишни ёқлаб чиқади. *"let everyone else do it"*, *"let it be as you say"* каби учинчи шахс қатнашган ибораларни таҳлил қилиш натижасида А.Абдурозиқов ундашнинг семантик жihatдан фарқли икки варианты: хоҳиш-истак ва ихтиёрийликни аниқлади.

Н.А.Кобрина тушунча категориялари ва уларнинг тилдаги ифодасини И.И.Мешчаниновнинг тушунча категориялари тўғрисидаги фикрларига асосланган ҳолда ўрганади. Фақатгина тил қатламларида яъни ушбу категориянинг лексик, морфологик ёки синтактик тизимдаги ифодаланишида

ўз ифодасини топган категориягина тушунча категорияси бўла олиши мумкин.

Инглиз тилидаги хоҳиш-истак категориясининг синтактик тизимдаги ифодаси тўғрисида фикр юритганда биринчи навбатда истак майлининг ушбу категорияни ифода этиш хусусиятлари мисол тариқасида келтириш мумкин. Инглиз тили грамматикасига бағишланган ҳар қандай дарсликда истак майли иш-харакатнинг мавҳум, муҳим ва муаммоли эканлиги билан бирга хоҳланган, исталган, кутилганлик хусусиятини ифодалашни таърифланади. Ушбу масалани ўрганиб Е.А.Натанзон инглиз тилидаги истак майли (subjunctive mood) нинг 4 гуруҳдаги шакллари келтиради ва улардан фақатгина Subjunctive-II хоҳиш, тилак, истакни ифодалашини асослаб беришга ҳаракат қилади.

Истак майлини ўрганишга улкан ҳисса қўшган тилшунослардан бири И.Б.Хлебникова истак майлининг семантик жиҳатлари, хусусан хоҳиш, истакни ифода этиш хусусиятларини чуқур таҳлил этиш натижасида ҳозирги инглиз тилидаги истак майли ўзининг грамматик мазмуни нуқтаи-назаридан таҳминли, имконли иш-харакатни (бунда мавҳумлик, ишончсизлик руҳида) ифода этиш тор жабҳаси сабабли чегараланиб қолган деган фикрни ривожлантиради.

Ғарб тилшунослари истак майлининг инглиз тили ривожланишидаги турли босқичларидаги ҳолатини таҳлил қилиш натижасида ушбу майл ҳозирги инглиз тилида тил ривожланишининг қадимги босқичидаги ҳолатига нисбатан кучсизлашиб, ифода этиш функцияси торайганлигини кўрсатадилар (О.Есперсен, Л.Берк, Х.Фовлер ва бошқалар).

Л.Берк ҳозирги инглиз тилидаги истак майлининг уч турини фарқлайди:

- мандатли истак майли (mandative subjunctive);
- волиционал истак майли (volitional subjunctive);
- қотган истак майли (formulaic subjunctive).

Биринчи турдаги истак майли талабни ифода этса (*/ suggest that he go. I insist that she come.*), иккинчи турдаги истак майли мавхум, нореал тилакни ифодалайди (*/ wish I were a bird*). Сўнги турдаги истак майлига Л.Берк сўзловчининг истаги, тилагини билдирувчи, инглиз тили ривожланишининг қадимги ва ўрта босқичларидан шаклан ўзгармай сақланган, асосан диний мазмундаги ибораларни киритади (*God bless you. The Lord make his face shine upon thee.*).

Юқорида тилга олинган тилшуносларнинг хоҳиш-истак категориясини таҳлил қилишга бағишлаб олиб борилган тадқиқотларидан кўриниб турибдики ушбу категория инглиз тилининг лексик, морфологик ва синтактик тизимларида ўз ифодасини топади. Бизнинг назаримизда келтирилган ушбу ҳолатларда борлиққа нисбатан хоҳиш, истак ифодаланади. Зеро, биринчи келтирилган мисолда сўзловчи ўз ёшлигига қайта олмаслигини англасада, ўн беш ёшли ўспирин бўлишига нисбатан кучли хоҳишини билдиради. Мисол тариқасида келтирилган иккинчи гапда сўзловчи ўтмишидаги вазиятда гап объекти бўлган нусха маълум иш-ҳаракатни амалга ошириши лозимлигига нисбатан истагини ифодалаган.

Ўзбек тилида истак гаплар С.Солихўжаева томонидан эмоционал гапларнинг бир тури сифатида қисман ўрганилган. Олиманинг фикрича, истак гапларнинг икки хил кўринишини ажратиш мумкин:

- сўзловчининг ушалиши қийин бўлган орзу-истагини ифодаловчи истак гаплар;
- сўзловчининг ушалиши мумкин бўлган ёки умид қилса бўладиган орзу-истагини ифодаловчи гаплар.

Д.Лутфуллаева эса истак гапларда қуйидагилар акс этишини қайд этади:

- сўзловчининг юзага чиқмаган ҳаракатнинг бажарилиш ёки бажарилмаслигини исташи;
- сўзловчининг ўзи ва тингловчига олдиндан маълум бўлган амалдаги ҳаракатнинг аксини бажарилиш-бажарилмаслигини исташи;

- сўзловчининг объектив оламда муайян нарса-предметнинг мавжуд ёки йўқ бўлишини исташи;
- сўзловчининг объектив оламда мавжуд бўлган нарса-предметнинг мавжуд бўлишини ёки аксинча, воқеликда мавжуд бўлмаган нарса-предметнинг мавжуд бўлишини исташи, орзу қилиши каби коммуникатив ниятда акс этиши.

Кўринадики, истак гаплар сўзловчининг истак-хоҳиши, орзу ва умидининг нутқдаги ифодаси сифатида юзага чиқади. Ўзбек тилида лексик воситалар ёрдамида шаклланган истак билдирувчи гапларнинг семантик асосини истак ифодаловчи лексемалар ташкил қилади. Истак ифодаловчи лексемаларга *истамоқ*, *хохламоқ*, *тусамоқ* каби феъллар киради. Бу лексемаларнинг луғавий маъносида истак семаси мужассамлашган бўлади. Мазкур семанинг реал ифодаси муайян контекстда намоён бўлади. Масалан: *...Шу боис аёл зоти ҳамиша бошида паноҳи бўлишини хоҳлайди.* ("Ойдинда юрган одамлар")

Ушбу гапда *хоҳлайди* лексемаси орқали сўзловчининг истак-хоҳиши ифодаланган. Мазкур лексеманинг гапда муайян иш-ҳаракат маъносини англатувчи лексема билан боғланиб келиши натижасида сўзловчининг истагини ифодаловчи ҳамда бевосита объектив воқелик билан боғланган қўшимча ахборот битга гапга бирлашган.

1.2. Истакни билдирувчи феълларнинг модаллик хусусияти

Бир неча тилшунослар инглиз тилида мавжуд бўлган феълларнинг модаллик функциясини ўрганганлар. Гарчи “wish”нинг мантикий семантика томонидан модаллик функцияси тан олинмаган бўлсада, бир неча олимлар уни модал маъно сифатида тахмин қилишган ва бу фикрни исботлаш учун урунишлар бўлган. (Ballie Sh. 1955; Bogdanov V. V. 1977) Муаллифларнинг баъзилари феълларни туркумлашда модаллик параметрларни назарий асос сифатида аниқлашган ва уларнинг ҳар бири модаллик фаолиятини аниқлашда маълум бир ролни бажарган. Бунга мисол, сўзловчининг воқеага муносабати (баҳолаш), реал муносабатга вазиятнинг тўғридан тўғри тутган ўрни (нореаллик) ва ҳ.з. Гарчи олимлар “wish”ни модалликка қарашли дейишса-да, унинг маъносини “*encouragement*”, “*longing for*” сўзларига яқин маънода таништирдилар. В. Н. Бондаренко ёзишича “*wish*” нинг маъноси модал турлардан биридир ва шахснинг объектив вазиятини англатади, “*to wish*”, “*to want*”, “*to desire*” феълларининг грамматик шакллари махсус модаллик маъносини беради. (Бондоренко В. Н. 1979) Аммо бошқа илмий тадқиқот ишлари истак ва хоҳишни англатувчи феълларнинг баъзи структурасигина модал маънони беради қолганлари эса йўқлигини айтади. (Алисова Т. Э, 1971; Беносова Э, 1972; Грeпл М, 1978)

О.Н. Новикова модаллик маъносини таърифлаганда гапнинг ҳар бир компонентининг модаллик мазмунини яратишдаги ролини намоён этган ҳолда истак модаллигини нисбийлигини аниқлайди. Тадқиқотчи фикрига кўра истак маъносини билдирувчи феъллар модал маънони ифодалайди. Истак маънони берувчи феъллар модаллиги мақсад билан ўзаро таъсирда мавжуд бўлади. Уларнинг алоқа жараёнида ўзаро таъсирининг асоси сўзловчи ва тингловчининг воқеага муносабатини, воқеани амалга оширишнинг муҳим ёки муҳим эмаслигини ва ҳодиса йўналишини ўз ичига олади. (Новикова, 1989) О. Н. Новикова ёзишича истакнинг модаллик билан тасдиқ (ёки инкор) категориялари орасидаги муносабатини аниқлашда, матн ва истак ичидаги таъсир доирасини ўрганишда, қайси муносабатларда

истакни билдирувчи феълли гаплар бошқа гаплар билан мазмун ичида алоқада бўлиши мумкинлигига аниқлик киритишда истакнинг ҳар бир турига характерли бўлган турли бадий бўёқларни ҳисобга олиш муҳим. (Новикова, 1989).

И. Г.Жированинг истакни билдирувчи феълларнинг модаллик фаолияти тўғрисидаги фикрлари ҳам қизиқишга лойиқ. У таҳлил қилинган сўзларга асосланиб истакни билдирувчи феълларни икки гуруҳга бўлади:

- 1) Модалликка мойиллиги бўлган истакни билдирувчи феъллар;
- 2) Модалликка мойиллиги бўлганмаган истакни билдирувчи феъллар.

И. Г.Жирова грамматик қурилмаларда от сўз туркуми билан мослашувчи феълларни модалликка мойиллиги бўлмаган гуруҳга киритган. Булар “to crave”, “to covet”, “to thirst for/after”, “to lust for”, “to sigh for”, “to pant for”, “to itch for”, “to burn for”, “to care for” ва бошқалар.

Аммо грамматик қурилмаларда фақат от сўз туркуми билан эмас инфинитив билан ҳам мослашувчи феъллар модалликка мойиллиги бўлган гуруҳга киритилган. Бундай феълларга “to desire”, “to want”, “to wish”, “to long for”, “to hunger for/after”, “to die for”, “to pine for”, “to yearn for”, “to emulate” киритилган. (Jirova, 1990) Коммуникация жараёнида сўзловчи хоҳишини ифодаланиши модалликнинг энг муҳим намоён бўлишиларидан биридир. Э. П. Васильева истакнинг модаллик функциясини хоҳиш ифодаловчининг нутқ шаклида кўради. У истакни ифодаловчи модалликни кенг шаклда таништирди.

- Муаллиф биринчи гуруҳга эҳтиросни, кучли хоҳиш ва истакни билдирувчи, масалан “to desire, to long for, to covet, to lust” феълларини киритади.
- “to want”, “to wish”, “to will” феъллари иккинчи гуруҳга киритади. Истак ифодаланиши ушбу феълларда биринчи гуруҳга нисбатан кучсизроқ.
- Учинчи гуруҳ феълларига шундай феъл ва феъл қурилмалари кирадики, уларни олдинги гуруҳ феъллари билан таққослаганда истак

мазмунни анча кучсиз. Улар қуйидаги феълларни ўз ичига олади: “*to intend*”, “*to be going*” + *infinitive*, “*to have a mind*”, “*to be in spirits*”, “*to be in a mood*”

- Тўртинчи гуруҳга иш ҳаракатни бажарилишини ўз ичига олмаган “Present Subjunctive” (ҳозирги замон шарт майли) шаклидаги иборалар киради: “*would / should like*”+ *infinitive*, “*would sooner / would rather*”, “*had better*”, “*would / should be glad*”, “*sooner had*”+ *infinitive*

- Охирги гуруҳ нореал истакни ифодаловчи воситаларни ўз ичига олади. Бунда айтилган иш-ҳаракатни амалга ошиши сўзловчи учун ё муаммо ё умуман нореал бўлиб кўринади. Бу мазмунга шартли характерга эга бўлган кўшма гапларни ишлатиш орқали эришилади. (Vasilyeva, 1999)

Бошқа тилшунослар истакни англатувчи феълларни шахс иштирок этгани учун ҳаракатдаги (динамик) модал феъллар таркибига киритишган.

Р. А. Латипов ёзишича истак реал ёки нореал ҳаракатга боғлиқ бўлмаган ҳолда доимо потенциал (имкониятли) мазмунга эга. Феълнинг ҳозирги замон шакли реалликка нисбатан модал муносабатни ифодалайди, аммо ўтган замонни ифодаловчи феъллар эса реалликка нисбатан ёки унинг амалга ошишига нисбатан шубҳани кўрсатиб туради. (Latipov, 1992)

О. В. Ханина ўзининг тадқиқотларида модаллик тушунчаси кенг ва тор маъноларда мавжудлигини айтади. Модалликнинг кенг тушунчаси шахснинг реалликка нисбатан муносабатига асосланган ва бу пайтда тушуниш, ўй, ҳис-ҳаяжон, каби тушунчалар модалликнинг қонуний вакили сифатида ўта қимматлидир. Олимнинг фикрига кўраистакни ифодаловчи феъллар ўз хусусиятига кўра тушуниш, ўй, ҳис-ҳаяжонни англатувчи феъллардан фарқ қилмайди.

О. Б. Шестакова ўзининг илмий ишларида истакни билдирувчи феълларни ўрганиб чиқади ва уларни субъектив модалликни билдирувчи шакл сифатида баҳолайди. Истакни билдирувчи феъллар функционал синтаксис ва прагматика томондан ўрганилиши кераклигини айтиб ўтади. Муаллиф ёзишича субъектив модаллик исталган ёки исталмаган фактор сифатидаги субъектив муносабатнинг мазмунини аниқлайди. Бундан

ташқари О. Б. Шестакова субъектив модаллик мазмунидаги иборалар тилнинг турли қатламлари (лексик, морфологик ва синтаксис)га тегишлилигига урғу беради. Лексик қатламга истак мазмуни истак ядроси орқали ифодаланадиган лексик бирликлар, масалан “to want”, “to wish”, “to desire”, “to long”, “to crave”; сифат “desirable”; ҳамда истак маъносига эга бўлган: “to hope”, “to look forward”, “to be eager”, “must” ва бошқа турдагилар киради. Морфологик қатламга мажбурийлик ва буйруқ майллари киради. Аммо синтаксис қатламга “to be willing to”, “if only”, “would like”, “would love”га ўхшаш қурилмалар ва бошқа турдаги қурилмалар масалан “let it be”, “may the rain come”, “long live the king” лар киради. О. Б. Шестакова бу воситалардан бирини танлаш прагматик факторнинг таъсири орқали аниқланади деб ўйлайди. Муаллиф қуйидаги параметрларни энг муҳим факторлар деб ёзади.

- Истакнинг ёшни кўрсатувчи эгаси ҳамда унинг психологик ва бошқа хусусиятлари
- Истакнинг характери (амалга ошадиган ва ошмайдиган)
- Истакни амалга ошиши кимга боғлиқлиги
- Истак объектининг характерли хусусияти
- Истакнинг энг юқори даражаси
- Истак ҳолатининг вақт чегаралари
- Бошқа модал маъноларга мослиги

О. Б. Шестакова истакнинг субъектив мазмунига алоҳида эътибор беради. Истак мазмуни истакни англатувчи феъллар орқали ифодланади. Бундай ҳолатда истак ифодасининг юқори даражасини танлаш учун асосий фактор ҳисобланган у ёки бу феълнинг танлови ҳисобга олинади.

Масалан: To want – to long; To wish – to crave. (Shestakova, 1995)

Муаллиф асарларида истакнинг модал мазмуни оддий нутқда ҳам ва аралаш нутқда ҳам кузатилади. Аралаш нутқ фаолияти деганда муаллиф турли мазмундаги нутқ фаолиятини назарда тутган.

Истакни билдирувчи феълларнинг модаллик фаолиятини ўрганар эканмиз, шу гуруҳга кирувчи феъллардан “*to will*”, “*to wish*”, “*to want*” бошқаларига нисбатан кўпроқ модал маънога эгаллигини баён этишимиз мумкин. Келинг, бу гуруҳ феъллари ичидан “*to want*” феълнинг модаллик функциясини кўриб чиқайлик. Биринчи навбатда айтиш муҳимки, “*to want*” икки ҳолатда (объектив ва субъектив) ишлатилади. Объектив ҳолатда “*to want*” мажбурийлик ва талаб маъноларини кўрсатади яъни бу феъл “*must*”, “*ought to*”, “*need*” модал феъллари маъносига яқинлашади. Аммо бу феълхушмуомалик билан мажбурийликни англатади шунинг учун тўғридан тўғри, аниқ мажбуриятни билдирувчи феълларга нисбатан кўпроқ қўлланади. Бошқа томондан “*to want*” субъектив маънога эгаллиги билан характерланади яъни у шахсий истак, хоҳиш ва кайфиятни ифодалайди. Унинг юқоридаги маънолари контекст билан боғлиқ ҳолда тушунилади, шундай қилиб у нафақат парадигматик балки синтагматик маънога ҳам ега. Буларга ҳиссиётга тўла истак ҳамда маслаҳат, таклиф, буйруқ ва талаб маънолари киради. “*To want*” феълнинг субъектив маъноси ҳиссий кўринишга эга. Бу феъл аслида тилшунослик соҳасида асосий ўринни эгаллайди, аммо амалда кўпинча объектив маъноси тушунилади. “*To want*” феълнинг объектив маъноси ташқи фактор томонидан аниқланади; субъектив маъносига сўзловчининг руҳий ҳолати, хоҳиши, истаги, қайсарлиги, қатъийлиги яъни сўзловчининг ички ҳиссий ҳолати таъсир этади.

Р. А. Латипов ҳам “*to want*” нинг модал маъносига урғу бериб ўтади. (Latipov, 1992) У расмий ва норасмий контекстларнинг иккаласи ҳам ижтимоий нуқтаи назардан назорат қилинишини ёзади. Расмий контекстда одамлар орасида коммуникация пастроқ ёки юқорироқ гуруҳларда содир бўлади ва хоҳиш тақсимоти жиддий фарқланган ҳамда расмий коммуникацияда инсонлар тахминан бир хил вазиятда бўладилар. Бу ерда истакни англатувчи феъл танлови кам аниқланади. Норасмий мулоқотда ижтимоий фарқланиш ё бўлмайди ё паст даражада аниқланади ваунда яқинлик муносабати олдинги ўринларда бўлади. “*To want*” феъли расмий

мулоқотда объектив маънони эгаллайди ammo норасмий мулоқотда модаллик маъносини ифодалайди, масалан: *“I want to know about this thing now from beginning to end” – he began. “Whose child is that?”* (Th. Dreiser, Jennie Gerhardt).

Юқорида келтирилган бадий асардан олинган гапта *“to want”* феълининг ишлатилиши объектив реаллик сифатида аниқланади. Бу ерда бўлаётган воқеалардан воқиф бўлиш хоҳиши *“to want”* феълининг модаллик маъноси орқали ифодаланган.

Ф. Р. Палмер ёзишича расмий мулоқотда *“to want”* модаллик маъносига эга эмас ва *“will”, “to be willing”* ибораларига маъно жиҳатдан яқинликни кўрсатади. (Palmer, 2001). Юқорида берилган фикрлардан фойдаланган ҳолда ва ўз тадқиқотларимиз натижасидага асосланган ҳолда *“to want”* феъли контекстдан четда на объектив ва на субъектив маъноларни англата олади. Фақат контекст объектив ва субъектив маъноларни аниқловчи фактор бўлиб хизмат қилади. Бу феъл контекстдан ташқарида фақат хоҳиш ёки истак маъносини билдирувчи феъл сифатида қабул қилиниши мумкин ва унинг модаллиги фақат контекст билан боғлиқ.

Истак маъносини билдирувчи феъллар ичида *“to wish”* ўзига хос модал маънони англатади. Биз *“to wish”* феълининг инфинитивли қурилмасини истакли модал феълга киритишимиз мумкин ammo у фаразий модалликнинг нореал истак майли шаклидир. *“They arise chiefly from what is passing at the time, and though I sometimes amuse myself with suggesting and arranging such little elegant compliments as may be adapted to ordinary occasions, I always wish to give them as unstudied an air as possible”* (J.Austen, *Pride and Prejudice*).

Нореал истакнинг фақат ҳозирги замон шаклигина фаразий модаллик маъносини бериши мумкин.

“I wish I could say anything to comfort you”, replied Elizabeth; but it is wholly out of my power. You must feel it; and the usual satisfaction of preaching patience to a sufferer is denied me, because you have always so much” (J.Austen, *Pride and Prejudice*).

Истакни англатувчи феълларнинг модал маънони ифодалашида *“I’d like”* ибораси ўзига хос ўрин тутди. У кўп ҳолатларда шубҳага тўла истакни ифодалайди. Қуйидаги вазиятда сўзловчи ўз истагини ифодалаяпти аммо унинг амалга ошиши сўзловчига эмас, балки вазиятдаги шеригига ёки атрофдаги вазиятга боғлиқ. *“I’d like”* қурилмасининг эга билан ишлатилганининг сабаби у ўз истагини амалга ошишига ишончи комил эмас. *“I thought I’d like to see you again, Lester.” – Robert remarked, after they had clasped hands in the customary grip. “It’s been a long time now – nearly eight years, hasn’t it? (Th. Dreiser, Jennie Gerhardt).*

Истакни ифодалаган *“will”* инглиз тилшунослигида қуйидаги феъл шаклларида қўлланади:

- Ноаниқ келаси замонни ҳосил қилувчи кўмакчи феъл сифатида:
- Хоҳиш, истак маъносини билдирганда асосий феъл сифатида:
- Модал феъл сифатида.

Ф. Р. Палмер *“will”* феълнинг модал маъносини қобилият ва хоҳишни ифодаловчи фаол модалликка киритади. (Palmer, 2001) Биринчи шахс бирликда модал феъл сифатида қўлланган *“will”* хоҳиш ва қарорни ифодалайди. Бу унинг модал феъл сифатида англатадиган маъноси. Биламизки, *“will”* феъли инглиз тилида истамок, ният қилмоқ маъносида ҳам қабул қилинади. Ҳатто лексик маъно англатувчи феъл сифатида бу феъл лингвистикада ўз маъносини топади. Модал феъл сифатида *“will”* бошқа модал феъллар сингари шахсга ўзгара олмайди ёки замон шаклини олмайди. Аммо *“to will”* истакни англатувчи феъл сифатида феълнинг барча функцияларини ўзи ифодалайди ва шу билан бирга модал маънони ҳам беради. Бунга биз *“to will”* феълидан ҳосил бўлган *“to be willing”* қурилмасини киритсак бўлади.

“I don’t care what they say. I shall go on just the same. I know I’ve got it in me. I feel I am an artist. I’d sooner kill myself than give up. Oh, I shan’t be the first they’ve all laughed at in schools and then he’s turned out the only genius of the lot. Art’s the only thing I care for: I’m willing to give my whole life to it. It’s

only a question of striking to it and pegging away.” (S. Maugham, Of Human Bondage).

Юқорида келтирилган лавҳада эганинг кучсиз истаги ўз аксини топган. Бу ерда ифодаланган модалликни *“I can give my whole life to it”* гапи билан таққослаш мумкин.

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда шундай хулосага келиш мумкинки, истакни англатувчи феъллар бир неча маъноларда (кучлидан бошланиб кучсизгача) модалликни ифодалаши мумкин. Бу рўйхатга *“to”* юкламаси билан ишлатиладиган феъллар киритилди. *“To crave “to covet”, “to thirst” for / after “to lust for”, “to sigh for”, “to pant for”, “to itch for”, “to burn for”, “to care for”*га ўхшаш феъллар эса модалликка мойиллиги бор феъллардир. Улардаги модаллик кучли ифодаланмайди ва фақатгина контекстда кузатилади.

1.3.Истак-хоҳиш категориясига мансуб лексик бирликларнинг танлаш тамойиллари

Истак-хоҳиш категориясига мансуб лексик бирликларнинг танлаш жараёнида ушбу гуруҳга кирадиган инглиз тили луғат таркибидаги истак маъносини ифодаловчи феълларнинг лексик гуруҳларини кўриб чиқиш амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлди. Лексик бирликларнинг танлашда "Macmillan Student's Dictionary" ҳамда “Инглизча-ўзбекча луғатдан”(Butayev Sh. Inglizcha-o`zbekcha O`zbekcha-inglizcha lug`at.- Toshkent: O`qituvchi, 2013) фойдаланилди. Тадқиқот асосини “истак” маъносига эга бўлган феъллар гуруҳи ташкил этди. Унинг таркиби 14 та феъл яъни *want, desire, will, wish, choose, ask, long, intend, require, crave, lust, thirst, demand, bid* ва бошқалардан иборат.

“To want” хоҳиш объекти ҳисобланган предмет, ҳаракат, вазиятга нисбатан истакни амалга ошишини кўрсатиб туради: *to want knowledge; to want judgment; to want learning; to want food and clothing to want adventure; to want to travel; to want to eat*. Бунда истак маъноси *кераклилик, муҳтожлик*

сўзларига якин маънони беради. Бундан хулоса қилсак бўладики *“to want”* нимагадир бўлган муҳтожлик, етишмаслик каби яширин маъноларни бериб, сўзловчининг истагини шу билан бирга мақсадини ҳам англатади. Бу унинг қадимий инглиз тилидаги *“wan” – deficient: wan - wanting, deficient, lacking, absent* сўзидан келиб чиққанини исботлайди.

“To wish” феъли тадқиқотда шуни кўрсатдики, у кўп ҳолларда истакни амалга ошириш имкони йўқлигини билдиради: *to wish smth impossible; to wish smth with no chance of that happening; to wish smth that can only be achieved by good luck or magic*. Бу сўзнинг тарихига тўхталсак у қадимий инглиз тилидаги *“wyscan”* сўзидан келиб чиққан.

“To want” ва *“to wish”* феълларини *“to desire”* феъли билан таққослаб шу хулосага келдикки, *“to desire”* феъли *“to wish”* феълига нисбатан кучли истакни, *“to want”* га қараганда кўпроқ расмий маънони ифодалайди.

“To desire” феъли лотин тилидаги *“desiderare” – “long for, wish for”* сўзига қариндош бўлиб, у *“de sidere” – “from the stars”* сўз бирикмасидан келиб чиққан ва *“a wait what the stars will bring”* маъносини берган.

Истак маъносини берувчи феъллардан яна бири *“will”* феъли бўлиб, қадимий ҳинд-европа тилидаги *“uel”*-танламоқ негизидан килиб чиққан ва кейинчалик истак маъносини берган. Қадимий инглиз *willan/wyllan* феъли илк манбаларда ёзилганлиги маълум бўлиб, *“to wish, desire, want”* каби эксплицит маънони, имплицит тарзда *“intention, volition, able to choose”* маъноларини англатган. Замонавий инглиз тилида *“will”* хоҳиш маъносига ҳиссий бўёқ бериш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб, унинг ўрнини кейинчалик пайдо бўлган *“to want”, “to wish”* ва *“to desire”* феъллари эгаллаган. Аммо у ҳозир ҳам имплицит тарзда хоҳиш маъносини ифодалайди.

Истак бирликларини ўрганиб унинг турли вазиятларда яъни

- сўзловчининг амалдаги ҳаракат ёки бировга нисбатан ижобий истагини,
- амалдаги ҳаракатнинг аксини бажарилиш-бажарилмаслигини ёки бирор шахсга нисбатан салбий истакни,

- сўзловчининг объектив оламда мавжуд бўлган нарса-предметнинг мавжуд бўлишини (реал) ва
- аксинча, воқеликда мавжуд бўлмаган нарса-предметнинг мавжуд бўлишини исташи, орзу қилиши (нореал) каби коммуникатив маъноларни ифодалаш мумкин, деб топдик.

Ижобий истаклар қуйидаги ҳолатларда қўлланиши мумкин: ўзаро учрашувларда, меҳмонга борганда; байрамларда; хайрлашувда, кечирим сўраганда; бемор инсонга; дунёдан ўтган инсон руҳига ва ҳоказо. Салбий истаклар (қарғишлар) кишининг салбий жиҳатдан характерлайди., яъни уни қўллаган кишининг салбий хусусиятларини (кўра олмаслик, ёмон кўриш, писанд қилмаслик ва ҳоказолар) шундоққина кўрсатиб туради. Масалан “*God damn you!*” (кимнидир устига лаънат ёздирши), “*Go to Hell*”(бировга дўзахни тилаш) иборалари нафақат ҳақорат, балки қарғаш ҳамдир. Тўпланган материаллар таҳлилидан келиб чиқиб, салбий истакларни ифодаловчи ибораларни англатган маънолари жиҳатидан гуруҳларга бўлишга ҳаракат қилдик:

- Ўлим тилаш мазмунини ифодаловчи,
- Ғазаб-нафрат мазмунини ифодаловчи,
- Дуойи бад қилишни ифодаловчи.

Л.Берк фарқлаган истак майлининг иккинчи тури волиционал истак майли (volitional subjunctive) нореал тилакни ифодалайди (I wish I were a bird).

Кўринадикки, истак гаплар сўзловчининг истак-хоҳиши, орзу ва умидининг нутқдаги ифодаси сифатида юзага чиқади.

1.4 Истак-хохиш маъноси файласуф олимлар талқинида

Кетаётган эдингиз йўлингизда бир кўза топиб олдингиз, уни кўлингизга олган эдингиз у тилга кирди, “Кўзани ишқала ва тилак тила, у амалга ошади”. Сиз бор умидингиз билан тилак ўйлай бошлайсиз. Ҳозир одамлар нимани орзу қиладилар?

Маданият ривожлана бошлагандан буён инсониятни истакни амалга ошириш тушунчаси ўзига асир этиб келмоқда. Афсонавий жинкўзадан чиқиб учта тилакни амалга ошираман деганида, диний илтижоларда, болаларнинг туғилган кунидаги шамларни пуфлаб ўчирганларида, инсон тилакларини айтишдан чарчамайди.

Қадимдан одамлар руҳонийларга, шаманларга, донишмандларга истакларини амалга ошириш учун мурожаатқилиб келганлар. Ҳозирда кўпинча улар руҳларга, кристалларга, ўзга сайёраликларга ва янги даврнинг ажойиб сеҳру жодуларига мурожаат қилиб келмоқдалар. Орзу истаклар бутун бир халқ маданияти намоёни, инсонларнинг ҳис туйғулари ва жамиятдаги тутган ўринларининг ойнасиدير.

Анн Фарадиш шундай деган эди, “орзуларда, инсоннинг ҳақиқий умид ва имкониятлари (фақат ёмон истаклар эмас) шаклланади ва улар бизни ҳаракат қилишга ундайди. Қисқа қилиб айтганда, истак хаёлнинг отаси ва хаёлот фаолият турткисидир. Инсониятнинг ҳар бир муваффақияти (ва кўрқинчли ишлари) аввало унинг миясида ва орзуларида яратилади.” Истаклар туганмас иштиёқларнинг янгиланиши учун чақирувчи кўнғироқдир. Истаклар хаёллар ва келажак пештоқидир. Истаклар оила ва жамият ҳаётида, диний уюшмаларда, ва ҳатто ҳукуматда ва бизнесдунёсида жиддий аҳамиятга эга ва шу билан бирга аҳамиятсиз бўлиши ҳам мумкин.

Талабалар ва таълим берувчилар хоҳиш-истакнинг ижобий ва салбий томонларини муҳокама қилишлари керак. Масалан, ҳаммага хоҳлаганча пул берсак пулни кадрсизланишига олиб келади ёки хоҳлаганча энергия ишлатсак глобалишишга олиб келади. Демакки, хоҳлаш керак аммо

эҳтиётлик билан. Бир-биримиз биланистакларимизни баҳам кўрар эканмиз, мақсадларимизни ўзгариб бораётганини гувоҳи бўламиз.

Клиффорд А. Пиковернинг “The book of wishes” китобида инсон хоҳишларини 20дан ортиқ категорияга бўлиб чиққан. Биз қуйидагиларни асосий категориялар сифатида танлаб олдик.

1. Инсонлар билан боғлиқ бўлган истаклар. Буларга инсонлар билан суҳбатлашиш, бошқаларга бахт тилаш, ёрдам бериш, машҳур одамлар билан учрашиш, ногиронликдан халос бўлиш, инсонларни доимо кулиб юришини ва болалар дунёсининг фаровонлигини иташ, инсонларга ҳаёт сабоғини бериш, бошқаларнинг тушунчаларини тузатишга ҳаракат қилиш, инсоният азоб-укубатларига барҳам бериш, ирқчиликка барҳам бериш, йўқотилган бахт ва омадни қайтаришни иташ, гиёҳвандликдан батамом қутулиш, ўзи ҳақида ўзгалар фикрини билиш каби истакларни киритиш мумкин.

2. Пул/буюм билан боғлиқ истаклар. Булар шахсий бойликка эга бўлиш истаги, мол-мулкка эгалик қилиш истаги, қарздорликдан халос бўлиш ва бошқаларга моддий совғалар қилиш каби истакларни ўз ичига олиши мумкин.

3. Маҳорат/қудрат билан боғлиқ истаклар. Бу категорияга турли қобилиятларга эга бўлиш истагини киритиш мумкин: масалан, ижодкор бўлиш, касалларни тузатиш истаги, суперқудратга эга бўлиш, уч олиш истаги, телепортқила олиш, яшин тезлигидаги хотирага эга бўлиш, тил билиш қобилияти, инсонлар миясига таъсир ўтказиш, рангларни ҳис қила олиш, шаклларни эшитиш ва ҳ.к. истаклар.

4. Оила билан боғлиқ истаклар. Бу категория 1-категория билан бир хилга ўхшайди, аммо бунда фақат оила аъзолари иштирок этади. Буларга қуйидаги мавзулар кириши мумкин: болалар бахти, қизлар хавфсизлиги, умр йўлдош билан қалин муносабат баъзида унинг фикрини ўзгаришини хоҳлаш, ота-оналарнинг жанжаллашмасликлари ёки ярашишларини иташ, фарзанд кўриш истаги, оила аъзоларининг умр боқий ҳаёт кечиришларини хоҳлаш, йўқотилган қариндошларни ҳаётга қайтишини иташ ва ҳ.к.

5. Тинчлик билан боғлиқ истаклар. Бу категория зўравонликни тугатилиши, кўнгил хотиржамлиги, умр йўлдош биланжанжалнинг тугатилиши, ядровий қуролни йўқ қилиш, шахсий ҳаётда ва дунёда тинчликни ўрнатилиши кабиларни ўзичига олиши мумкин.

6. Маънавият билан боғлиқ истаклар. Бу категория ўзига ишонч, ўзини англаш, руҳий поклик, яхшилик, романтик севги, Худо ёрлакаган бўлиш, хамманинг борлиқ гўзаллиги ва сир-саноатидан роҳатланишини иташ ва ҳ.к.

7. Билим/интелект билан боғлиқ истаклар. Инсон билимини оширишни иташи, билим ва тушунча ёки донишмандликни хоҳлаш. Шунингдек ҳаётни тушуниш, ҳамма нарсани билиш ва сир-саноатларини тушуниш, дунёни борлигича англаш кабилар ҳам кириши мумкин.

8. Шахсийлик билан боғлиқ истаклар. Бахтли бўлиш истаги, ўзини севиш, ҳурмат қилиш, кадрлаш истаги, оқил, сабрли, мақсадли, тартибли бўлиш, тушкунликка тушмаслик, бошқаларни муҳокама қилмасдан кадрлаш истаклари...

9. Соғлиқ билан боғлиқ истаклар. Инсон саломатлиги, туғруқ назорати, ортиқча вазни камайтириш, ОИТСни даволаш, ногиронликдан халос бўлиш.

10. Фалсафий истаклар. Бундай хоҳишлар кўпинча қизиқарли мантиқий ҳаракатлар масалан сеҳрли тошга эга бўлиш кабилар билан қизиқади. Масалан: “Нимани хоҳлаётганимни билсайдим”, “Хоҳлардимки сеҳрли тош фақат яхшилар қўлига тушса”, “Хоҳлардимки баланд-парвоз истаклар кичкина хоҳишларга ҳалал бермаса”; “Why” сўзи билан саволлар бериш, имконсиз нарсаларни иташ.

10. Касб билан боғлиқ истаклар. Касбидан мамнун бўлиш, айнан бир касбга эга бўлиш, маҳоратли ходим бўлиш, яхши иш жойга эга бўлиш, яхши иш ва иш жой топиш каби истаклар билан қизиқади.

11. Геосиёсат ва экология билан боғлиқ истаклар. Аҳоли сонини, миллатлар чегараси назорат қилиш, атроф муҳит ифлосланишини тўхтатиш, бутун дунё тил бирлиги, дунёдаги очарчиликни тўхтатилиши, ўрмонларни тиклаш истакларидир.

10. **Боқийлик билан боғлиқ истаклар.** Узок умр кўриш, енгилмас бўлиш, бир умр ёш бўлиб қолиш.

11. **Саёҳат билан боғлиқ истаклар.** Ҳақиқий ва тасаввурдаги дунёга, ўлкаларга саёҳат қилиш.

12. **Вақт билан боғлиқ истаклар.** Вақтни бошқариш, кўпроқ вақтни хоҳлаш, вақт бўйича саёҳат қилиш.

13. **Дин билан боғлиқ истаклар.** Оллоҳни овозини эшитишни ишташ, Унинг мақсадини тушуниб етиш, дин ҳақида тўлиқ билимга эга бўлиш, қайси дин тўғрилигини билишни ишташ...

Бирор бир нарсага эришиш учун инсон олдига доимо мақсадлар қўйиб боради ва бу мақсадларни амалга ошириш учун эса хоҳиш керак бўлади. Мақсад қанчалик катта бўлса истаклар шунча улуғ бўлади. Истак хоҳишдан фарқ қилади. Ҳаммада истак бор аммо хоҳишсиз улар маъносиздир. Истак инсон излаган нарсасини бермайди унинг ортида хоҳиш турсагина кўзланган мақсадга олиб бориши мумкин.

“Алиса ғаройиботлар оролида” асарида Алиса ғаройиботлар оролига тузоққа тушиб қолади, қаёққа боришини билмай у ёқдан бу ёққа юради. Бир куни эрталаб чорраҳага етиб келади. Қайси йўлни танлашни билмай иккиланиб, маслаҳат сўраш учун турганида, куёш нурига тобланиб ётган мушукка кўзи тушади. “Айтолмайсизми бу ердан чиқишим учун қайси йўлни танласам бўлади?” сўрайди Алиса. “Бу сени қаерга боришни ишташига боғлиқ”. “Қайерга боришни билмайман”. Унда қайси йўлни танлашингни фарқи йўк”, дейди мушук.

Бу ҳикоят шуни кўрсатадики хоҳиш ва мақсадсиз инсон ҳаёт сўқмоқларида тентирабюради, холос.

Файласуф, Томас Ҳоббес (1588-1679) хоҳиш инсон фаолиятида ундовчи восита эканлигини таъкидлаган. Мутахассислар хоҳишни ҳис туйғу деб қарашса, психологлар уни тана структурасидан келиб чиқади деб баҳслашади. Масалан, ошқозоннинг овқатни хоҳлаши инсонни физиологик ҳолатидан келиб чиқади. Маркетинг ва реклама компаниялари таклиф қилинаётган

хизмат ёки маҳсулотга харидорларнинг хоҳишларини қандай қилиб рағбатлантириш ва ундаш бўйича психологик тадқиқотдан фойдаланадилар. Баъзи рекламалар харидорларга айнан шу маҳсулотни етишмаётганлик ёки хоҳлаш ҳиссини беришга уринишса, бошқалари маҳсулотни машҳурлигини ёки намунасини кўсатиш орқали хоҳишни пайдо қилишга урунишади.

Хоҳиш мавзуси Ғарбий Европа ўрта аср романларининг асоси бўлган ва ижтимоий йиғилишлар, синфлар ёки маданий тўсиқлар инсон истак-хоҳишларини рўёбга чиқишига ҳалалбергани уларда тасвирланган.

Хоҳиш мавзуси бошқа адабий жанрларда ҳам қўлланган. Масалан, кўрқинчли романлардан бири Драм Стокернинг “Дракула” асарида хоҳиш кўрқув ва хавотир билан аралашиб кетади.

Ҳомердан Тони Моррисонгача бўлган шоирлар асарлари ҳам истак-хоҳишмавзуси билан боғланган. Мелодрама фильмларда инсон ҳиссиётлари таназзулга учрашига, мувоффақиятсиз севгига ва дўстликка тўсқинлик қилаётган ва сабаб бўлаётган хоҳишни тасвирлаш орқали томошабин ҳиссиёти оширилган.

Фалсафада истак-хоҳиш Антик давргача (милодий 476йиллар) фалсафий муаммо деб топилган. Плато “The Republic” асарида хоҳиш олий мақсаддан кейин қўйилиши кераклиги ҳақида баҳслашади. Аристотел “Де Анима” асарида хоҳиш ҳайвоний муносабатга киришиш эканлигини таъкидлайди ва мулоҳаза истак-хоҳишга таъсир кўрсатишини англайди. Ҳоббес (1588-1679) психологик ҳедонизмни (ҳузр-ҳаловат ҳамма нарсадан муҳим, вақтни фақат ҳузур берувчи нарсаларга бағишлаш керак деб ўйловчилар) илгари сурган ва у инсон фаолиятининг асосий рағбати ҳузур ҳаловатга бўлган хоҳишлигини исботлайди. БаручСпиноза (1632-1677) Ҳоббеснинг фикрларига қарши чиққан ҳолда табиий истак-хоҳишни қуллик шаклида кўради ва инсон ўз иродаси билан танламаслигини айтади. Давид Ҳуме (1711-1776) хоҳиш ва эҳтирос ақлий эмас, тананинг автоматик жавоби эканлигини таъкидлайди.

Жорж Вилхелм Фредрих Ҳегел “хоҳиш бу ўзига ўта ишонч ” деган эди. Чунки у инсонларни бутун вужуди билан киришиб кетишига ёки заҳарланишига олиб келади, инсониятнинг мусибатларининг сабабчиларидан бири деб аталиб келинган. Буддизм таълимотларида истак-хоҳишинсон ҳаётида бошидан кечирадиган азоб-уқубатлари сабабчиси деб топилган. Ёлвориб сўраш ёки ўтинчдан бутунлай қутулиш бахт (нирвана)га олиб келади дейилган. Аммо хоҳишни фойда келтирадиган томони инсонни эркин ва кадрли қилишидир. Хоҳиш-истаклар ҳузур-ҳаловат учун хизмат қилмаслиги керак, хоҳишни маҳоратли сифатларни ривожлантириш учун ишлатиб, фойдасиз сифатларда ташлаб кетмоқ керак” дейишган Будда ўрганувчилари.

1.5. Истак-хоҳиш маъносининг категориялар мавқеи

Тилнинг грамматик қурилишини ўрганиш муайян тилдаги грамматик категорияларни ўрганишдан бошланади. Қиёсий грамматика эса грамматик категорияларни қиёсий ўрганади. Қиёсланаётган тиллар системаларидаги грамматик категорияларнинг урни ва ифодаланиш усуллари аниқлашнинг муҳим назарий аҳамияти бор. Бу биринчидан, ҳар бир қиёсланаётган тилни баён этиш жараёнини алоҳида-алоҳида ташкил қилиш учун, иккинчидан, бу тилларнинг ҳар бири учун хос бўлган умумий лингвистик универсалия ва баъзи хусусий формаларнинг мувофиқлашувини аниқлаш учун зарур. Аммо бундай муҳим лингвистик таҳлилнинг кўпгина масалалари ҳали тегишлича ҳал этилган эмас. Қиёслашнинг конкрет методикаси ишлаб чиқилмаган, бир системали ва кўп системали тилларнинг қиёслашнинг ягона принципи йўқ. Тилшуносликда ҳанузгача муайян конкрет тилларни лингвистик инвентаризациялаш ва қиёслашга доир тўла йиғилган эмпирик материал мавжуд эмас. Тил системаларининг барча ярусларини лингвистик баён этиш жараёни бошланган бўлса-да, у ўз такомиллашувини кутмоқда.

Шу сабабли, хозирги кунда тилшуносликца илмий изланишлар кенг кўламда олиб борилмоқда-ки, бу ҳодиса сўзсиз турли-туман назарияларни пайдо бўлишига сабаб бўлаяпти.

Бу назариялардан бири тилшуносликда тилнинг турли яруслари бирликлари иштрокида ифодаланувчи категориялар яратишдир. Ушбу муаммо кўп олимларни қизиқтириб келмоқда, чунки шу пайтгача конкрет тилларнинг грамматик системасини тадқиқ қилишда қўлланилаётган грамматик категориялар тушунчаси типологик тадқиқот учун етарли эмас.

Тилшуносликда турли олимлар томонидан тавсия қилинган категориал тушунчаларнинг энг асосийлари қўйидагилар:

- тушунча категорияси;
- функционал-семантик категория;
- грамматик-лексик майдон;
- типологик категория.

Бу методларнинг хаммаси ҳам маълум лингвистик тушунчани бир ёки бир нечта тил системасида ифода этишда лексик ва грамматик ярусларни бирга қўйиб ўрганиш тамойилини тавсия этади.

Юқорида айтилган категориялар ҳақидаги умумий маълумотлар билан танишиб чиқамиз.

Тушунча категорияси

Тушунча категориясининг пайдо бўлиши рус тилшунос олими И.И.Мешчанинов ва даниялик олим О.Есперсенларнинг номлари билан боғлиқдир. Қиёсий типологияда тушунча категорияси алоҳида ўрин тутаети. Тушунча категорияси реал ёки логик категориянинг маълум лексик, морфологик ёки синтактик яруслар воситасида ифодаланишидир. Тушунча турли тилларда турлича ифодаланади. Баъзи тилларда у маълум грамматик формал воситалар иштрокида ифодаланиб, грамматик тушунчани англатиши. Баъзиларида эса махсус формал белгилар бўлмаганлиги сабабли грамматик тушунча англатмаслиги мумкин. И.И.Мешчанинов бу ҳақида

шундай деб ёзади: "Инсон онгидаги ҳар қандай тушунча тил воситалари орқали ифода этилиши мумкин. Тушунча тасвирий йўл билан англатилиши, ўзининг ифодаланишида маълум система яратиши мумкин. Система яратишда тушунча категорияси албатта иштирок этади". И.Мешчаниновнинг фикрича тушунча категорияси махсус грамматик форма билан ифодалангандагина грамматик тушунча категорияси бўла олади.

Бирор тушунча категориясининг тилда ифодаланувчи формасини топишнинг турли тил системаларини қиёслашда катта амалий аҳамияти бор.

Тушунча категорияси логик категория билан лингвистик категориянинг таққосланишига асосланган.

Тушунча категорияси деганда, Отто Есперсен мавжуд тиллардаги тасодифий далилларга боғлиқ бўлмаган тилдан ташқаридаги тушунчаларни назарда тутаяди. У грамматикага оид (яъни махсус формаси) бўлмаган универсал категорияларни ифодалайдиган тил воситаларини эътиборга олмайди.

Отто Есперсен тушунча категорияларини барча тилларда қўллаш мумкин бўлган универсалия деб ҳисоблаб, грамматик форманинг ифода этилишида грамматик роднинг реал жинсга мос келмаганини таъкидлайди.

Отто Есперсеннинг тушунча категориясида аниқлик йўқ. Бир жойда у тушунча ва грамматик категориялар бир-биридан тубдан фарқ қилади деб ёзса, иккинчи жойда у улар ўртасида уйғунлик бор деб ёзади. Умуман, Отто Есперсеннинг тушунча категорияси логик ва грамматик категориялар ўртасидаги муносабатни аниқлаш жараёнида пайдо бўлган.

Тушунча категорияси ҳали яхши ишланмаган. Уни типологияга тадбиқ этиш соҳасида методик ва назарий маълумотлар йўқ.

Тушунча категорияси термини А.В.Бондарконинг фикрича унчалик қийин эмас, чунки у бутунлай тафаккур доирасини кўрсатади ва тил категорияси эмас, балки мантиқ тушунчасини назарда тутаяди. Шунинг учун

хам тушунча категориясини улар "функционал-семантик категорияси" деб аташни тавсия қиладилар.

Функционал - семантик категория

Тилнинг ярус бирликларининг ўзаро бирикиб ҳосил қилган умумий функцияси ва уларнинг ўзаро муносабати асосида ажратилган категория функционал-семантик категориядир. Мазмун планида бу категория умумий семантик бирликни ташкил

қилса, ифода планида у бир неча яруслар бирликлари билан ифодаланиши мумкин. Масалан, аспектиаллик функционал-семантик категорияси феълларнинг ўзаро оппозициясидан ташқари (вдуть-вдуть), яна бошқа сўз туркумларига кирувчи сўзлар билан бирга ҳам (иногда, время от времени, долго, всю ночь) ифодаланиши мумкин. Юқорида келтирилган мисолларга асосланиб, А.В.Бондарко ҳозирги рус тилида темпораллик, модаллик, парсоналлик, аспектиаллик, нисбатлик каби функционал-семантик категориялар бор деб таъкидлайди.

Функционал-семантик категория ҳам типологик тадқиқотда анча қулай, бироқ у хали, биринчидан, яхши мукамаллашмаган бўлса, иккинчидан, типологик қиёслашга мулжалланган эмас.

Грамматик- лексик майдон

Маълум тушунчанинг грамматик ва лексик бирликлар воситасида ифодаланишига грамматик-лексик майдон дейилади. Бу категорияга биноан бирор умумий маъно бир-бири билан алоқадор бўлган лексик ва грамматик бирликлар воситасида ифодаланади. Масалан, Е.В.Гулига ва Е.И.Шендельс кўрсатишича, кўплик майдон (поле множественности) ҳозирги немис тилида қўйидагича ифодаланади:

- отнинг кўплик шакли билан;
- от билан мослашувчи сифат ва сифатдошнинг шакли билан;
- эга вазифасида келувчи от (ёки олмош) билан мослашувчи феълнинг тусланувчи шакллари билан;

- сон билан;
- миқдор олмоши билан;
- кўплик сондаги кишилик олмоши билан;
- жамловчи отлар билан.

Грамматик-лексик майдон бошқалардан ўзининг бирмунча мукамаллиги билан фарқ қилади, аммо у ҳам юқорида айтилганидек, бир тил системаси учун хизмат қилади.

Тилдаги маълум категорияни морфологик, лексик ва синтактик яруслар бирлиги иштирокида ўрганиш масаласи типологик қиёсий метод учун жуда зарур масалалардан бири ҳисобланади.

Қиёсий типологияда ўрганилаётган тиллар системасини таҳлил қилиш учун универсал категориялар ажратилиши лозим. Аммо шуни айтиб ўтиш керакки, ажратилган категориянинг ифода планидаги birlikлари грамматиканинг фақат морфологик яруси билан чекланмаслиги керак. Барча тил ярусларида ифодаланишнинг ҳамма воситалари аниқланмагунча қиёслаш тўла қийматга эга бўлмайди. Турли ярусда ифодаланадиган элементлар ўзаро боғлиқ бўлишини алоҳида ўқтириб ўтиш лозим. Масалан, ҳозирги замон инглиз тилида биз ўрганаётган эркалаш категорияси тилнинг барча яруслари, шу жумладан, синтактик ярус билан боғламай таҳлил қилиш мумкин эмас, чунки ҳар бир сўзнинг морфологик хусусияти фақат синтактик ярусда аниқланади. Бу парадигматика ва синтагматиканинг ўзаро алоқада эканлигидан ва бир-бирига боғлиқлигидан дарак беради. Нутқда эса бир ярусни иккинчисидан ажратиб бўлмайди. Бинобарин лексик ва морфологик яруслар фонологик яруссиз, синтактик ярус фонологик, морфологик ва лексик ярусларсиз мавжуд бўлмайди, яъни қуйи ярус бўлмаса, юқори ярус ҳам бўлмайди. Шу сабабли, бирор тушунчани ўрганишда тилнинг барча тармоқларининг иштирокини аниқлаш керак.

Ифодаланишнинг барча шакллари аниқламай туриб тил системаларини инвентаризация қилиш мумкин эмас, деб таъкидлайди профессор Ж.. Буронов. Типологик қиёслашнинг биринчи босқичи бўлган

инвентаризациясиз типологик тадқиқотни ўтказиш, бинобарин, тилдаги мувофиқликларни аниқлаш мумкин булмайд.

Типологик категория

Икки ва ундан ортиқ тилларни қиёслашда типологик категориялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, чунки ажратилган тушунчани ўрганишда ва тил системасидаги ифодаланиш усулларини аниқлашда ушбу категорияларнинг ўрни ва ахамияти катта роль ўйнайди.

Типологик категория типологик маъно ва типологик шаклдан иборат.

Типологик маъно типологик категориянинг мазмун планини ташкил қилади. Типологик маъно - бу морфологик, лексик ва синтактик бирликларнинг ўзаро муносабати натижасида ҳосил қилинган умумий абстракт лингвистик маънодир. Типологик маъно турли ярусли бўлиб, уни ифода этишда тилнинг турли яруслари бевосита иштирок этади. У икки ёки бир неча тиллар системаси асосида тузилади. Типологик маъно грамматик ва лексик маъноларни ўз ичига олади ва ўрганилаётган тиллар системалари учун умумий маъно ҳисобланади.

Типологик шакл типологик маънони ифодаловчи қиёсланаётган тилларнинг турли ярус бирликларидир. Типологик шаклнинг инвариантлари турлича бўлиб, улар морфологик, лексик ва синтактик бирликлар билан ифодаланади. Типологик шаклни ифодаловчи воситалар морфологик ярусда сегмент ва супрасегмент морфемалардан, лексик ярусда сўз ясовчи аффикслардан ва мустақил лексик бирликлардан, синтактик ярусда эса сўз бирикмалари ва гаплардан ташкил топади.

Шундай қилиб, биз танлаган истак-хоҳиш маъносини ифодаловчи тушунча, типологик лексик категориялар туркумига мансуб бўлиб, қиёсланаётган тилларнинг барча ярусларида, яъни лексик ва синтактик ярусларида турли-туман ифодаланиш воситалари мавжуд.

Ҳар бир тил яруси асосий маркерга эга бўлиб, ушбу маркерлар турли ярусларда турлича ифодаланиш хусусиятига эга. Тилнинг лексик ярусидан бу

вазифани морфема бажаради, синтактик ярусиди эса - сўз бирикма, ёки бутун бир конструкция, фразеологик бирикма ва х. к.

Хоҳиш категорияси ҳам тилнинг турли қатламларида ўз ифодасини топганлиги уни таҳлил қилиш учун мавзу сифатида танланишига сабаб бўлди. “Тушунча категорияси категория мақомини олиши учун тил тизимида ўз ифодасини топган бўлиши керак”, деган эди И.И. Мешчанинов. Тил тизими деганда морфологик, лексик ва синтактик қатламлари назарда тутилади.

Хоҳиш категорияси инглиз тили билан бирга бошқа тилларда, жумладан ўзбек тилида ҳам мавжуддир. Шунинг учун биз бу категорияни типологик категория деб айта оламиз. Типологик категория таққосланаётган тил тизимларига хос бўлган умумий категориядир. Хоҳиш категориясининг инглиз тилидаги хусусиятларини ўзбек тилидаги акс эттирувчи воситалар билан солиштиришбу категорияни тушунишга ёрдам беради.

Хоҳиш категорияси ички семантика ва бошқа ташқи формал хусусиятлар воситасида истак, интилиш, мақсадга эришувнинг йўл ва воситаларини тўлиқ англаб етмасликдан иборат иродавий ҳолатни ифодалаш сифатида характерланади.

Хоҳиш категориясининг қатламлараролик хусусияти унинг тил иерархиясининг морфологик, синтактик ва лексик қатламларида кўриб чиқилиши билан белгиланади.

Хоҳиш категориясининг разрядлараролик хусусияти сўзларнинг турли лексик-грамматик разрядлари, яъни отлар, феъллар, сифатлар ва равишлар иштирокида ифодаланишида намоён бўлади.

Хоҳиш типологик категориясининг морфологик, лексик ва синтактик каби ифода усулларини ажратиш мумкин.

- структурасига кўра;
- сўзларнинг турли лексик-грамматик разрядларининг муносабатига кўра;
- семантикасига кўра.

Структурасига кўра хоҳиш маъносига эга бўлган сўзлар қуйидагича бўлиши мумкин: содда, мураккаб, қўшма ва мураккаб қўшма сўзлар. Морфем таркибига кўра уларни қуйидагиларга ажратиш мумкин: хоҳишни ифодаловчи ўзак морфемалар ва хоҳиш маъносига эга аффиксал морфемалар.

Сўзларнинг турли лексик грамматик разрядларига нисбатан муносабатига кўра хоҳиш семасига эга сўзлар қуйидагилардир: отлар, феъллар, сифатлар ва равишлар. Бу сўз туркумларига оид сўзларнинг барчаси хоҳишга нисбатан маълум муносабатга эга, яъни ҳар бир разряд хоҳиш маъносини ўзининг лексик-семантик ва функционал имкониятлари доирасида ифодалайди.

Семантик тасниф хоҳиш категорияси ичида хоҳишни ифодаловчи турли шакллардан иборатдир. Бунинг ичида қуйидагиларни ажратиш мумкин: а) сўзларнинг ҳар бир лексик-грамматик разрядга оид мазмун; б) хоҳиш (*want, desire*), тилак (*wish, will*), интилиш (*intention*), афзал кўриш (*preference*) ва бошқа семантик хусусиятлар.

Хоҳиш категориясини ифода этишнинг семантик усуллари турли сўзларнинг бирикиши йўли билан амалга оширилади. Бунда бирикмани ташкил этувчи сўзларнинг бири хоҳишни ифодалайди ва синтактик birlikнинг сифат кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади. Одатда бу кўрсаткич сифатида хоҳиш маъносини лексик усул асосида ифодаловчи сўзлар иштирок этади: *deep yearning, indomitable zeal, stormy passion, persistent craving, blinding heat, irresistible inclination, burning desire, fervent ardour* каби бирикмаларни умулаштириб Q+N модели остига киритилса, *extraordinary diligent, highly desirable* кабиларни Q+A моделига жамласа бўлади. *Infinitely desire, devoutly wish, dreadfully want, breathlessly adore, tremendously admire* сингари бирикмаларга Q+V моделини келтириш мумкин бўлса *willingly ask, deliberately tell* кабиларни Adv+V модели остига жамлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хоҳиш типологик категориясини ифодалашнинг морфологик усуллари асосан қадимги инглиз тилидан сақланган *God bless You!* ва салбий маънодаги *God damn you!* сингари иборалардаги феъл учинчи шахс бирликдаги одатий *-s* қўшимчасини олмаслиги мисолида кўрсатиб ўтиш мумкин. Бу ҳолат истак майли таркибини тўлдирувчи вазият бўлганлиги ва юқорида айтилган *-s* қўшимчаси феълга қўшилганида гап аниқ майлга ўтиб хоҳиш мазмунини йўқотиши диққатга сазовордир.

Would ва *should* каби морфологик даражадаги аналитик шакллар инглиз тилидаги хоҳиш-типологик категориясини ифодалайди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики тил иерархиясининг морфологик, лексик ва синтактик бирликлари хоҳиш категориясининг типологик шакллари сифатида намоён бўлиб келади. Ушбу ҳолат Ж.Бўронов томонидан келтирилган типологик категориянинг хусусиятларидан бири бўлиши қатламлараролик хусусиятини изоҳлайди. Хоҳиш категорияси ўз ифодасини инглиз тили билан бир қаторда ўзбек, рус ва бошқа кўпгина тилларда топиши, ушбу категориянинг тиллараролик хусусияти унинг типологик категория эканлигининг яна бир бор тасдиғидир.

Ҳар қандай типологик категория сингари хоҳиш типологик категорияси ҳам разрядлараролик хусусиятига эгадир. Хоҳиш категориал тушунчаси турли лексик-грамматик разрядларига оид воситалар ёрдамида ифода этилиши мумкин, аниқроғи ушбу тушунча инглиз тилида от, феъл, сифат ва равиш сўз туркумларига оид лексик бирликлар воситасида ифодаланади. Масалан, негизнинг умумийлигидан келиб чиқадиган бўлсак *want* ва *desire* сўзларнинг икки лексик-грамматик разрядларига тегишли: *want (n)* хоҳиш ва *want (v)* хоҳламоқ; *desire(n)* хоҳиш, истак ва *desire(v)* хоҳламоқ.

Типологик категорияга хос бўлган хусусиятлардан бири қатламлараро синонимликдир. Хоҳиш типологик категориясида бу хусусиятни кўриб чиқадиган бўлсак, лексик қатламга оид махсус сўзларга эътибор беришимиз керак бўлади яъни бу сўзларга *to want, to desire, to intent, to wish* ва бошқалар

киради. Бу сўзлар бир қатламли синонимлар ҳисобланади. Бу бир қатламга оид синонимик бирликлар синтактик қатлам бирликлари, яъни қатламлараро синонимлар сифатидаги синтактик бирликларга қарши қўйилади. Юқорида келтирилган мисолларнинг қатламлараро синонимлари сифатида қуйидаги каби бирикмалар келади: *to have something wanted, to get something desired, to cause something planned.*

Хоҳиш категориясининг ифода воситаларини таҳлил этиш жараёнида *let* феъли ёрдамида ясалган қурилмаларнинг табиати, функциялари ва семантикасини кўриб чиқиш амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга.

А. Абдурозиқовнинг фикрига кўра, императив семантикасининг тадқиқ этилиши долзарб аҳамиятга эга бўлган масалаларидан бири бу ушбу категория томонидан ифодаланувчи умумий маъно билан боғлиқ масаладир. Бир қатор тилшунослар императивнинг умумкатегориал маъносини фақатгина ундаш маъноси билан чегаралаб қўядилар. Бошқалари ва улар билан А. Абдурозиқов ҳамфикр бўлиб, императивнинг умумкатегориал маънолари қаторига сўзловчининг хоҳиши ва умуман олганда ундашнинг барча кўринишларини киритиш тарафдорларидирлар.

V imp ва *let...Vimp* шаклларига эга императив сўзловчининг иш-харакатнинг ёки бевосита суҳбатдоши, ёки бошқа шахс (шахслар) томонидан амалга оширилишига нисбатан хоҳишини ифодалайди. *Let's V(inf)* ва *Please, V(im)* шакллариининг ишлатилиш хусусиятини солиштирганда қуйидаги фарқланувчи хусусият кўзга ташланади: *Let's V(inf)* сўзловчи адресатнинг иш-харакатни бажаришига шубҳа қилмаган вазиятда қўлланилса, *Please, V(im)* сўзловчи бу нарсага аниқ ишончи йўқлигида ишлатилади.

Субъект сифатида қурилмаларда атоқли отлар, олмошлар ишлатилиши мумкин. Уларнинг барчаси иш-харакатининг амалга оширувчиси бўлиши мумкин бўлган жонли предметларни ифодалайди. Предметнинг жонли ёки жонсизлиги муҳим кўрсаткич бўлиб, ундаш семантикасини ўзгартириш имкониятига эга: *Let everyone else do it. Let it be as you say.*

Биринчи бобга хулоса

Орзуистаклар бутун бир халқ маданияти намоёни, инсонларнинг ҳис туйғулари ва жамиятдаги тутган ўринларининг ойнасидир. Орзуларда, инсоннинг ҳақиқий умид ва имкониятлари шаклланадиган улар бизни ҳаракат қилишга ундайди. Қисқа қилиб айтганда, истак хаёлнинг отаси ва хаёлотфаолият турткисидир. Инсониятнинг ҳар бир муваффақияти (ва кўрқинчли ишлари) аввало унинг миясида ва орзуларида яратилади. Истаклар туганмас иштиёқларнинг янгиланиши учун чақирувчи кўнғирокдир. Истаклар хаёллар ва келажак пештоқидир. Истаклар оила ва жамият ҳаётида, диний уюшмаларда, ва ҳатто ҳукуматда ва бизнесдунёсида жиддий аҳамиятга эга.

Сўзловчининг ёки гап субъектининг борлиқни амалга оширишга қаратилган турли даражада хиссий бўялган интилиши бўлган хоҳиш тушунчасининг тилдаги ифодасининг тилшунослар томонидан фақатгина баъзи жихатлари ўрганилган.

Мустақил категория сифатида етарли даражада ўрганилмаган инглиз тилидаги хоҳиш категорияси тилнинг морфологик, синтактик, лексик қатламларида ўзининг кенг ифодасини топади. Тадқиқотлар натижасида аниқланишича инглиз тилидаги хоҳиш категориясининг асосларидан бири бўлиб истак майли хизмат қилади. Истак майли тизимига кирувчи аналитик ва синтетик шакллар иш-ҳаракатнинг исталганлиги, унинг содир этилишига нисбатан қайсидир даражадаги хоҳишни ифодалайди.

Хоҳиш маъноси истак майлидан ташқари буйруқ маълида ҳам қатнашиши мумкин. Зеро, ҳар қандай буйруқ, кўрсатма қандайдир иш-ҳаракатнинг содир этилиши, қандайдир вазиятнинг амалга оширилишининг исталганлиги асосидир.

Ушбу категорияни ифодаловчи лексик қатлам от, сифат, феъл ва равиш сўз туркумларига оид содда, ясама ва қўшма сўзлар ҳисобига кенг эканлиги аниқланди. Бунда сўз яшаш жараёнида префиксацияга қараганда

суффиксация ҳолати кўп учрайди. Синтактик қатламда хоҳиш категорияси сўз бирикмалари, фразеологик иборалар, матал ва мақоллар воситасида ифодаланиши инглиз тили қонуниятлари асосида амалга оширилади.

Шундай қилиб, биз танлаган истак-хоҳиш маъносини ифодаловчи тушунча, типологик лексик категориялар туркумига мансуб бўлиб, киёсланаётган тилларнинг барча ярусларида, яъни лексик ва синтактик ярусларида турли-туман ифодаланиш воситалари мавжуд.

Хар бир тил яруси асосий маркерга эга бўлиб, ушбу маркерлар турли ярусларда турлича ифодаланиш хусусиятига эга. Тилнинг лексик ярусида бу вазифани морфема бажаради, синтактик ярусида эса - сўз бирикма, ёки бутун бир конструкция, фразеологик бирикма ва х. к.

2-боб: Истак-хоҳиш категориясининг структуравий ва функционал хусусиятлари

2.1. Истак-хоҳиш маъносини ифода этишининг лексик усуллари

Семантик категорияларнинг тилда ифода этилишини таҳлил қилишда лексик қатламга эътиборимизни қаратмасдан иложимиз йўқ. Чунки ҳар қандай тилнинг луғат структураси маълум лексик категорияларнинг иерархиясини ташкил этади.

Инглиз тилида хоҳиш категориясини ифода этувчи луғат таркибини таҳлил этишда И.В.Арнольд томонидан таклиф этилган сўзларнинг морфологик таснифидан келиб чиқишни лозим топдик. Хусусан, И.В.Арнольд сўзларни морфологик тузилишига кўра тўрт гуруҳга бўлади. Бунда сўзларнинг таркибига кирувчи морфемаларнинг сони ва тури тасниф учун асос сифатида олинган:

- Содда ёки морфем сўзлар. Уларнинг ўзаги бир эркин морфемадан ташкил топган бўлади (*want, desire*).
- Ясама сўзларда морфемалар сони иккитадан кам бўлмайди ва улардан камида биттаси сўз ясовчи морфема (*bound morpheme*) бўлади (*wished, desirous*).
- Қўшма сўзлар камида икки эркин морфемадан ташкил топади. Сўз ясовчи морфеманинг мавжудлиги эҳтимол, лекин муҳим эмас (*nymphomania*).
- Ясама қўшма сўзлар камида икки эркин морфема ва бир сўз ясовчи морфемадан ташкил топади (*self-willed, long-wished*).

И.В. Арнольд томонидан келтирилган ушбу таснифнинг сўнгги икки таърифини таҳлил этиш натижасида шундай тасаввурга келиш мумкинки, буларнинг иккаласида ҳам эркин морфемалар сони тенг ва фақат сўз ясовчи морфеманинг мавжудлигининг зарурлиги билан фарқ қилади. Демак, инглиз тилидаги луғат тизимини ташкил этувчи лексик birlikларни содда сўзлар, ясама сўзлар ва қўшма сўзларга ажратиш мумкин. Фикримизни асоси сифатида В. Фромкин ва Р.Родманнинг сўзларни бир морфемали

(monomorphemic words) сўзлар, ясама сўзлар(derived words) ва қўшма сўзлар (compound words)га ажратган морфологик таҳлилини олишимиз мумкин.

1.Феъл сўз туркумига оид сўзлар таҳлил қилинганда уларнинг 90 % ини айнан содда сўзлар ташкил этиши аниқланди. Бунда ушбу маъно категорияси ядросини ташкил этувчи *want, desire, wish* каби феъллар билан биргаликда хоҳиш маъноси лексик майдонининг перифериясини камраб олувчи, хоҳиш маъносини асосий маънога қўшимча равишда ифода этувчи *tend, hope, aspire, beg* каби феъллар ҳам назарда тутилди.

Содда сўзларнинг 33% ини инглиз тилидаги от сўз туркумига оид хоҳиш-истак категориясини ифода этувчи сўзлар ташкил қилади. Уларнинг таркибида *desire, want, wish, will* сўзларининг асосий маъноси "хоҳиш" бўлган сўзлар билан бирга қўшимча равишда "хоҳиш" маъносини ифодаловчи *heat, hunger, thirst* каби отлар ўрин олган. Ушбу қаторга инглиз тилининг оғзаки нутқ вариантыга "хоҳиш" маъносини ифодаловчи *itch, call* каби лексик бирликлар ҳам киритилган.

Сифат сўз туркумига оид сўзлар ичида хоҳиш маъносини ифодаловчи лексик бирликларнинг атиги 6% қисми содда сўзлардан иборатлиги аниқланди. Ушбу бир морфемали сифатлар қаторига *agog, eager, keen, lewd* кабилар киритилди.

Равиш сўз туркумига оид содда сўзлар хоҳиш категориясининг лексик қатламини ташкил этувчи равишларнинг 12% идан иборат бўлди. Бунда хоҳиш маъносини яширин тарзда ифода этувчи *rather, perhaps* каби равишлар кириши аниқланди.

Хоҳиш маъносини ифодаловчи содда сифат ва равишлар лексик-семантик майдонда от ва феълларга нисбатан кам фоизни ташкил этади. Бунинг сабаби ушбу сўз туркумларига оид бирликлар асосан аффиксация воситасида сўз ясалиши ҳисобига кенгайди. Шу сабабли бу икки сўз туркумига оид лексикадаги ясама сўзлар улуши хоҳиш маъноси ифодаланган лексик-семантик гуруруҳда нисбатан каттадир.

2. И.В. Арнольд: “ясама сўзлар камида икки морфемадан иборат бўлади ва улардан камида биттаси сўз ясовчи морфемадир”, деб таъриф берган эди.

Инглиз тилида хоҳиш категориясига оид лексик-семантик гуруҳнинг ичидаги от сўз туркумини ташкил этувчи ясама сўзлар ушбу сўз туркумига оид хоҳиш маъносини ифода этувчи умумий лексиканинг 58% қисмини ясама сўзлар ташкил этиши аниқланди. Ушбу гуруҳга кирувчи лексик катламнинг сўз яшаш воситаси сифатида асосан суффиксация хизмат қилади. От ясовчи суффикслардан қуйидагилари хоҳиш маъносини ифода этувчи отларни яшашда қатнашиши аниқланди: *-ness (willingness, greediness, keenness)*, *-ing (sighing, hankering, longing, craving)*, *-ion/ -sion/ -tion/ -ation (inclination, requisition, compulsion, desideration)*, *-er/ -or (adorer, prayer, petitioner)*, *-cy (obstinacy)*, *-y (jealousy)*, *-ot (zealot)*, *-ac (maniac)*, *urn (desideratum)*, *-ast (enthusiast)*, *-asm (enthusiasm)*, *-(i)ty (credulity, lubricity, desirability)*, *-ance/ -ence (appetence, prurience)*.

Таҳлил этилаётган маъно категориясини ифода этувчи феълларнинг 6%и ясама сўзлардан иборат эканлиги маълум бўлди. Бу сўз туркумига оид лексика ҳам ясама отлар сингари суффиксация асосида ясалади.

Тадқиқот натижасида қуйидаги феъл ясовчи суффикслар хоҳиш семали лексик-семантик гуруҳни тўлдиришда иштирок этиши аниқланди: *-en (hasten)*, *-er (pander)*, *-tion (requisition)*, *-ate (replicate, desiderate)*. Префиксация қуйидаги сўзда намоён бўлиши мумкин: *beseech*.

Хоҳиш маъносини ифода этувчи сифат сўз туркумига оид ясама сўзлар ушбу сўз туркумидаги семантик гуруҳнинг 90% қисмини ташкил этиши таҳлил натижасида аниқланди. Аффиксация воситасида ясалган сифат-лексик бирликларнинг асосий таркиби суффиксация натижасида ясалганлиги қуйидаги суффикслар сифат яшашда фаол қатнашишининг исботидир: *-able (desirable, admirable, preferable)*, *-ive (attractive)*, *-ing (willing, hoping, pining)*, *-ed (wished, hoped, coveted)*, *-ful (lustful, hopeful)*, *-ous (desirous, lascivious)*, *ate (passionate)*, *-ish (freakish)*, *-al (maniacal)*, *-ic*

(*enthusiastic, erotic*), *-ent* (*ardent*), *-y* (*greedy, itchy*), *-ac* (*aphrodisiac*). Сўз ясовчи суффикслар от-негиз (*-al: maniacal; -ful: hopeful; -ic: enthusiastic; -ish: freakish; -y: greedy; -ent: ardent; -ous: zealous*) ва феъл-негизга кўшиш орқали ясама сифатларнинг шаклланишига олиб келади (*-able: desirable; -ing: dying; -ed: inflamed*).

Префиксация воситасида шаклланган ясама сифатларга *impatient, overanxious*, кабиларни келтириш мумкин. Хоҳиш маъносини ифода этувчи ясама равишларга *-ly* суффиксини феъл-негизга (*intently*) ва сифат-негизга кўшиш (*willingly, greedily, keenly*) орқали ясалган лексик бирликлар воситасида кўрсатиб ўтиш мумкин. Бунда *-ly* суффикси аксарият ҳолларда ясама сифатларга кўшилишини кузатиш мумкин (*jealously, preferable, hopefully*). Ясама равишлар хоҳиш маъносини ифода этувчи равиш сўз туркумига оид сўз қатламининг асосий 80% қисмини ташкил этади.

3. Қўшма сўзлар—инглиз тили луғат таркибининг морфологик таснифдаги лексик бирликларнинг учинчи кўринишидир. И.В.Арнольд таърифлашича қўшма сўзларни тилда эркин шаклда учрайдиган камида икки ўзакдан иборат сўзлардир. Инглиз қўшма сўзларини иборалардан фарқлаш қийин, сабаби улар икки эркин қисмдан иборат бўлади. Қўшма сўзларни иборалар ва ясама сўзлардан фарқлашга тилшуносликда турли ёндашувларни кузатиш мумкин. Е.Нида тилдаги луғат бирликларини аниқлашда уч турдаги критериялардан фойдаланишни таклиф қилади:

- 1) фонологик;
- 2) морфологик;
- 3) синтактик.

Бунда на фонологик, на морфологик, ва на синтактиккритерий якка ҳолда самара бера олади. Кутилган натижага олиб келиши учун икки ёки ҳар уч критерийнинг ўзаро комбинацияси бўлиши керак. И.В.Арнольд юқоридагиларга тўртинчи сифатида график критерийни қўшади. Уёзма нутқни эътиборга олмаслик хато деб ўйлаган. График критерий остида

тилшунос қўшма сўзларнинг қўшилиб (*headmaster*), тире ёрдамида (*loud-speaker*) ва алоҳида (*match box*) ёзилиш шакллари назарда тутади;

Хоҳиш маъносини ифодаловчи сифат сўз туркумига оид сўзларнинг 4% улушини қўшма сўзлар ташкил этди. Ушбу қатордаги сўзлар асосан аниқловчиси сифат билан ифодаланган ва унга сифатдош қўшилган шакллардан иборат. Сифатдош I ёрдамида ясалган қўшма сифатларга *paintstaking* кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Сифатдош II иштирокида шаклланган қўшма сифатларга *good-willed, ill-willed, self-willed, open-mouthed, long-wished* кабиларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Биз сифатдош II қисмидаги сўз маъно жиҳатидан мос келувчи сўз билан алмаштирилиши мумкин бўлса (*long-wished, ill-willed, long-hoped, long-desired, ill-longed, ill-inclined* ва ҳоказо), бу турдаги қўшма сифатлар сони кенгайди деб ўйлаймиз.

2.2. Истак-хоҳиш маъносини фразеологик ва паремиологик бирликлар ёрдамида ифодаланиши

Истак-хоҳиш категорияси тилнинг лексик қатламида турли лексик бирликлар билан бир қаторда фразеологик бирликлар воситасида ҳам кенг ифодаланади. Ушбу бирликлар инглиз тили фразеологиясининг қонуниятлари ва нормалари асосида шаклланган. А.В.Кунин томонидан ишлаб чиқилган тасниф асос сифатида қабул қилинди. Инглиз тилидаги хоҳиш-истак категориясини ифода этувчи кенг қамровли бирликларнинг хусусиятларини таҳлил этишда бирликларни структурал турларга эмас, балки структурал-семантик синфларга ажратиб кўриб чиқишни афзал деб топилди. Чунки фразеологик бирликнинг маъноси унинг синтактик тузилиши чегарасидан чиқиши ва натижада маъно ва структуранинг қарама қаршилиги келиб чиқиши кузатилади.

А.В.Кунин фразеологик бирликларнинг тўрт структурал-семантик синфини ажратади. Улар:

- номинатив фразеологик бирликлар;

- номинатив коммуникатив фразеологик бирликлар;
- хис-ҳаяжонли ва модал фразеологик бирликлар;
- коммуникатив фразеологик бирликлар.

Номинатив фразеологик бирликларни кўриб чиқадиган бўлсак, *a wish list* (энг истаган нарсалар рўйхати), *that's the card* (айни исталган нарса), *good will* (яхши ният), *ill will* (ёмон ният), *the lust of the flesh* (хирс), *a call of the nature* (табiiй заруратни қондириш истаги) каби номинатив-субстантив фразеологик бирликлар компонентларининг констант боғлиқлиги асосида шаклланган. Ушбу бирликларнинг бир қисмини бошқа эквивалент билан алмаштириб бўлмайди, акс ҳолда исталган маънони бермайди. Бу турдаги субстантив фразеологик бирликлар ўзгармасдир.

The gold fever номинатив субстантив фразеологик бирлик компонентларининг констант-вариантли боғлиқлиги асосида шаклланган бўлиб, грамматик варианты сифатида отдан олдин келган сифат аниқловчининг отдан сўнг келувчи аниқловчи билан алмашган бирлик келади: *the gold fever - the fever of gold* (олтин талвасаси).

Men of good will, the desire of eyes, presidential fever каби субстантив фразеологик бирликлар компонентларининг констант-вариантли боғлиқлиги асосида тузилган. Бунда фразеологик бирликни ташкил этувчи компонентлардан бири алмаштирилувчи вариантга эга бўлиши мумкин. Субстантив фразеологик бирликларнинг лексик вариантларини хоҳиш семантикасини ифодаловчи қуйидаги мисолларда кўрсатиб ўтиш мумкин: *men of good will - people of good will* (яхши ниятли кишилар); *the desire of eyes - the light of eyes* (кўнгил истаги); *Presidential fever - Presidential bee* (президент бўлишга нисбатан кучли интилиш). Келтирилган мисолларнинг илк икки жуфтлиги от компонентлари ўзаро алмашган констант-вариантли субстантив фразеологик бирликларни намоён этса, сўнги мисол структурал синонимларнинг бир кўринишидир.

Zeal without knowledge (is a runaway horse), Presidential bee (in ones bonnet) каби фразеологик бирликлар квантитатив вариантларга мисол бўла олади.

A bee in one's bonnet (мания, кучли истак), *a cheap in one's shoulder* (муштлишига нисбатан истак) каби номинатив субстантив фразеологик бирликларнинг компонентлари констант-алмашинув боғлиқликка эга бўлади. Бу турдаги фразеологик бирликларнинг компоненти сифатида, аксарият ҳолларда *one* (ёки *one's*), *somebody* (ёки *somebody's*) ва *something* олмошлари қатнашиши кузатилади.

Юқорида келтирилган номинатив фразеологик бирликларнинг асосий компоненти сифатида от сўз туркуми келади. Номинатив фразеологик бирликларининг адъектив турида асосий компонент сифат сўз туркумига оид бўлади. *Keen as mustard* (жуда қаттиқ хоҳловчи); *hungry as a hunter* (бўридек оч) каби адъектив фразеологик бирликлар эргашганлик хусусиятига эга.

Номинатив фразеологик бирликларнинг яна бир тури адвербиал (равишли) фразеологик бирликлардир. Хоҳиш семантикасини акс эттирувчи *by a hair's breadth* (озгина бўлса ҳам); *with all one's heart* (жони билан, чин кўнгилдан) сингари равишли фразеологик бирликлар эргаш структурага эга. *Like a shot* (жони билан); *like one's o'clock* (жони билан) каби мазмунни кучайтирувчи равишли фразеологик бирликлар бир қатламли бирликларга кириши аниқланди.

Ask for the moon (имкони йўқ нарсани сўрамоқ); *be after somebody's blood* (бировнинг қонини, азобланишини хоҳламоқ); *make a bid for something* (бирор нарсага интилмоқ) каби мажхул нисбатда ишлатилмайдиган феълли фразеологик бирикмалар номинатив турга киради.

Номинатив-коммуникатив синфга кирувчи феълли фразеологик бирликларга феъл мажхул нисбатда қўлланилганида фразема гапга айланган ҳолатлар киради. Масалан, *expect much - much is expected*.

Хоҳиш-истак категориясини бойитувчи *well and good* сингари фразеологик бирликлар эргашган структурали модал фразеологик бирликлари синфига киради (*he brings it off, well and good*).

Фразеологик бирликларнинг яна бир синфи коммуникатив бирликларни ташкил этади.

Коммуникатив фразеологик бирликларга тўлиқ предикатив гаплар киради. Ушбу синфга оид фразеологик бирликларни иккига бўлса бўлади: маталлар ва мақоллар. Хоҳиш категориясини ифодаловчи маталлар кўп сонли эмас эканлиги таҳлил натжасида аниқланди. Буларга асосан бирор нарсага ундовчи ва истакни ифода этувчи гаплар киради: *may your shadow never grow less* (узоқ умр кўришингизни тилайман), *more power to your elbow* (омад!), *God help him* (Худо ярлақасин), *Heaven forbid!* (Худо сақласин!). ушбу маталларнинг компонентлари ўзаро констант боғланган *one's heart is in the right place* (яхши ниятга эга бўлмоқ) каби маталларни ташкил этувчи компонентлар констант-вариантли алмашинувчи боғлиқликка эга.

Хоҳиш категорияси инглиз тилида маталларга нисбатан мақоллар воситасида кенгроқ ифода этилган.

All covet, all lose.

We soon believe what we desire.

The wish is father to the thought.

Where there is a will there is a way.

Appetite comes with eating.

If you run after two hairs, you will catch nonen.

He that will not when he may, when he will he shall have nay.

Do as you would be done by.

We are ever striking after what's forbidden, and coveting what is denied us каби мақолларнинг компонентлари констант (ўзгармас) боғлиқликка эгадир. Бу турдаги мақоллар таҳлил этилган коммуникатив фразеологик бирликларнинг асосий қисмини ташкил этади.

Компонентлари констант-вариантли боғлиқликка эга бўлган куйидаги мақолларда грамматик вариант кузатилади:

If wishes were horses might (would) ride.

If the sky fall (falls) we shall catch larks.

Ўзбек халқ мақолларидаги феъл — кесимнинг морфологик хусусиятларини таҳлил қилишдан маълум бўлдики, кесими буйруқ-истак майлида қўлланган мақол ва маталларнинг мазмунидан деярли ижобий истак англашилади. Бунда феъл — кесим икки хил шаклда қўлланганини кузатиш мумкин:

1. Буйруқ — истак майлидаги феъл бўлишли шаклининг кесим сифатида қўлланиши.

2. Буйруқ — истак майлидаги феъл булишсиз шаклининг кесим сифатида қўлланиши.

Биринчи ҳолатда феъл — кесим II ва III шахсларда қўлланади. Кесими II шахсда қўлланган мақоллар, асосан, худога илтижо тарзида бўлиб, мақолдан ижобий истакнинг амалга ошишини сўраш мазмуни англашилади. Масалан: *Уйқуни тинчдан бер, ўлимни кечдан бер.* (Мақол) Аммо бундан мустасно мақоллар ҳам мавжуд: *Қадам қўй аста-аста, Қадам етгунча илм иста; Яхши ният ярим давлат;*

Иккинчи ҳолатда қўлланган феъл — кесимли мақоллардан ҳам айнан шу мазмун англашилади: *Қиш ўлдирма, ёз ўлдир, оч ўлдирма, тўқ ўлдир.* (Мақол)

Феъл — кесими III шахсда қўлланган мақоллардаги истак мазмуни умумга тегишли эканлиги билан характерланади.

Биринчи ҳолатда қўлланган феъл — кесимга мисоллар: *Ўлдирса ҳам ош ўлдирсин.* (Мақол) *Ўғил бўлсин, қиз бўлсин, қўл—оёғи тез бўлсин.* (Мақол) *Чумчуқ суйса ҳам қассоб сўйсин.* (Матал)

Иккинчи ҳолатда қўлланган феъл — кесимга мисоллар: *Гўрингдан сув чиқмасин, уйингдан қув чиқмасин.* (Мақол) *Ёмонга ишинг тушмасин, қулонга қушинг тушмасин.* (Мақол) *Қариндошинг ўлса ўлсин, кадрдонинг ўлмасин.*

2.3. Истак-хоҳиш маъносини ифода этишнинг синтактик усуллари

Хоҳиш-истак маъноси синтактик қатламда шу қатламга оид бирликлар ёрдамида ифодасини топади. Ушбу бирликлар эса махсус қурилмалар, сўз бирликларидан ташкил топган синтактик моделлар ёрдамида шаклланади. Тадқиқот натижасида хоҳиш маъносини ифода этишнинг синтактик усуллари сифатида сўз бирикмалари фаол қатнашиши аниқланди.

В.В.Бурлакова томонидан сўз бирикмасига берилган таъриф истак-хоҳишсемантикасига эга бўлган сўз бирикмалари бошқа турдаги синтактик бирликлардан ажратиб, танлаб олишда фойдаланилди. Таърифда берилишича сўз бирикмаси деб сўз синфлари комбинаторикаси, уларнинг шакллари ва бир-бирига нисбатан муносабати нуқтаи-назаридан келиб чиққан ҳолда кўриб чиқиладиган ҳар қандай грамматик мослашган гуруҳларига айтилади. Ҳар қандай грамматик мослашган гуруҳларини таснифлашда В.В.Бурлакова ўрганиладиган гуруҳларнинг фақат ички структурасидан келиб чиқиш тамойилига асосланади. Ушбу тамойилга мувофиқ ҳолда у инглиз тилидаги барча сўз бирикмаларини икки гуруҳга, ядроли ва ядросиз сўз бирикмаларига ажратади. Ядроли сўз бирикмаларида бир элемент иккинчисидан устунлик қилади. Маълум гуруҳ ичидаги ушбу элемент бошқа элементга боғлиқ эмас ва шу сабабли ушбу бирикманинг ядроси бўлиб хизмат қилади. Хоҳиш семантикасини ифода этувчи ядроли сўз бирикмаларига мисол тариқасида *ardent desire, to want desparately, to wish to go* сингари бирикмаларни келтириш мумкин.

Таснифни давом эттириб В.В.Бурлакова ядроли сўз бирикмаларини регрессив, яъни боғлиқ сўзларнинг ядронинг чап томонидда жойлашган ҳолати, ва прогрессив, боғлиқ сўзларнинг ядронинг ўнг томонида жойлашган турларига ажратади. Регрессив ва прогрессив ядроли сўз бирикмалари ўз навбатида ядронинг морфологик хусусиятларига кўра бошқа янада кичик гуруҳларга бўлинади. Хусусан, равиш ядрога эга бўлган сўз бирикмалари *very ardently, less greedily* мисолида кўрсатиб ўтилиши мумкин.

Ядроси сифат сўз туркумига оид сўз бирикмаларига мисол тариқасида *extremely yearned, strongly desired, much wanted* кабилар келтирилади. Субстантив, яъни от сўз туркумига оид ядроли регрессив сўз бирикмалари куйидаги мисолларда намоён бўлади: *burning want, fervent desire, blinding heat*. Тадқиқот натижасида прогрессив ядроли сўз бирикмалари ҳам кенг қамровли эканлиги аниқланди.

В.В.Бурлакова таклиф этган таснифга асосан хоҳиш категориясини ифодаловчи прогрессив сўз бирикмалари куйидагича таҳлил этилиши мумкин: субстантив ядроли прогрессив сўз бирикмалари: *inclination to drive, desire to obtain*; сифат ядроли прогрессив сўз бирикмалари: *eager for fame*; феъл ядроли прогрессив сўз бирикмалари: *desire peace, wish desparately, want fearfully*. Келтирилган таснифдаги прогрессив сўз бирикмалари қаторидан ўрин олувчи яна бир турдаги сўз бирикмалари предлогли ядроли сўз бирикмаларидир. Инглиз тилининг лексик ва семантик қатламларини ўрганиб чиқиш натижасида ядросининг ўзи хоҳиш категориясини ифодаловчи предлог ядроли прогрессив сўз бирикмалари аниқланмади. Бунга сабаб тариқасида предлогларнинг хоҳиш семантикасини мустақил равишда ифодаламаслик ҳолати қабул қилинди.

Таснифнинг иккинчи йўналиши, яъни ядросиз сўз бирикмаларини ажратиш жараёни гуруҳ ичида ядронинг йўқлиги хусусиятига асосланади. Таснифни давом этиб В.В.Бурлакова ядросиз сўз бирикмаларини индипендент ва депендент бирикмаларга ажратади. Индипендент ядросиз сўз бирикмаларининг хусусияти шундаки, улар қўшимча контекст, фонсиз аниқланади. Бу турдаги ядросиз сўз бирикмалари бир синфли ва турли синфли бирикмаларга ажралади. Бир синфли ядросиз сўз бирикмалари боғловчили гуруҳлар ёки боғловчисиз гуруҳлардан ташкил топади. *Wish and hope; desire, or, love, or hate* туридаги сўз бирикмалари боғловчили ядросиз индипендент сўз бирикмаларидир. "*desire, lust, want*" каби бирикмалар боғловчисиз тузилган индипендент ядросиз сўз бирикмаларига мисол бўла олади. *She wanted; she lusted; I covet* сингари кўп учрайдиган бирикмалар

ядросиз индeпeндeнт сўз бирикмаларининг турли синфли турига кириб ўзарo бoғлиқ бирламчи предикация асосида ясалади. Индeпeндeнт сўз бирикмаларидан фарқли равишда дeпeндeнт ядросиз сўз бирикмалари ўз идентификацияси учун контекст талаб қилади. *Tireless diligent (man)* сингари хоҳиш категориясини ифодаловчи сўз бирикмалари аккумулятив бир синфли дeпeндeнт ядросиз бирикмаларга киради. *Deep yearning (period)* каби бирикмалар дeпeндeнт ядросиз сўз бирикмаларининг аккумулятив турли синфли кўринишига мисол бўла олади.

Ядросиз дeпeндeнт турли синфли сўз бирикмаларига кировчи (*asked*) *desparately for her telephone number, (he searched) the information desired, it shall be as you desire* каби бирикмалар ўзарo бoғлиқ иккиламчи предикация асосида тузилган.

Ўзбек тилида истак-хоҳиш бирликлари таркибида гап бўлаклари вазифасига кўра айрим ўзига хос хусусиятларга эга. Бош бўлакларнинг бири—эга ҳукми қаратилган шахс ёки предметни ифодалаб, турли сўз туркумлари билан ифодаланади: *Қадам етди, бало етмасин!, Азиз бошинг омон бўлсин, тўрт мучанг соғ бўлсин!* (Сўзлашувдан)

Турли сўз туркумлари отлашиб, эга вазифасида келади: *Ёмон ёмонлигин қўйсин, яхши яхшилигин қилсин.* (Р Очил). Истак-хоҳиш бирликлари таркибида бирикмали эгаларнинг қўлланиш доираси анча кенгдир: *Илоҳим эсон-омон қутилиб, бағрингизга босиб олиш насиб этсин!* (Сўзлашувдан) Эгага хос хусусият шундаки, бу хил гапларда кўпинча *худо, Оллоҳ, тангри*м сўзлари эга вазифасида ишлатилади: *Оллоҳ шифо берсин, ammo тузалишингизга фурсат бор!* (А. Қодирий) Бундай гапларда истак, илтижо мазмунини кучайтириш мақсадида бу сўзлар ўзлик олмоши ўз билан бирга қўлланиши мумкин: *Оллоҳ барча мўмин бандаларини шайтанат оламидан ўзи асрасин!* (Т. Малик)

Бош бўлакларнинг яна бири—кесим ҳам истак-хоҳиш бирликлари таркибида турли туркумларга мансуб сўзлар билан ифодаланиб келади. *Дастурхонга қут барака ато қилсин, ўтирган ўрнимиз*

йўқолмасин!(Сўзлашувдан) Истак-хоҳишни ифодаловчи гаплар таркибида содда кесимларга нисбатан таркибли кесимлар кўпроқ ишлатилади. Таркибли от кесимлар гапларда от, отлашган сўз+**бўлмоқ, қилмоқ, этмоқ** ёрдамчилари тарзида тузилади. От+бўл боғламаси кесим вазифасида ҳам келади:

Эл дардига дармон бўл, малҳам бўл,
Йўлбошчингга қанот бўлу ҳамдам бўл!

(Н. Назруллаев)

Бундай гаплар таркибидаги таркибли от кесимларнинг етакчи қисми кўпинча сифатлар ва равишлар билан ифодаланади: *умринг узоқ бўлсин, бахтли қилгин, инсофли бўл, меҳнаткаш бўл, юзинг ёруғ бўлсин, тилинг узун бўлсин, ризқинг улуғ бўлсин*. Таркибли от кесимларнинг кўмакчи қисми вазифасида **бўлмоқ** феълидан ташқари, **қилмоқ ва этмоқ** феъллари ҳам кела олади. Бу феъллар **бўлмоқ** феълига нисбатан камроқ ишлатилади.

Омин, Ватан гадоси, кафан гадоси қилма, Дўстга зор, душманга хор, номардга муҳтож қилма. (Т. Малик, Шайтанат)

Юқоридагилардан кўринадики, истак-хоҳиш бирликлари таркибида гапнинг бўлаклари бир мустақил сўз билан ифодаланганидек, бирдан ортиқ мустақил сўзларнинг ўзаро синтактик алоқага киришувидан тузилган яхлит бир бўлак сифатида қўлланадиган бирикмалар билан ҳам ифодаланади.

II боб бўйича хулоса

Тилга нисбатан структура элементлари ўртасидаги муносабатлар ва боғлиқликлар тизимига эга бўлган тизимли объект сифатида ёндашув тил бирликларининг функционал ва семантик хусусиятларининг бир-бирига боғлиқлигини тан олишга асосланади.

Хоҳиш категориясига оид лексик-семантик гуруҳ ичидаги от сўз туркумини ташкил этувчи ясама сўзлар ушбу сўз туркумига оид хоҳиш маъносини ифода этувчи умумий лексиканинг 58% қисмини ясама сўзлар ташкил этиши аниқланди. Хоҳиш маъносини ифодаловчи сифат сўз туркумига оид сўзларнинг 4% улушини қўшма сўзлар ташкил этди. Ясама равишлар хоҳиш маъносини ифода этувчи равиш сўз туркумига оид сўз катламнинг асосий 80% қисмини ташкил этади. Хоҳиш маъносини ифода этувчи сифат сўз туркумига оид ясама сўзлар ушбу сўз туркумидаги семантик гуруҳнинг 90% қисмини ташкил этади.

Инглиз тилидаги луғат тизимини ташкил этувчи лексик бирликларни содда сўзлар, ясама сўзлар ва қўшма сўзларга ажратиш мумкин: содда сўзлар феъл сўз туркумининг 90 % ини; от сўз туркумининг 33% ини; сифат сўз туркумининг 6% ини; равиш сўз туркумининг 12% ини ташкил этиши аниқланди.

Тизимли парадигматик метод асосида ажратилган хоҳиш категориясини ифодаловчи лексик-семантик гуруҳ ўзининг бой таркиби билан уни ташкил этувчи элементлар хоҳиш маъносини турли даражада ифодалашни аниқланди. ЛСГ таркибида қатнашган жами 107 феълдан 14 таси (*want, desire, will, wish, choose, ask, long, intend, require, crave, lust, thirst, demand, bid*) хоҳиш маъносини асосий маъно сифатида ифодалаб, гуруҳнинг ядросини шакллантириши аниқланди. Қолган феъллар гуруҳ перифериясини ташкил этди.

Ундаш ва хоҳиш, истак маъноларининг бир-бирига яқинлиги ундашни ифода этишнинг умумий ва ўзига ҳос шакли бўлмиш императив хоҳиш, истакни билдириши учун имкон яратади.

Хоҳишни акс этувчи имплицит микромайдонда хоҳиш ҳиссиёти ва баъзи ҳолларда унинг объекти яширин тарзда ифодаланган бўлади ва мазмуни ўз аниқлигини атрофдаги вербал контекст ҳисобга олинганида топади.

Хоҳиш семаси эксплицит (очик) тарзда ифодаланган микромайдоннинг доминантаси бўлиб эргашган гаплар каби қурилмалар қатнашади. Бунда эргашган қисмида хоҳишнинг объекти ифодаланса, бош қисмида хоҳиш ҳиссиётининг ўзи акс этади. Хоҳишнинг табиати ва ҳиссий бўялганлик даражаси феълнинг семантикаси билан белгиланади. Тилга нисбатан структура элементлари ўртасидаги муносабатлар ва боғлиқликлар тизимига эга бўлган тизимли объект сифатида ёндашув тил бирликларининг функционал ва семантик хусусиятларининг бир-бирига боғлиқлигини тан олишга асосланади.

Истак-хоҳиш категорияси тилнинг лексик қатламида турли лексик бирликлар билан бир қаторда фразеологик бирликлар воситасида ҳам кенг ифодаланади. Коммуникатив фразеологик бирликларга тўлиқ предикатив гаплар киради. Ушбу синфга оид фразеологик бирликларни иккига бўлса бўлади: маталлар ва мақоллар. Маталларга асосан бирор нарсага ундовчи ва истакни ифода этувчи гаплар киради: *may your shadow never grow less* (узок умр кўришингизни тилайман), *more power to your elbow* (омад!), *God help him* (Худо ярлақасин), *Heaven forbid!* (Худо сақласин!). Хоҳиш категорияси инглиз тилида маталларга нисбатан мақоллар воситасида кенгроқ ифода этилган. *All covet, all lose, we soon believe what we desire, the wish is father to the thought, where there is a will there is a way* ва ҳ.к.

Хоҳиш-истак маъноси синтактик қатламда сўз бирикмалари фаол қатнашиши аниқланди.

3-боб: Истак-хоҳиш категориясининг социолингвистик хусусиятлари

3.1. Тил бирликларининг социолингвистик таҳлили назарияси

Тил ижтимоий ҳодиса бўлганлигидан, у жамият ва жамиятнинг ҳаёти билан узвий алоқададир. Демак, тилнинг ижтимоий моҳияти, ижтимоий вазифаси, тилга социал омилларнинг таъсири, тил тарикқиётида тил сиёсатининг роли каби қатор масалаларни ўрганиш билан шуғулланувчи тилшунослик йўналишининг шаклланишига катта эътиёж туғилди. Бу эса, ўз навбатида, дунё тилларининг фаолиятига, ривожланишига, ўзаро мунособатига, дунё лингвистик жараёнига улкан таъсир кўрсатмоқда.

Жамият лингвистик ҳаётига илмий – техника революцияси таъсирининг характери, темпи, кўлами, соҳалари ва хусусийликларини аниқлаш- социолингвистиканинг энг муҳим ва актуал вазифасидир. Дунё лингвистик жараёнининг социолингвистик тадқиқотлар объекти бўлмиш томонлари илмий техника ривожланишининг энг кучли таъсирига учрайди, яъни дунё тиллари ижтимоий функцияларининг нотекис ривожланиш жараёнлари, терминологик системаларининг пайдо бўлиши, уларнинг узлуксиз дифференциясининг ўсиши, худудий диалектларнинг “майдалашуви” тилларнинг ижтимоий – касбий дифференциясининг тезлашуви, мафкуравий концепциялар таъсирининг кучайиши ва ҳоказо.

Ижтимоий ҳодиса сифатида фаолият кўрсатаётган тил доимий ҳаракатдадир. Тил нафақат тафаккур маҳсули, маълум бир фикрни ифода этувчи восита, балки бутун бир олам, коинотнинг таркиби ҳамда мазмун-моҳиятини инсон онгида акс эттиришга хизмат қилувчи мураккаб ҳодиса саналади. XX асрда тилни тилдан ташқаридаги ҳодисалар билан бирликда тадқиқ қилишга эҳтиёж анча ортиб кетди. Бу эса тилшуносликда янги оқимлар, шу жумладан, антропологик тилшунослик, Прага функционал тилшунослик мактаби, социолингвистика, этнолингвистика, лингвистик мамлакатшунослик каби янги соҳаларнинг юзага келишига сабаб бўлди.

Тил, жамият ва маданиятнинг ўзаро муносабати масаласи тилшунослик фанида жуда кам ўрганилган. Масалага атрофлича ёндашиш замонавий тилшуносликнинг энг муҳим муаммоларидан бири саналади. Зеро, таниқли немис тилшуноси ва файласуфи Вильгельм фон Гумбольдт тилни “халқ маънавий куч-қудратининг ифодаси”, “халқ тафаккури ва хиссиётини ифодаловчи муҳим воситадир” деб таърифлаганида тўла ҳақли эди. (Гумбольдт, 1985)

С.Г.Тер-Минасова таъкидлаганидек: “Тил – маданият кўзгуси, унда халқнинг ўз-ўзини ижтимоий англаши, унинг менталитети (ўзига хослиги), миллийлиги, ҳаёт тарзи, анъаналари, урф-одатлари, ахлоқий меъёрлари, кадриятлари тизими, дунёқараши, оламга муносабати акс этади”. (Тер-Минасова, 2000). Шунингдек, тил азалдан тарбия, билимларни оммалаштириш, одамларнинг энг муҳим ҳаётий муаммоларини ҳал этиш воситаси бўлиб келган, ҳозир ҳам шундай, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Кейинги пайтларда кўпроқ инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларда “Political Correctness” (рус тилида – политкорректность, ўзбек тилида – “нутқ одоби”, “сиёсий нутқий хушёрлик”, “нутқий хушёрлик”, “нутқий андишалилик”, “нутқий хушмуомалалик”) деб аталган тушунчани ифодаловчи маданий ва лисоний ҳодиса пайдо бўлди. “Нутқий хушёрлик” тилшуносликда янги тушунча бўлиб, нутқ фаолиятида ҳар қандай камситишларга йўл қўймасликни, номақбул ибораларни қўлламасликни анлатади. Яъни унинг асл моҳияти нутқ жараёнида у ёки бу майда гуруҳ (этник, ирқий, жинсий, ижтимоий) вакилларининг иззат-нафси, нафсониятига, ҳамиятига тегиб кетмаслик, ҳаётдаги нохуш воқеа-ҳодисаларни яшириш ёки ниқоблаш, сўзловчининг мақоми ва гапнинг нима ҳақида бораётганлигини аниқ кўрсатишдан иборат. Маълумки, тилнинг ижтимоий яшаш ва ижтимоий тараққиёт шароитларини ўрганувчи соҳаси социолингвистика ҳисобланади. Социология ва лингвистиканинг бир-бирига боғлиқ эканлиги барчага аён. Ҳозирги кунда жамиятда юз бераётган ўзгаришлар тилда ўз ифодасини топмоқда. Шу боисдан ҳам

тилдан фойдаланишнинг таркибий қисми бўлган “нутқий хушёрлик” ҳодисасини ижтимоий-лисоний нуқтаи назардан ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Ш.Балли: “... ўзаро нутқий алоқаларда одамлар турли ижтимоий гуруҳлар тилларидаги ифода шакллари ўзлаштириб оладилар; ҳар биримизнинг нутқимиз умумий тилнинг ёрқин фонида нутқ эгасига мансуб бўлган муҳит тилини ёки ўзи мослашишга интилаётган муҳит тилини акс эттиради. Шу боис нутқ ижтимоий символиканинг муҳим омили бўлади”, - деб ёзади. (*Балли, 1961.*) Ҳақиқатан, худди кийиниш қонун-қоидалари каби, гапирувчининг маълум бир ижтимоий муҳитга, одамларнинг маълум бир тоифасига мансублигини билдирувчи ижтимоий белги вазифасини бажариши мумкин.

Субъектнинг ижтимоий роли бевосита мулоқотнинг маълум соҳалари бўйича нутқ ижод этишнинг махсус йўсинларида кўринади. Зеро, моҳиятига кўра, ҳар бир барқарор нутқий жанр (буйруқ, суд қарори, илмий мақола, роман, газетадаги бош мақола ва б.) –бу алоҳида ижтимоий ролдан ўзга нарса эмас, унда ўша роль нутқ фаолияти тарзида намоён бўлади. Услуб ижтимоий ролга ишора қилади, яъни суҳбатдошни кўрсатади, маълум бир шароит яратади, ўқувчи ёки тингловчининг матнга қандай муносабатда бўлиши кераклиги, ундан нимани кутиши мумкинлиги ёки зарурлигини эслатиб туради.

3.2. Тил ташувчиларининг ижтимоий дифференцияси

Социолингвистикани ўрганиш 20-асрнинг ўрталарига бориб тақалади. 1960 йилларда Америкада бир неча тилшунослар Қўшма Штатларда инглиз тилининг ишлатилишини ижтимоий томондан ўргана бошлайдилар. Ҳеч вақт ўтмай Европада бундай ишлар бошланиб кетади. Бугунги кунда коммуникация жараёнида тилни сўзлашувчиларнинг тил ҳақидаги амалий билимисиз, уни эътиборга олмаган ҳолда тўғри ва тўлиқ ўрганиб бўлмаслиги аниқ бўлиб қолди. Структур тилшуносликнинг отаси Ф. де Соссюр ҳам тилшуносликни тилнинг қайси жиҳатдан ўрганилишига кўра ички ва ташқи лингвистиканинг ўзаро ҳамкорлигини таъкидлаган эди.

Социолингвистиканинг илдизлари анъанавий диалектологияда топилиши мумкин. Аммо диалектология тадқиқотларининг кўпгина аспектларини замонавий социолингвистикага киритиб бўлмайди. 19-аср ва илк 20-аср диалектологиясининг асосий камчилиги—ахборот берувчиларининг нотўғри танлангани эди. Ёши катталар, эркаклар, қишлоқликлар, кўчиб юрувчилар нутқи афзал кўрилган, чунки кўнгина диалектологлар тарихчи лингвист сифатида ўша пайтда ҳануз ишлатилиб юрган тилнинг архаик шаклига қизиққанлар. Ҳозирги давр социолингвистикаси эса тилни бутун гуруҳларда, яъни ёшлар ва қарилар, аёллар ва эркаклар, қишлоқликлар ва шаҳарликлар орасида ўрганади.

Нутқ одатда режалаштирилмаганда ва тўсатдан содир бўлади, шунинг учун ижтимоий синф, жинс ва ёш каби ижтимоий факторлар ва нутқнингўзаро алоқасини ўрганиш мақсадга мувофиқ. Ижтимоий факторлар луғат ёки сўз танловига, талаффузга, синтаксис ва морфологияга таъсир этиши мумкин. Бир неча олимлар тил ва ижтимоий таъсирларни ўрганганлар. Масалан профессор С. К. Алан инглиз тили юқори ва қуйи табақа инсонлар терминини ўрганади (1954). Унинг ишларига асосланиб К. Фокс “The hidden rules of English behavior. 2004”, “Watching the English. 2004” асарларида ижтимоий синфлар суҳбатини очиб беради. С. Ромейн: “Ижтимоий факторларнинг тилга таъсири инсонларни синфларга, ҳудудларга,

маълумотига, келиб чиқишига қараб аниқланади (1994)”, дейди. Ж. Холмас ижтимоий факторларнинг луғат бойлигига ва сўз танловига—талаффузга, синтаксис, морфологияга таъсирини инсонларнинг ёши ва жинсига асосланиб ўрганган. У. Лабов [r] товушини ўрганган биринчи инсонлардан. Унинг тадқиқотлари унлидан кейинги [r] товушини кўпроқ юқори синфлар талаффуз қилишса, қуйи синфларда унинг тушириб қолдирилиши аниқлаган. (*Labov, W. 1994.*) Д. Кристал [h] товуши сўзлар бошида тушириб қолдириш ҳолатларини аниқлайди, масалан: ‘head’ (‘ead) ва ‘hospital’ (‘ospital). У бундай ҳолатлар кўпинча қуйи синфлар ўртасида содир бўлаётганини аниқлайди. Бундан кўриниб турибдики, ижтимоий синфлар нутққа таъсир этиши мумкин.

1950 йилларда ижтимоий фактор ва сўз бойлиги (луғат) ўртасидаги алоқани ўрганишнинг олтин даври бўлган деса бўлади. Лондондаги ишчи синф гапирадиган (cockney) шеваси ва Стандарт Инглиз тили билан таққосланганда луғат ишлатишда фарқлар аниқланган (Wells, 1982: 301-302). Юқорида санаб ўтилган тилшунослардан Ромейн ва Холмас ишларига асосланиб ўз тадқиқотларимизни олиб бордик.

Бизнинг нутқимиз бизни ёшимизни, жинсимизни, географик келиб чиқишимизни, ижтимоий-иқтисодий статусимизни кўрсатиб туради. Анатомик ва психологик ўзгаришлар инсоннинг ёши ва жинсини осонгина ажратиб беради. Бундан ташқари муҳим фарқ диалектда кузатилади. Шева барча лингвистик қатламга таъсирини кўрсатади. Энг катта таъсир фонологик қатламда сезилади. Баъзан шундай диалектлар борки, икки турли диалектда гапирувчилар бир-бирларини тушунмайдилар (масалан Хоразм шеваси). Диалект сўзловчининг географик жойини, худудий стереотипини ҳам кўрсатиши мумкин (“Шотландлар ўта камбағал”, “Нью Йорклилар кўпол”, “Жанубликлар дангаса”) (*Robert M. Krauss and Chi-Yue Chiu.*). Қуйи табақа сўзловчилари юқори табақага нисбатан киришимли бўладилар. (*Smedley & Bayton, 1978; Triandis & Triandis, 1960*) Тилдан фойдаланган вақтда инсоннинг характерини билиш учун бир неча тадқиқотлар ўтказилган.

Тез нутққа эга инсонлар киришимли ва ишонишга лойиқ деб топилганлар. Баланд овозли сўзловчилар ўзига ишонувчан бўлишларини ёзадилар. (N. Miller et al., 1976; & Brady, 1982; Street et al., 1983).

3.2.1. Ёш ва инсоннинг ёшига нисбатан истак-хоҳиш маъносининг ифодаланиши

Болаларнинг истак-хоҳишни ифода этишлари психологларни 17-аср ўрталаридан буён қизиқтириб келган. Истак-хоҳишни ифода усулларини ўрганиш мақсадида катта эътибор тил ўрганишнинг прагматик аспектига қаратилган. Ёш сўзини қуйидаги кичик гуруҳларга ажратишимиз мумкин:

- Чақалоқлик. Инглиз тилида—child, baby, infant, tot, croot, kid, wean, nurseling, childling, kiddly, war-baby, beggar-child;

Ўзбек тилида: гўдак, бола, бувак, жужук, нинни, чақалоқ. Бу кичик гуруҳга қиравчи тил бирликлари жинсни англатмагани учун иккала жинсга ҳам таалуқли бўлади.

- Болалик. Бу гуруҳга мактаб ёшидаги болалар киритилиши мумкин: инглиз тилида: boy—girl, school boy—school girl, day boy—day girl;

Ўзбек тилида: ўғил бола—қиз бола, йигитча—қизча. Берилган лексик бирликлардан жинсга мансубликни билиш қийин эмас. Қуйидаги мисоллар эса ҳам аёл, ҳам эркак жинсига таалуқли бўлади: pupil, chap, bob, cory-chat, lassie, brownie, chappie, yearling; ўзб: ўсмир, ўспирин, ўқувчи.

- Ўсмирлик. Бу кичик гуруҳга маълум бир ёшга мансуб сўзлар киритилади: boy friend—girl friend, pass-man—pass-woman, groomsman—bridesmaid. Ўзб. йигит(синоним: шербачча, ўспирин)—қиз (синоним: бокира, буроз, бикр); йигит яланг—қиз-жувон; ўғил—қиз; йигит—қиз. Умумий тил бирликларига инг: bride, quail, teen-ager, baronette, youthy, teens; ўзб: талаба, ёшлар, каллик. Берилган материалдан кўриниб турибдики, ЛСГ га қиравчи ҳамма сўзлар ҳам жинс жинс белгисини кўрсатмайди.

- Ўрта ёш. Инг: man—woman, gentleman—gentlewomen, adulterine—adulteress, fornicator—fornicatress; ўзб. Эркак—аёл (хотин, жувон); хотин—халаж, хотин—қизлар.
- Кекса ёш. Инг: greybeard—drandam, sexagenarian, septuagenarian, octogenarian, monogenarian; ўзб. чол (оқсоқол, мўйсафид, қария, пир, кекса, қартанг)—кампир (онахон).

Болалар илк социал ҳаракатларини имо ишоралар орқали (масалан бармоқлари билан кўрсатиш) бошлайдилар. Таҳлил шуни кўрсатдики, болалар илк сўзларида буйруқ шаклидаги истакни ифода этадилар. 4-5 ёшдан бошлаб истак-хоҳишларини “илтимос” сўзини ишлатиш орқали намоён эта бошлайдилар. Болаларда истак-хоҳишини ифода этиш йўллари уч поғонага бўлиш мумкин. Биринчи поғонада бола қайси бир истагини хоҳлашини танлайди ва тилда бу автоматик тарзда талаффуз этилади. Буларга *"Mine! To me"? "Sugar to me! ", "More! ", "I want fanta, 'cause I am thirsty", I want to try a little bit myself ", I don't want to do this one, I don'tcare"* гаплари мисол бўлади. Бироқ “I would like to... “ каби хушмуомалаликни англатувчи иборалар ҳеч қачон қўлланилмайди. Иккинчи поғонада улар истак-хоҳишларини бир неча лингвистик йўллар орқали намоён эта бошлайдилар яъни хушмуомала бўлиш учун сўроқ шаклдан фойдаланадилар. Бу поғонада болалар шаклни маънодан ажрата бошлайдилар. Масалан: *"We go car? ", "Will you-all let me talk? ", "You give me the bracelets a minute please, Virginia, you, give'em to me"*. Учинчи поғонада улар ўз мақсадларига эришиш учун шаклни ҳам, маънони ҳам ниқоблай оладилар ва ўзлаштирма гапли буйруқлардан, дағ-даға ва ваъдаларга ишора қилиш орқали истак-хоҳишларини ифодалайдилар. *"Did you see how a sommersault is done?"*. Болалар истак-хоҳишларини амалга ошириш учун қуйидаги йўллардан фойдаланишади: кўрсатиш орқали—(*Look, mum!, Look at the little balls!*); буйруқ гаплар ёрдамида— (*Look, mum, let's buy a pen-case*); реклама йўли билан—(*Look, dad, aren't these lovely!*); муҳтожликни англатувчи гаплар орқали— (*Mum, I need some exercise- books*); сўроқ гаплар иштирокида—

(*Mum, you buy this for me?*); хушмуомалали талаб гаплар ёрдамида—(*Look at the tennis rackets' Oh, please, please mum, will you buy them for me?*);

Ёши катта инсонлар истак-хоҳишларини ифодалашда қуйидаги мурожат усулларидадан фойдаланадилар:

- Муҳтожликни англатувчи гаплар бошидан сўзловчининг шеригига йўналтирилган бўлиб, оддий ҳолларда ҳам тушунилади. (...and feeling the need of sleep, arranged her clothing for the night and went to bed. (Th. Dreiser. *Sister Carrie*))
- Буйруқ гаплар сўзловчининг шеригига ёки таниш инсонга йўналтирилган бўлади. (*Give me a match*)
- Қурилмали буйруқ гаплар кўпинча нотаниш инсонга тегишли бўлади. Бундай гаплар сўзловчи ва тингловчи ўртасида масофа бўлганда ёки тингловчи ўз ҳудудида бўлганда қўлланади. ("*Could you pay two dollars?*" asked Minnie. (Th. Dreiser. *Sister Carrie*)) Бундай гапларда истак-хоҳиш хушмуомалалик орқали берилади.
- Рухсат сўровчи мурожатлар Америка инглиз тилида кам қўлланиб, нотаниш ёки улуғ кишига тегишли бўлади. ("*May I bring a nice little bottle of Sec?*" asked Hurstwood. (Th. Dreiser *Sister Carrie*))
- Сўроқ гапларда сўзловчи истаги тушириб қолдирилади. Шунинг учун сўзловчи ва тингловчи ўртасида тушунмовчилик содир бўлиши ҳам мумкин. (*Have you got a match?, Is there any coffee left?*)
- Ишорали гапларда ҳеч қандай истак-хоҳиш очик кўриниб турмайди ва маъно яширин тарзда берилади. Бундай гаплар хоҳланаётган гаплар ҳақида маълумот талаб қилади. (*The chalks are all gone*)

Юқорида берилган мурожат гапларнинг 1,2,3,4 турларида инсон истак-хоҳиши тўғридан тўғри тушунилиши мумкин яъни улар эксплицит, аммо 5,6 турлари учун ижтимоий муҳит керак бўлади, чунки бу гаплар имплицит. Муҳтожликни англатувчи ва буйруқ гаплар таниш инсонларга ёки шеригига айтилиб, тингловчига эркинлик бермайди шунинг учун улар қўполроқ

ҳисобланади. Қурилмали буйруқ гаплар ва рухсат сўровчи гаплар истак-хоҳишни англатувчи хушмуомалали гаплар сирасига киради. Яширин маънога эга бўлган сўроқ ва ишорали гаплардан истак-хоҳишини англаб олиш бироз урунишни талаб қилади.

3.2.2. Инсоннинг маълумотига ва тарбиясига нисбатан истак-хоҳиш маъносининг ифодаланиши

“Илм истаи ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир” Расулulloҳ (с.а.в.)

Аллоҳ одамни илмли қилиб яратган. Аллоҳ таборак ва таоло Иброҳим алайҳиссаломга: “Эй Иброҳим, мен олимман ва олимларни яхши кўраман”, деб марҳамат қилган. Жоҳиллик одам болаларида кейинчалик пайдо бўлган. Тарихдан маълумки, Одам болалари ер юзида пайдо бўлган дастлабки пайтларданок илм сари, ўрганиш сари интилганлар. Ўқув-идрок қоронғи тундаги машъалага ўхшайди. Билим эса машъаладан таралаётган нурга қиёс. У кишини ёритади, унга рўшнолик беради. Ҳар қандай ҳурмат кишининг ўқув-идрокидан келади. Заковат—ўзаро онт ичишиб дўстлашган кишиларга ўхшаса, билим—яқин қариндошларга ўхшайди. Билим—мисоли бир жилов, у одамни барча ёмон, ярамас ишлардан тийиб туради. Илм эгаси ўз тилакларини топади, орзу мақсадларига эришади. Билимлилар элда азиз бўладилар. “Илм ўқиб, унга амал қилмаган—ерни ҳайдаб, уруғ сепмаган ёки ҳосилдан баҳра олмаганга ўхшайди”—деб ёзган эди мутаффақкир шоир Алишер Навоий. “Ўқиб-ўрганмай туриб ҳам фойда ва зарарнинг фарқига ета оламан, деган одамни тентак деб билмоқ керак”, - Суқрот ҳақим. Илм эгаллаш инсоний бурч, юксак маъсулиятдир. Киши эгаллаган илм ёки ҳунар ҳеч маҳал унга зарар келтирган эмас. “Билимдонга бало йўқ” деб бежизга айтмаганлар. Расулulloҳ (с.а.в.) “Олимнинг бир кунлик ибодати обиднинг қирқ йиллик ибодатига тенг” деб марҳамат қилганлар. Комил инсон учун нафаҳат илмли балки чиройли хулқ эгаси бўлмоқлик ҳам муҳимдир. Ҳасан Басрий ҳазратлари “Ҳусни хулқ—очиқ юзли, хайру саховатли бўлиш, озор

беришдан тийилишдир”, деганлар. Эзгу хулқ дўстликни, ёмон хулқ эса душманликни келтириб чиқаради. Шу боис “Гўзал хулқ--хусуматлашмасликдир”, деб таъриф берган Воситий ҳазратлари маърифати кучли, яъни Аллоҳ таолони танийдиган инсоннинг ҳеч қачон душманликка бормаслигини таъкидлаб, яхшию ёмон кунда халқни рози қилиш—хулқи чиройли бўлган кимсаларга хос фазилат эканини айтганлар. Али, карамаллоҳу важҳаҳу, дедиларки: “Гўзал хулқ учта хислат билан ҳосил бўлади: ҳаромдан тийилиш, ҳалолни излаш, аҳлига бағрини кенг қилиш”. Шоҳ Кирмоний “Гўзал хулқ—озорлардан тийилиш ва машаққатга сабр-тоқат”дан иборат эканини баён қилганлар. Саҳл ибн Тустарийдан гўзал хулқ ҳақида сўрашганда ул зот қуйидагича жавоб қайтардилар: -Гўзал хулқнинг энг қуйи даражаси—машаққатларни кўтариш, мукофотдан кечиш, золимга раҳм-шавқат қилиб, унга мағфират тилаш. Донишмандлардан бири: -Дунёда инсон учун энг яхши нарса-гўзал ахлоқли, тарбияли, саъй-ғайратли бўлиб, шу гўзал хислатлар билан ном чиқариш. Ўлимдан ҳам баттар ёмон нарса эса ахлоқсизлик, тарбиясизлик ва ялқовлик билан ном чиқаришдир,-деб айтган эди. Донишмандлардан яна бири ундан сўраганларида: “Адабли, тарбияли одам бошқаларга муҳтож бўлмас. Балки бошқалар унга муҳтож бўлурлар. Яхши хулқли одам бировдан койиш эшитмас. Ҳамма уни дўст тутар. Ёмон хулқлидан ҳамма ўзини олиб қочур. Ёмон хулқлидан қочган кимса босиб ўтган масофаси қадар соғлом бўлади.”, деб жавоб берган экан.

Гўзал хулқ ва тарбияли онанинг хислатлари, яхши феъл атвори фарзандларида ҳам намоён бўлади. Ҳар бир одам ўзини тарбия қилишга ўрганиши керак. Инсоннинг улуғлиги ўзини ўзи идора ва тарбия қилишга кучига эга бўлиши билан билинади. Нафс ва ахлоқ тарбияси жиддий ва мушкул иш. Ҳатто ахлоқ ҳақида тинмай гапирадиганлар ҳам амалий ишга келганда ўзларини олиб қочадилар. Чунки бу бир-икки кунда ёки ойда ниҳоясига етадиган иш эмас. Тез кунларда чиройли натижага эришиш мушкул. Тарбиясизлик балога бошлашини, бу балони фақат яхши хулқ билан даф этиш мумкинлигини аввало тарбия берувчи ота ва онанинг ўзи ҳам яхши

англаб олиши керак. Абу Ҳомид Ғаззолий ҳазратлари қуйидаги фикрни баён этганлар:”-Билгин! Бола тарбияси энг муҳим ишлардандир. Фарзанд ота ва онага омонат. Бола қалби пок, нозик, содда ва ҳар қандай нақш ва суратдан холи гавҳардир...”. тарбиянинг икки асоси бор? Фазилатни кўриқлайдиган гўзал ахлоқ ва ярамас йўлдан, ёмон аҳволга тушишдан сақлайдиган хушёрлик. Абдулла Авлоний шундай ёзганлар: “Боланинг саломати ва саодати учун яхши тарбия қилмак—танини пок тутмак, ёш вақтидан маслақини тузатмак, яхши хулқларни ўргатмак, ёмон хулқлардан сақлаб ўсдурмакдир. Тарбия қилувчилар табиб кабидурки, табиб хастанинг баданидаги касалига даво қилган каби тарбияни боланинг вужудидаги жаҳл маразига “яхши хулқ” деган давони ичидан, “поклик” деган давони устидан беруш катта қилмак лозимдур”. Ҳукамолардан бири: “Ҳар бир миллатнинг саодати, давлатларининг тинч ва роҳати ёшларнинг яхши тарбиясига боғлиқдур”,-деган эди.

Ахлоқ тарбияси—ўзимизни ярамас майл-ҳаваслардан сақлаш, таъбимиздаги олий фикрларни тараққий эттириб, ҳаракатимизни тури бир нуқтага йўналтириш демакдир. Ахлоқ тарбиясининг ғояси—инсонларнинг комил ва гўзал бўлишларини таъмин этишдир.

Таълим ва тарбияни қушнинг икки қанотига қиёсласак бўлади. Инсон парвози учун бу иккаласи жуда муҳимдир. Илмли, чиройли хулқли инсонлар ўз истак-хоҳишларини фақат яхшиликка йўналтира оладилар. Хоҳиш инсон табиатидан шунчалар ажралмаски, усиз ҳаётни тасаввур этиб бўлмайди. Ҳаётини мазмунли ўтказишни истаган ҳар бир инсон ўз хоҳишларининг табиатини чуқур ўрганиб чиқиши керак. Хоҳишни ўрганишни бошлаш нуқтаси соғлом ва носоғлом истак-хоҳишларни ажратишдан бошланади. Носоғлом истак-хоҳиш руҳий соғлиқни вайрон қилади, соғлом хоҳиш эса руҳий тетикликка, бахт ва тинчликка катта ҳисса қўшади. Агар биз соғлом ва носоғлом хоҳишларни спектрга қўядиган бўлсак, унинг бир учуда инсонларни даҳшатли ишларга бошловчи туртки (мотивация) турса, бошқа бир учудаги хоҳиш инсон ҳаётининг гўзал, олийжаноб кўринишини

ифодалайди. Бундай пайтда мулоҳаза қилишнинг ўрни беқиёс. Мулоҳаза орқали келадиган сезгирлик ва ҳушёрлик ижобий хоҳиш ва ниятларимизни аниқлашимизни қўллаб қувватлайди. Мулоҳаза нафақат ниятимизга етишимизга ёрдам беради, балки ниятни салбий хоҳишга айланиб кетишидан тўхтатади.

Инсонни интеллектга нисбатан характерлайдиган ЛСГ ўзбек тилида қуйидагича: шоир-шоира, олим-олима, фозил-фозила, муаллим-муаллима, мударбир-мударббира, оқил-оқила, адиб-адиба, ҳаким-ҳакима. Инглиз тилида ўзбек тилидан фарқ қилган ҳолда *man* сўзи жинсни фарқлаб туради: *word-man, proseman, master-spirit, bookman*.

Қарғишлар салбий истак-хоҳишларга мисол бўлади. Аввало шуни кайд этиш лозимки, қарғиш иборалар кишининг салбий жиҳатдан характерлайди, яъни уни қўллаган кишининг салбий хусусиятларини (кўра олмаслик, ёмон кўриш, писанд қилмаслик ва ҳоказолар) шундоққина кўрсатиб туради. Тўпланган ўзбек тили материаллари таҳлилидан келиб чиқиб, қарғишга оид ибораларни англатган маънолари жиҳатидан қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганишни лозим, деб топдик:

- Ўлим тилаш мазмунини ифодаловчи
- Ғазаб-нафрат мазмунини ифодаловчи
- Ёмон истак (тилақ) мазмунини ифодаловчи
- Шахсга нисбатан нафрат ва бахтсизлик ифодаловчи
- Оғир қарғиш мазмунини ифодаловчи
- Дуойи бад қилиш ифодаловчи
- Енгил қарғиш мазмунини ифодаловчи

1. Ўлим тилаш мазмунини ифодаловчи иборалар: ажалга йўлиққур, онанг (боланг)ўлсин, бўй(гина)нг гўрда чиригур, бўйнинг узилгур, гўрга кирсин, ер етгур (ютгур), жувонмарг (жувонмаг) бўлгур, илоҳо (илоё) кўзларинга тупрок тўлсин, йигит(гина) ўлгур, яшшамагур, қаро ер бўлгур, қарчининг қийингур, ҳароми ўлгур (қотгур) кабилар. Масалан:

- Нима бўлди ўзи, овсинжон?
- Кеча мени шундоқ сўкди, шундоқ сўкди, йигитгина ўлгур! Онарни сўкди-я, бўйгинанг гўрда чиригур.
- Кўйинг, хафа бўлманг!
- Нимага хафа бўлмас эканман!... (Ҳ.Ў.Сирли....66)

2.Ўзбек тилида ғазаб-нафрат мазмунини ифодаловчи: афтинг (башаранг, бетинг, дийдоринг, турқинг) курсин, афтингни, башарангни, турқингни, тусингни ел ёпгур, куйдирган калладай ишшаймай (ўл), кўзимдан йўқол, нафасингга тилингга, кўнгилларингга куйдирги чиққур (чиқсин), нафасинг оғзингдан чиқиб кўксингга ёпишгур, падари(нг)га лаънат, куриб, қақшабгина кетгур кабилар.

Мисол:

- Э, отинг ўчсин, Парча! Ичингда ит ўлганми, нима бало?
- Мохора егандан кейин шунақа бўлади-де, опа!
- Э, мохора емай нафсингга куйдирги чиқсин! (Ҳ.Ў. Икки эшик ораси. 109)

3. Она тилимизда ёмон истак (тилак) мазмунини ифодаловчи иборалар кўлланишидан кўз юма олмаймиз: Бошингда ордона қолсин, балога йўлиққур, жаббор чалсин, илохо тезроқ вайрон бўлгур, матоҳинг бошингда қолсин, номинг ўчгур, умринг авахтада чирисин, худодан топгур, худонинг қаҳрига учрагур, худо умрингдан барака олсин, қирғин келгур, адо бўлгур ва бошқалар:

- Қани?
- Хат менга эмас Дилдорга.
- Вой, адо бўлсин. Қирғинкелгур кеннойиси жигардан ҳам азиз бўпти-да.
- Шошма, шошма, гап тагида гап бор... (С.А.Уфқ 415)

4.Шахсга нисбатан нафрат ва бахтсизлик исташ мазмунини ифодаловчи иборалар: басир бўлгур, болаларнинг кўз ёшларини кўр қилгур, гўдакнинг тирноғига зор бўлгур, илоё тилинг кесилсин, кўзгинанг тешилиб оққур, тузим кўр қилгур кабилар киритиш мумкин. Масалан:

- Қачон? Нима дедим?

- Фолбинникида, гўрсўхта, фолбинникида! Нега сепкилли холамни кўрдим, дединг?

- Нима қилай? Кўзимга кўринганини айтдим – да!

- Мана – ку, кўзгинанг тешилгур, мана –ку! (Ҳ.Ў. Сирли... 152).

5. Оғир қарғиш мазмунини ифодаловчи ибораларга гўрингда тик тургур, гўрингдан тутун чиққур, гўрингда тўнғиз қопгур, овозинг гўр тагидан келгур кабиларни киритиш мумкин:

- Сен қилдингми?

- Йўқ...

- Йигитларингми? Қасос опсан-да?..

- Йўқ, ота... Барибир шундай бўларди...

- Элни хароб қилди, гўрингда тўнғиз қопгурлар! (Қ.Қ. Сел. 213)

6. Тилимиздаги дуойи бад қилиш мазмунини ифодаловчи оқ қилдим, окпадарсан, сендек фарзандим йўқ; у дунёи бу дунё косанг оқармасин; бундай етти номусни ерга бўккан фарзанддан кечдим каби иборалар мавжуд. Масалан:

- Оқ қилдим, бундай етти номусни ерга бўккан қиздан кечдим.

- Қўйинг, қаерда бўлса ҳам соғ бўлсин.

- Худоё Ибай жувонмарг бўлсин, қирққа барбай қирчинидан қирқилсин (Г.Г. Асарлар 24)

7. Енгил қарғиш мазмуни ифодаловчи иборалар жумласига тилинга тирсак чиққур, гапингиз курсин, эсим курсин кабилар киради. Масалан:

- Карим бобонинг боғига.

- Нима бор экан раҳматликнинг боғида.

- Олма ўғирликка кетаётувдик.

- Ҳо-ой, тилинга тирсак чиққур, ўғирлик деди-а... (Ш.Б.Энди...18)

- гур аффиксли сифатдош қатнашган бирикма ўзбек тилида асосан катта ёшдаги шахслар томонидан қўлланади. Шунингдек, қарғишни ифодаловчи – гур аффиксли бирликларни бўлишсиз шаклида қўллаш аёллар нутқи учун хосдир: башаранг қурмагур, қуриб кетмагур каби.

Тадқиқотда ижобий истак мазмунини ифодаловчи бирликларнинг семантик хусусиятлари ўрганилиб, куйидагича тасниф килинди:

- Юртнинг тинч, фаровон бўлишини тилаш мазмунидаги ижобий истак бирликлари: *Мустақиллигимиз абадий бўлсин!* (И.Каримов)
- Саломатлик ва узок умр тилаш мазмунини ифодаловчи ижобий истак бирликлари: *Соғ бўл(инг). Дунё тургунча тур(инг).* (Сўзлашувдан)
- Тўй ва юбилейларда айтиладиган, муборакбод этиш мазмунини билдирувчи ижобий истак бирликлари: *Тўйлар муборак!* (Сўзлашувдан)
- Фарзанд билан боғлик ижобий истак мазмунини ифодаловчи бирликлар: *Қозон тўла ош берсин, ёстиқ тўла бош берсин.*
- Дастурхон атрофида айтиладиган ижобий истак бирликлари: *Омин, қадам етди, бало етмасин. Ош берганга бош берсин, кетмас давлат, кенг феъл берсин.* (Сўзлашувдан)
- Оқ йўл тилаш мазмунини ифодалаган ижобий истак бирликлари: *Ой бориб, омон кел(инг). Йўлинг(из) бехатар бўлсин. Оқ йул!* (Сўзлашувдан)
- Иморат куриш олдидан айтиладиган ижобий истак бирликлари: *Омин. Бошлаган ишларингга Олло мададкор бўлсин, ишларинг бароридан келсин, Ҳазрати Нухўзи қўлласин!* (Сўзлашувдан)
- Байрам билан муборакбод этиш мазмунини ифодаловчи ижобий истак бирликлари: *Янги йил билан! Ҳайит муборак бўлсин!*
- Оллоҳга илтижо мазмунини ифодаловчи ижобий истак бирликлари: *Ё Оллоҳ, ўзинг ёрлақа! Охиратимизни обод қилгин.* (Сўзлашувдан)
- Таскин бериш мазмунини ифодаловчи ижобий истак бирликлари: *Худо раҳмат қилсин! Худо сабр берсин! кўрган-кечирганинг(из) шу бўлсин.* (Сўзлашувдан)

- Қутлаш, табриклаш мазмунини ифодаловчи ижобий истак бирликлари: *Унвон муборак бўлсин! Янги уйлар муборак.*
- Иш жараёнига алоқадор ижобий истак бирликлари: *Ҳорманг! Хирмонга барака. Олло мададкор бўлсин!* (Сўзлашувдан)
- Расм-урф-одат ифодаловчи ижобий истак бирликлари. *Хуш келибсиз. Хушвақт бўл(инг). Иштаҳанг(из) карнай бўлсин! Хайрли кеч! Яхши тушлар кўр(инг).* (Сўзлашувдан)
- Ижобий модал муносабатни ифодаловчи бирликлар: *Айланай,ўргулай, жоним тасаддуқ бўлсинкаби.*

Юқорида таъкидлаганимиздек, мулоҳаза орқали келадиган сезгирлик ва хушёрлик ижобий ва салбий истак-хоҳиш ва ниятларимизни аниқлашимизни кўллаб қувватлайди. Мулоҳаза нафақат ниятимизга етишимизга ёрдам беради, балки ниятни салбий хоҳишга айланиб кетишидан тўхтатади.

Хулоса қилиб айтганда, соғлом истак юраги кенг, мулоҳазали инсонлар танасида сув дарёда оққанидек оқиб, бошқа яхши тилаклар билан бирлашади ва океанга айланади. Таълим ва тарбия—инсон табиатининг бутун қобилиятларини мунтазам, мутаносиб ва келишган бир сувратда орттиради, инсонни хайрли мақсадларга етказди. Таълим-тарбия—инсонларни фазилатли, жамиятга фойдали қилиб етиштириш учун энг қисқа йўлдир. Унинг мақсади—инсонларни авлоддан-авлодга тараққий эттириб, инсониятнинг умумий юксалишига хизмат қилдиришдир.

3.3 Истак-хоҳиш ифодаланишида миллий-маданий хусусиятлари

Тил ва маданият, миллий тил ва миллий маданият ўзаро чамбарчас боғлангандир. Тил-маданият яратиш, ижод қилишнинг энг асосий воситаларидан биридир. У маданиятга эришиш, уни тушуниш, унинг соҳаларида мулоқот қилиш, ривожини олдиндан айтиб бериш воситасидир. Тил ва маданиятни яратувчи ва ривожлантирувчи ижодкор куч халқ ва жамиятдир. Тилда мустаҳкамланган ва ифода этилган халқ маданиятининг намоён бўлишини тадқиқ қилувчи лингвомаданиятшуносликни бугунги кунда тилшуносликнинг мустақил ва жадал ривожланувчи йўналиши деб ҳисоблаш мумкин.

Лингвомаданиятшунослик когнитив тилшуносликнинг асосида ривожланиб тил ва маданиятнинг мураккаб ва кўп аспекти ўзаро муносабатларини тадқиқ қилади. Тил, тафаккур ва маданиятнинг ўзаро алоқалари воқеликнинг билиш жараёнини акс этади. Жамиятнинг юксак мақсадларидан бири маданиятни яратиш, тил эса маданиятнинг мукамаллиги ва ривожланиш даражасини акс этади. Тилнинг семантик birlikларининг ўзига хос хусусиятларини аниқловчи ва "дунёнинг лисоний манзара"сини акс этувчи маданий-этник компонент лингвомаданиятшунослик концептларни ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади.

Бу параграфимизда асосий birlik –концепт. Биз истак-хоҳиш маъносини категориал мавқеини аниқлаб, биринчи босқичда тил тармоқлари аро ҳамда сўз туркумлари аро хусусиятларини аниқлаган бўлсак, тадқиқотнинг бу босқичида концепт тушунчасига мурожаат қиламиз. Чунки миллий-маданий хусусиятларни аниқлаш концептуал таҳлил асосида амалга оширилади.

Концепт инсон онгида тил ва маданиятни бир-бирига бирлаштиради. Шунинг учун унинг мазмунига фақат лисоний эмас, шунингдек маданий birlikларни ҳам киритиш зарур. Тил билан концепт ўртасидаги муносабатлар кўплаб лингвомаданиятшуносликка оид тадқиқотларда

таъкидлаб ўтилган (Бабушкин 1996, Попова, Стернин 2000, Воркачев 2004 ва б.). Тил инсон онгида концептнинг шаклланиш воситаларидан бири ҳисобланади. Концепт билан боғлиқ бўлган лисоний воситалар концептнинг лисоний тушунчалари, вербал воситалар деб аталади.

Концептуализация ва категоризация назариясида "концепт" терминининг кенг тарзда қўлланилишига қарамасдан, замонавий тилшуносликда мазкур терминнинг тадқиқотчи олимлар томонидан ҳар хил изоҳланишини кузатишимиз мумкин.

Концептнинг лингвомаданиятшунослик ўзига хос хусусиятлари унинг аниқ бир маданият миқёсида шаклланишидаги маданиятшунослик омилларни аниқлайди ва концептнинг лингвомаданиятшуносликка оид аспекти сифатида тадбиқ этилади.

Шу ўринда концептларнинг ҳар хил лисоний даражадаги бирликлар, улардан лексемалар, фразеологизмлар, мақол, матал ва афоризмлар ёрдамида ўзининг вербал аксини топишини ҳам таъкидлаб ўтиш керак. Ҳар хил лисоний воситалар ёрдамида концептнинг вербал усулларини тадқиқ қилишда унинг мазмунини аниқлаш энг муносиб усуллардан бири ҳисобланади.

Концептнинг системали тузилишини тадқиқ қилишда унинг ҳар хил белгиларига кўра, уни типларга ажратади: макроконцептлар (умуминсоний тушунча ва миллий характерга эга), гиперконцептлар (умуммаданий феноменлар ментал феноменларга нисбатан кўп миқдорда), гипоконцептлар (майда, ажралмас концептлар). Концепт тузилишидаги конституентлар концепт майдонини ҳосил қилади.

Маълумки, бугунги кунда лингвомаданиятшуносликда "миллий концепт сфераси" термини кенг тарзда қўлланилмоқда. Концепт сфераси - бу конкрет миллат учун характерли ҳисобланган концептларнинг йиғиндисидир, Концепт ўзида концептуал бўлак, элементларни тақдим этади. Унинг элементлари конкрет коммуникатив жараёнларда ўзларини намоён қилади.

Концептни таърифлашда ҳар хил қарашларни умумлаштириб, биз унинг белгиларини қуйидаги тарзда тақдим этамиз:

- 1) концепт - бу ментал тузилиш;
- 2) концепт миллий маданият ва инсоннинг индивидуал тажрибаси билан якин муносабатда;
- 3) матннинг алоҳида концептлари майдонли тузилишга эга концепт сферасига бирлашиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, концепт терминини изоҳлашда кўплаб фикр ва қарашларнинг мавжуд эканлигини эътироф этиш мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, лингвомаданиятшунослик тилшуносликнинг замонавий йўналишларида бири ҳисобланиб, унда тил ва маданиятнинг ўзаро алоқалари акс этади. Ушбу йўналишнинг янги бўлганлиги сабаб, унинг ҳар томонлама тўлалигича ўрганилмаганлиги ва ҳар хил фикр ва қарашларнинг мавжудлиги ҳали кўплаб илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади.

Ҳозирги кунда чет тилини билиш, уни мукамал ўрганиш замон талабига айланиб бормокда. Маълумки, ҳар бир киши миллий урф-одат, тил, тарих, адабиётни ўз ичига олган аниқ бир маданиятга тегишлидир. Мамлакатлараро иқтисодий, маданий, илмий алоқалар тилни маданиятни акс этувчи восита деб талқин этилишига олиб келди. Э.Сепир таъкидлаганидек, тил - бу маданиятни ўрганишда йўл кўрсатувчи воситадир.

Тилни ўрганаётганда фақат сўзларни, гапиришни эмас, балки тили ўрганилаётган мамлакатнинг маданияти, аҳолисининг дунёқараши, ҳаёт тарзи, урф-одатлари ҳақида билиш мақсадга мувофиқдир. Бу эса ўз навбатида тилшуносликда янги бир соҳа пайдо бўлишига, яъни лингвомаданиятшуносликнинг вужудга келишига сабаб бўлди.

Лингвомаданиятшуносликнинг вазифаси тил ва маданият муносабатларини, тилда маданиятнинг акс этишини, маданиятлараро мулоқотни ўрганишдан иборат.

Лингвомаданиятшуносликнинг асосий тушунчаси лингвокультуремадир.

Лингвокультурема - бу ўз семантикасида (маъносида) маданиятнинг бирор бўлагини акс эттирувчи тил ёки нутқ бирлиги. (Юсупов). Лингвокультуремаларга маданиятнинг бирор бўлагини акс эттирувчи сўзлар (туб, ясама, кўшма ва мураккаб сўзлар), фразеологик birlikлар, сўз бирикмалари, гаплар, паремиялар, нутқ клишчелари, мураккаб синтактик бутунликлар, матнлар, шу жумладан фольклор матнлари ва ҳоказолар киради. Лингвокультурема мазмун ва ифода планига эга. Ифода планини юқорида кўрсатилган birlikлар, мазмун планини эса ўша birlikларнинг семантикаси ташкил қилади. Демак, лингвокультурема концептдан ўзининг тил ёки нутқ бирлиги эканлиги билан, ифода ва мазмун планига эга эканлиги билан фарқ қилади.

В.А.Маслова лингвокультуреманинг 9 хили мавжудлигини таъкидлайди:

1. Эквивалентсиз лексика; 2. Мифологик тил birlikлари; 3. Тилнинг паремиологик фонди; 4. Тилнинг фразеологик фонди; 5. Рамзлар, стереотиплар; 6. Метафора ва тил образлари; 7. Тилнинг стилистик мазмуни; 8. Нутқий хулқ-атвор; 9. Нутқий этикет.

Ушбу ажратилган birlikлар орасида биз учун истак-хохиш маъноси билан ажратилган лексик birlikлар алоҳида аҳамиятни касб этди.

Истак-хохишни ифодаловчи birlikларда қуйидаги усуллар билан маъно кўчиши ҳодисаси учрайди:

а) *метафора усулида маъно кўчиши*: Иштаҳангиз карнай бўлсин! (Сўзлашувдан); Қанотинг қайрилмасин! Пиру бадавлат бўл! (Сўзлашувдан)

Жумлалардаги *суйганинг, кўрганинг, тирлар* сўзлари метонимик маънода қўлланган. Чунки *суйганинг* сўзи истеъмол қилганинг, *кўрганинг* сўзи ҳаётда кечирганинг маъносида, *тирлар* сўзи кекса авлиёлар маъносида қўлланган;

в) *синекдоха* йули билан маъно кўчиши; *Илоҳим ҳеч кимни тирноққа зор қилмасин.* (Сўзлашувдан) «қўл-кўзинг дард кўрмасин илойим», - *деди хола меҳр билан.* (С.Зуннунова)

Бу мисолларнинг биринчисида *тирноқ* сўзи бола маъносида, иккинчисида *қўл-кўзинг* бутун тана маъносида қўлланган.

Бу хил birlikлар таркибида сўз маъноларининг кенгайиши ходисасини ҳам кузатиш мумкин: *Ўқиган дуоларимизнинг савоби шу ердан ўтганларга тегсин.* (Сўзлашувдан) *Қани, бир дуо қилайлик. Юртимиз сувга сероб бўлсин.* (С.Ахмад) Мисоллардаги дуо сўзи «Куръон ояти» маъносини ва «яхши тилак билдириш» маъносини ифодалаган. Шунингдек, *бошинг(из) туйдан чиқмасин* жумласида қўлланган тўй сўзи *никоҳ, тўйи, суннат тўйи, ҳосил тўйи, ҳовли тўйи* каби иборалар таркибида ҳам ишлатиладики, бу мазкур сўзнинг маъноси кенгайганидан далолат беради.

Ушбу диссертацияда биз инглиз ва ўзбек тилларида хохиш-истак маъносини билдирувчи лексик birlikларнинг миллий-маданий хусусиятларини тадқиқ қилишда фразеологик birlikлардан, айнан мақоллардан фойдаландик. Чунки фразеологик birlikлар ўша тилда сўзлашадиган инсонларнинг узоқ ва яқин ўтмиши, урф-одатлари ва ҳозирги яшаш тарзи ҳамда орзу-интилишлари билан узвий боғлиқдир. Айнан фразеологик birlikларда ўша халқнинг миллий – маданий хусусиятлари яққол намоён бўлади.

Демак, миллий – маданий хусусиятлар ҳар бир халқнинг ўзига хослигини ифодалайди. Инглиз тилидаги “*Want of wit is worse than want of wealth*” (Ақл истамоқ бойлик истамоқдан ҳам баттар) ўзбек тилидаги “*Илм олиш – нина билан қудуқ қазии демак*”, рус тилидаги “*Идти в науку – терпеть муку*” мақолларига мос келади. Бу мақол ҳар қиёсланаётган тилда қадимдан зиёли одамларга берилган баҳо бўлиб, илмий фаолият олиб бормоқчи бўлган шахсларга қаратилган. Тарихдан бизга маълумки илмий фаолият олиб бориш, ижод билан шуғулланиш жуда ҳам мураккаб кўп меҳнатни талаб қиладиган жараён. Халқимиз зиёли шахсларни ҳар доим ардоқлаб келган ва ардоқламақда.

Яна бир мисол: “*Want is the mother of industry*” (Хохиш тиришқоқлик онаси). Бу мақол билимга чанқоқ инсонларга нисбатан қўлланилади ва ўзбек тилидаги “*Тиришганнинг тўқмоғи тошга чега қоқар*” ва рус тилидаги “*Голь на выдумки хитра*” мақолларига мос келади. Таҳлилга жалб қилинган мақол

хам қадимдан зиёли шахсларга берилган баҳо, яъни билимга чанқоқлик маъносини англатади..

Инглиз тилидаги “*Where there is a will there is a way*” (Хошиш бўлса чора топилар) номли мақола ўзбек тилида “*Интилганга толе ёр*”, рус тилида эса “*Где хотеье, там и уменье*” мақолларга мос тушади..

Уччала халқда ҳам меҳнатни қай даражада улуғланишини яққол кўришимиз мумкин.

Худди шу маънони акс этилиши кўйидаги мақолларда ҳам учрайди:

“*If you touch pot, you must touch penny*” (Агар хумни қўлга олсанг, пулни ҳам олишга мажбурсан). Ўзбек тилидаги муқобили – “*Текинга мушук ҳам офтобга чиқмайди*”; рус тилида ушбу мақол кўйидаги мақолга мос тушади: “*Даром ничего не даётся*”.

Булардан ташқари инглиз тилидаги шарт майли структурасидаги гап мақол тарзида “*If there were no clouds we should not enjoy the sun*” (Агар булутлар бўлмаганда қуёшнинг кадрига етмасдик) кўйидаги маъноларни беради: ўзбек тилида – “*Ари чақади деб аразлама, боли бор*”, рус тилида: “*Любишь смородину, люби и оскомину*”. Берилган мақоллар ҳаётда инсонлар учун қийинчиликлар пайдо бўлганида сабр, бардош билан қабул қилинса яхшилик ғалаба қилиб, қилинган ишларни барчаси роҳат бағишлайди деган маънони англатади.

Кўйидаги инглиз тилидаги мақол “*He that desires honour is not worthy of honour*” (Шон-шавкатни талаб қилган – унга муносиб эмас) инкор маънони беради ва ўзбек тилида: “*Шухратпараст эл бўлмас кўлмоқ сувдан кўл бўлмас*” маъносига тенгдир.

Истак-хоҳишни ифодаловчи бирликлар фразема шаклида қўлланиши ёки уларнинг таркибида фраземалар қатнашиши мумкин. Фраземалар эмоционал—экспрессив бўёққа эга бўлганлиги ҳамда субъектив муносабатни кучли ифодалашни сабабли, бундай бирликлар ҳам мазмунан, ҳам услубий жиҳатдан таъсирчанликка эга бўлади. Ўзбек тилида “уятдан холи бўлмоқ” маъносини берувчи “юзи ёруғ бўлди” ибораси гапларда қўлланади. “Бир-

бирига мос келмоқ” — Юлдузи юлдузига тўғри келмоқ фраземаси гапда кесим вазифасида келиб, инсон истагини реаллаштиришга хизмат қилади. Бунга ўхшаш мисолларни бир нечалаб келтириш мумкин. Масалан: “воқеликка айланмоқ” — рўёбга чиқмоқ; “туп кўйиб палак ёзсин” — оила мустаҳкам бўлсин, ёшлар бола-чақали бўлсин; “Олинг-у, олдирманг” — ишингиз муваффақиятли бўлсин, муваффақиятсиз бўлмасин; “Ҳамёнига Хизр назар солсин” — пули кўпайсин, бой бўлсин; “Тупроқ олсанг олтин бўлсин” — ҳар бир ишда катта ютуққа эриш; “Тили билан тенг айласин” — олган келинингиз жуда эпли, чаққон бўлсин каби маъноларни беради.

Марҳумларга нисбатан ҳам айтиладиган истак-хоҳишни ифодаловчи бирликлар мавжуд бўлиб, булар марҳумлар ҳақида ёмон сўз айтмаслик одатидан келиб чиққан. Уларнинг айримлари метафорик маънони англатади. Қуйида уларга мисоллар келтирдик: *Қоронғу гўри ёруғ бўлсин, оғир тупроғи енгил бўлсин, ҳур қизларга ҳамроҳ бўлсин, номаи аъмолини ўнг тарафдан берган бўлсин, ўқиган дуоларимиз (марҳумнинг) бошига соябон, олдига дастурхон бўлсин.*

Келтирилган гапларнинг барчасида “марҳум у дунёда азият чекмасин” деган истак англашилади. Бу борада С. Мўминовнинг: “мулоқот хулқи муаммосини миллий характер, миллат аҳолисининг ўзига хос урф-одатлари, қадрият ва анъаналарини ҳисобга олмасдан туриб ўрганиш мутлақо мумкин эмас” деган фикри ўринлидир.

Келтирилган мисоллар шуни кўрсатдики, бу каби жумлалардаги мазмун метафорикдир. Уларнинг тингловчи томонидан қабул қилинишида умумий лингвистик билимлардан ташқари, қиёслаш, ўхшатиш, образли тасаввур қилиш каби экстралингвистик омиллар ҳам талаб қилинади. Таҳлил жараёнига жалб этилган барча мақоллар ва фразеологик бирликлар қиёсланаётган тиллар халқларига хос бўлган урф - одатларни, уларнинг яшаш тарзини, маданиятини ўзида мужассамлаштирган.

3.4. Истак-хоҳиш ифодаланишида гендер хусусиятлари

Аёл ва эркекларнинг тилдан фойдаланишдаги фарқларни бир неча тадқиқотчилар кузатганлар. Уларнинг аниқлашича эркеклар аёлларга нисбатан узун ва ҳақоратли сўзларни, артикл ҳамда жой номларини кўпроқ тилга олишса, аёллар равишлар, боғловчилар (“but”), модал ва кўмакчи феълларни (“could”) тез-тез нутқларида ишлатар эканлар. ((McMillan ва бошқ; 1977, Viber ва бошқ; 1998, Mulac ва бошқ; 2001, Mehl & Pennebaker, 2003).

Робин Лакоф аёллар нутқини махсус иборалар даражасида ўрганади ва улар ишончсизликни ифодаловчи ибораларни (“*it seems like*”), тасдиқ саволларни эркекларга нисбатан кўпроқ қўллашини айтади. (Lakoff, R. (1975). *Language and women’s place*. New York: Harper Colophon Books.) Ньюмен ва бошқа тадқиқотчилар аёл ва эркеклар нутқи орасидаги фарқ куйидагилар эканлигини ёзадилар: Аёллар нутқларида кўпроқ олмошларни, ижтимоий сўзларни, шу билан бирга психологик жараёнларни, уйларини тез-тез тилга олишни ҳамда инкор феълларини кўпроқ ишлатишни афзал кўрадилар. Эркеклар эса сон, артикл ва предлогларни ишлатишда аёлларни ортда қолдирганлар.(Newman, M. L., Groom, C. J., Handelman, L. D., Pennebaker, J. W. (2008). *Gender Differences in Language Use: An Analysis of 14,000 Text Samples*. *Discourse Process*, 45, 211-236.) Броди фикрича аёллар эркекларга нисбатан туйғуларини, ҳиссиётларини, истак-хоҳишларини кўпроқ намоён қиладилар. Эркеклар эса бундай туйғуларини тўғридан тўғри ифодалайдилар.(Brody, L. R. (1997). *Gender and Emotion: Beyond Stereotypes*. *Journal of Social Issues*, 53 (2), 369-394.)

Юқоридаги фикрлардан фойдаланган ҳолда истак-хоҳишларини ифодалашда аёл ва эркеклар ўртасида қандай фарқ борлигини аниқлаш мақсадида тадқиқот ишларини олиб бордик. Таҳлил учун аёл ва эркек спортчилар гапларидан фойдаланилди. Бунга асосан аёллар нутқида *hopefully* равиши, *would + to like* ва *would + to love* модал кўмакчи феъли, *to want* ва унинг инкор шакли кўпроқ қўлланса, *if only* шарт гапи, *need* модал феъли,

would + to be + Adjective, *would* + to be + noun phrase, *would* + *to prefer* модал кўмакчи феълли бирикмалар, *to dream* феъли эркаклар нутқида жуда кам ҳолларда қўлланган.

***It would be great** to have a calendar with the Grand Tours and the historic men's races combined with women's races.*

*You don't want to wish your life away but you think **if only** it was next year.*

*This core group of players have had some big moments and **hopefully** that will help us as we carry on.*

Эркаклар феълени аёлларга қараганда нутқларида тез-тез қўллаганлар. *Would* + *to hope*, *would* + *to prefer* модал кўмакчи феълли бирикмалар, *to look forward to* иборасини, *to regret* феълени аёллар нутқларида жуда кам ҳолларда қўлланганлар.

***I'd actually prefer** not to win this Golden Boot and for Liverpool to qualify for the Champions League this season.*

***I'm looking forward to** the 2016 Olympics in Rio, but I just take every year as it comes.*

***I regret** things and there's loads I could have done differently.*

Бундан кўриниб турибдики инглиз тилида аёллар истак-хоҳишни ифодаловчи сўз ва сўз бирикмаларини эркакларга нисбатан кўпроқ қўллайдилар.

Ўзбек тилида хоҳиш- истакни ифодаланиши ҳақида сўз юритар эканмиз аёллар ва эркакларга хос бўлган ижобий маъно берувчи истак-хоҳишларни ажратиш мумкинлигини гувоҳи бўламиз. Жумладан, бу бирликларнинг баъзиларини асосан аёллар қўллайдилар. Агар эркаклар бундай бирликларни ўз нутқида қўлласа, ажабланарли, ғайритабий ҳол саналади. Жинслар аро фарқларни қўллаш ҳолати фақат ижобий истак – хоҳиш бирликларида эмас, салбий бирликларида (қарғишлар, лаънатларда) ҳам ўз ифодасини топган.

Аёллар нутқида ишлатиладиган ижобий истак – хоҳиш бирликларига

қўйидагиларни мисол сифатида келтириш мумкин: *Вой, онагинанг айлансин, кел-кел, бўйингдан ўргилай.* (Саид Аҳмад). *Ўқтамжон, онанг қоқиндиқ, тинчгина ухла!* (Ойбек)

Юқоридаги мисоллардаги *айланай, садаганг кетай, онагинанг айлансин, ананг қоқиндиқ, бўйингдан ўргилай* каби birlikлар асосан аёллар нутқида ишлатилади. Бу хил ибораларни қўллашда баъзи фарқли ҳолатлар бор. Бундай birlikлар таркибида феъл кесимлар иштирок этган бўлса улар буйруқ майлининг I шахс birlik шаклида бўлади.

Ўзим айланай, ўргилиб кетай, садаганг кетай каби бу хил birlikлар асосан аёллар нуқтида қўлланади. Бу хил birlikларнинг феъл кесими буйруқ майлининг 3 шахс birlik шаклида шакланган бўлса, бундай birlikлар аёлларлар нутқида ҳам, эркаклар нутқида ҳам ишлатилади. Ўзбек тилида ижобий истак – хоҳиш birlikлари каби салбий истак-хоҳиш ифодаловчи birlikлар (қарғишлар) ҳам мавжуд. Масалан, *қуруб кетгур, башаранг қургур* каби салбий истак birlikларини бўлишсиз шаклда қўллаш ҳолатлари кўп учрайди. Бу хил қурулмаларда салбий истак маъноси эмас, нейтрал ҳолдаги истак мазмуни ифодаланади.

Бундай қўллаш аёллар нуқтига мос бўлиб, уларга яна *бўйнинг узулмагур, тинмагур, ўлмагур* сўз ва сўз бирикмаларини ҳам мисол сифатида келтириш мумкин. Шуниси характерлики, *-гур* аффиксли сифатдош қатнашган бирикма ўзбек тилида асосан катта ёшдаги шахслар томонидан қўлланади. Уларга *умрингдан барака топгур, боланг кўпайгур, бой бўлгур, омон бўлгур, уйингда бугдой тўлгур, умринг узоқ бўлгур, бошинг тошдан бўлгур, бўйнинг чўзилгур* birlikларин мисол сифати келтириш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, хоҳиш-истакни билдирувчи феъллар инглиз тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам аёллар нутқида кўпроқ учрайди ва айтиш жоизки, аёллар эркакларга нисбатан истак-хоҳишларини кўпроқ ифодалайдилар.

Учинчи бобга хулоса

Дунё лингвистик жараёнининг социолингвистик тадқиқотлар объекти бўлмиш томонлари илмий техника ривожланишининг энг кучли таъсирига учрайди, яъни дунё тиллари ижтимоий функцияларининг нотекис ривожланиш жараёнлари, терминологик системаларининг пайдо бўлиши, уларнинг узлуксиз дифференциясининг ўсиши, худудий диалектларнинг “майдалашуви” тилларнинг ижтимоий – касбий дифференциясининг тезлашуви, мафкуравий концепциялар таъсирининг кучайиши ва ҳоказо.

Ижтимоий ҳодиса сифатида фаолият кўрсатаётган тил доимий ҳаракатдадир. Тил нафақат тафаккур маҳсули, маълум бир фикрни ифода этувчи восита, балки бутун бир олам, коинотнинг таркиби ҳамда мазмун-моҳиятини инсон онгида акс эттиришга хизмат қилувчи мураккаб ҳодиса саналади.

Бизнинг нутқимиз бизни ёшимизни, жинсимизни, географик келиб чиқишимизни, ижтимоий-иқтисодий статусимизни кўрсатиб туради. Анотомик ва психологик ўзгаришлар инсоннинг ёши ва жинсини осонгина ажратиб беради.

Болаларда истак-хоҳишини ифода этиш йўллари уч поғонага бўлиш мумкин. Биринчи поғонада бола истагини буйруқ майлида ифодалайди. Буларга *"Mine! To me"?* *"Sugar to me! "*, *"More! "*, *"I want fanta, 'cause I am thirsty* гаплари мисол бўлади. Иккинчи поғонада улар истак-хоҳишларини хушмуомала бўлиш учун сўроқ шаклдан фойдаланадилар. Масалан: *"We go car? "*, *"Will you-all let me talk? "*, *"You give me the bracelets a minute please, Virginia, you, give'em to me"*. Учинчи поғонада улар ўзлаштирма гапли буйруқлардан, дағ-даға ва ваъдаларга ишора қилиш орқали *"Did you see how a sommersault is done?"*, кўрсатиш орқали—(*Look, mum!, Look at the little balls!*); буйруқ гаплар ёрдамида— (*Look, mum, let's buy a pen-case*); реклама йўли билан—(*Look, dad, aren't these lovely!*); муҳтожликни англатувчи гаплар орқали— (*Mum, I need some exercise-books*); сўроқ гаплар иштирокида— (*Mum, you buy this for me?*); хушмуомалали талаб гаплар

ёрдамида—(*Look at the tennis rackets' Oh, please, please mum, will you buy them for me?*) истак-хоҳишларини намоён этадилар.

Таҳлил натижасига асосан, ижобий истак бирликлари ҳамда салбий истакни билдирувчи тил бирликлари асосан аёллар ва ёши катта инсонлар томонидан қўлланади.

Умумий хулоса

Тил, жамият ва маданиятнинг ўзаро муносабати масаласи тилшунослик фанида жуда кам ўрганилган. Масалага атрофлича ёндашиш замонавий тилшуносликнинг энг муҳим муаммоларидан бири саналади. Зеро, таниқли немис тилшуноси ва файласуфи Вильгельм фон Гумбольдт тилни “халқ маънавий куч-қудратининг ифодаси”, “халқ тафаккури ва ҳиссиётини ифодаловчи муҳим воситадир” деб таърифлаганида тўла ҳақли эди. (Гумбольдт В. *Язык и философия культуры*. - М.: Наука, 1985). Жамият лингвистик ҳаётига илмий – техника революцияси таъсирининг характери, темпи, кўлами, соҳалари ва хусусийликларини аниқлаш-социолингвистиканинг энг муҳим ва актуал вазифасидир.

Сўзловчининг ёки гап субъектининг борлиқни амалга оширишга қаратилган турли даражада ҳиссий бўялган интилиши бўлган хоҳиш тушунчасининг тилдаги ифодасининг тилшунослар томонидан фақатгина баъзи жихатлари ўрганилган. А.Абдурозиқов, И.Хлебникова, В.Хомяков каби тилшуносларнинг хоҳиш маъносига эга тил воситаларини ўрганиш жараёнига қўшган ҳиссаларини тан олган ҳолда уларнинг ишлари биз таҳлил этишга ҳаракат қилган масаланинг айрим жаҳатларинигина кўриб чиқишга бағишланганлигини айтиб ўтиш лозим деб топдик. Шу билан бирга ушбу тилшунослар таҳлил этган тил материали бизнинг тадқиқотимиз ривожига салмоқли ўрин эгаллади.

Мустақил категория сифатида етарли даражада ўрганилмаган инглиз тилидаги хоҳиш категорияси тилнинг морфологик, синтактик, лексик қатламларида ўзининг кенг ифодасини топади. Тадқиқотлар натижасида аниқланишича инглиз тилидаги хоҳиш категориясининг асосларидан бири бўлиб истак майли хизмат қилади. Истак майли тизимига кирувчи аналитик ва синтетик шакллар ишхаракатнинг исталганлиги, унинг содир этилишига нисбатан қайсидир даражадаги хоҳишни ифодалайди.

Хоҳиш маъноси истак майлидан ташқари буйруқ маълида ҳам қатнашиши мумкин. Зеро, ҳар қандай буйруқ, кўрсатма қандайдир иш-

ҳаракатнинг содир этилиши, қандайдир вазиятнинг амалга оширилишининг исталганлиги асосидир.

Бизнинг нутқимиз бизни ёшимизни, жинсимизни, географик келиб чиқишимизни, ижтимоий-иқтисодий статусимизни кўрсатиб туради. Анотомик ва психологик ўзгаришлар инсоннинг ёши ва жинсини осонгина ажратиб беради.

Болаларда истак-хоҳишини ифода этиш йўллари уч поғонага бўлиш мумкин. Биринчи поғонада бола истагини буйруқ майлида ифодалайди. Буларга *"Mine! To me"?* *" Sugar to me! "*, *"More! "*, *"I want fanta, 'cause I am thirsty* гаплари мисол бўлади. Иккинчи поғонада улар истак-хоҳишларини хушмуомала бўлиш учун сўроқ шаклдан фойдаланадилар. Масалан: *"We go car? "*, *"Will you-all let me talk? "*, *"You give me the bracelets a minute please, Virginia, you, give'em to me"*. Учинчи поғонада улар ўзлаштирма гапли буйруқлардан, дағ-даға ва ваъдаларга ишора қилиш орқали :*"Did you see how a sommersault is done?"*, кўрсатиш орқали—(*Look, mum!, Look at the little balls!*); буйруқ гаплар ёрдамида— (*Look, mum, let's buy a pen-case*); реклама йўли билан—(*Look, dad, aren't these lovely!*); муҳтожликни англатувчи гаплар орқали— (*Mum, I need some exercise-books*); сўроқ гаплар иштирокида— (*Mum, you buy this for me?*); хушмуомалали талаб гаплар ёрдамида—(*Look at the tennis rackets' Oh, please, please mum, will you buy them for me?*)истак-хоҳишларини намоён этадилар.Ёши катта инсонлар эса истак-хоҳишларини ифодалашда муҳтожликни англатувчи гаплардан,буйруқ гаплардан,модал қурилмали буйруқ гаплар рухсат сўровчи мурожатлар гаплар,сўроқ гапларда сўзловчи истаги тушириб қолдирилиши орқали, ишорали гаплар орқали фойдаланадилар. Болалар ва ёши катталар орасидаги истак-хоҳишни ифодалашдаги фарқ шундаки, болалар улғайганига нисбатан поғонага бўлинса, ёши катталарда теварак атрофга, мурожат қилинаётган инсонга нисбатан фарқ сезилади.

Ахлоқ тарбияси—ўзимизни ярамас майл-ҳаваслардан сақлаш, таъбимиздаги олий фикрларни тараққий эттириб, ҳаракатимизни тури бир

нуқтага йўналтириш демакдир. Илмли, чиройли хулқли инсонлар ўз истак-хоҳишларини фақат яхшиликка йўналтира оладилар. Таълим-тарбиядан йироқ инсонлар ўз нафслари кулига айланадилар. Салбий истакларни тилдаги намоёни сифатида қарғишларни мисол қилсак бўлади. Инглиз тилидаги “*God damn you!*” (кимнидир устига лаънат ёғдириш), “*Go to Hell*” (бировга дўзахни тилаш) иборалари нафақат ҳақорат, балки қарғаш ҳамдир. Ўзбек тилида ҳам бундай гапларни кўп учратиш мумкин. Масалан: *ажалга йўлиққур, онанг (боланг)ўлсин, бўй(гина)нг гўрда чиригур, афтинг (башаранг, бетинг, дийдоринг, турқинг) қурсин, афтингни, башарангни, турқингни, тусингни ел ёнгур, куйдирган калладай ишшаймай (ўл), кўзимдан йўқол, нафасингга тилингга, кўнгилларингга куйдирги чиққур (чиқсин) ва ҳ.к.*

Хулоса қилиб айтганда, соғлом истак юраги кенг, мулоҳазали инсонлар танасида сув дарёда оққанидек оқиб, бошқа яхши тилаклар билан бирлашади ва океанга айланади. Таълим ва тарбия—инсон табиатининг бутун қобилиятларини мунтазам, мутаносиб ва келишган бир сувратда орттиради, инсонни хайрли мақсадларга етказди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисидаги қонуни 1997 йил 29 августда қабул қилинган. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиқётининг пойдевори. – Тошкент.Шарқ нашриёти-матбаа концерни. 1997.
2. Ўзбекистон Республикасининг кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиқётининг пойдевори. – Тошкент. Шарқ нашриёти-матбаа концерни 1997.
3. Каримов И. А Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Тошкент: Ўзбекистон, 1997. - Б.150.
4. Каримов И. А. Она юртим бахт иқболи ва буюк келажаги сари хизмат қилиш энг олий саодатдир.-Тошкент.: Ўзбекистон, 2015 (76 б).
5. Абдуразиков А. Природа, функции и семантика конструкций с глаголом "let" в современном английском языке. Автореф.дисс. ... канд.филол. наук.- Т.: 1990.
6. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ.
7. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал адаб ал-муфрат. Мутаржим—Шамсуддин Бобоҳон.
8. Абидова З.А.“Бадий мантда варваризм ва вульгаризмлар лингвопоэтикаси” магистрлик диссертацияси.-Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, 2011.
9. Абдуллаев Н. Ю., Бушуй А. М. Язык и общество-Ташкент.: Фан, 2002.- 374 б.
10. Абдуллаев Н. Ю., Бушуй А. М. Иностранные языки в современном мире: эволюция методики обучения- Ташкент.:Фан, 2000.- 270 б
11. Актуальные проблемы лингвистики.- Москва. 2006.- 269 б
12. Ал фақиҳ Абу Лайс Ас Самарқандий. Танбеҳул ғофилун. Мутаржим— Дилмурод Қўшоқов

13. Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка.- М.: Высшая школа, 1986.
14. Ашурова Д.У. Лексикон как отражение национально - культурной специфики языка // Тезисы докл. 2-ой межд. науч. конф. «Язык и культура». М., 2003.
15. Базарова М. М. Ўзбек тилидаги ижобий истак мазмунини ифодаловчи нутқий бирликларнинг лисоний хусусиятлари.- Тошкент, 2007.- 53 б.
16. Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы языкознания.- М.: Наука, 1961.
17. Бегматов Э. Щозирги ызбек адабий тилининг лексик қатламлари. Тошкент: Фан, 1985.
18. Бегматов Э. Собственный пласт лексики современного узбекского литературного языка. Автореф дисс... д-ра. филол. наук. Ташкент, 1988.
19. Белл Р. Т. Социоллингвистика: цели, методы и проблемы. / Пер. С англ.-М.: Международные отношения, 1980. –318 стр.
20. Бондарко А.В. Семантические категории в аспекте сопоставительных исследований //Сопоставительная лингвистика и обучение неродному языку. М.: Наука, 1987.
21. Брутян Г.А. Язык и картина мира //НДВШ, Филологические науки. М., 1973, №1.
22. Брутян Г.А. Языковая картина мира и ее роль в познании // Методологические проблемы анализа языка Ереван, 1976.
23. Бушуй Т. А. Язык в истории развития человеческой мысли.- Ташкент: Фан, 2011.-382 б
24. Бушуй Т. А., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси.- Ташкент: Фан, 2007.-272 б
25. Буранов Дж. Сравнительная типология английского и тюркских языков.- М.: Высшая школа, 1983.

26. Буранов Дж. Типологические категории и сравнительное изучение языков. Автореф дисс... д-ра филол. наук. М., 1979.
27. Бўронов Ж. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси.- Тошкент: Ўқитувчи, 1973.
28. Гальперин И.Р., Черкасская Е.Б. Лексикология английского языка.- М., 1956.
29. Городецкий Б.Ю. К проблеме семантической типологии. М., Изд. Моск. ун-та, 1969.
30. Горошко Е. Гендерная проблематика в языкознании. М., 2002.
<http://www.owl.ru/library/043t.htm#edu2>
31. Гудавичюс А.Й. Сопоставительная семасиология литовского и русского языков. Вильнюс, 1985.
32. Гудавичюс А.Й. Принципы построения и содержание сопоставительной семасиологии. Автореф. дисс....д-ра.филол. наук. М., 1990.
33. Гулыга Е.В., Шендельс Е.И. Грамматико-лексические поля в современном немецком языке.- М., 1966.
34. Гумбольдт В. Язык и философия культуры.- М.: Наука, 1985
35. Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. М.: Наука, 1987.
36. Кацнельсон С.Д. Типология языка и речевое мышление. Л.: Наука, Ленингр. отд., 1972.
37. Кирилина А.В. Гендер: Лингвистические аспекты. М., 1999.
38. Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. М-Л: Изд. АН СССР, 1960.
39. Кривсин Л. П. Социолингвистические аспекты изучения современного русского языка.—М.: Наука, 1989.-188 стр
40. Крючкова Т., Нарумов Б. Зарубежная социолингвистика: Германия. Испания. —М., 1991. —157с.
41. Маслова В.А. Современные направления в лингвистике.-Москва: “Академия”, 2008,- 264 б

42. Маслова В.А. Введение в когнитивную лингвистику.-Москва: «Флинта», «Наука» , 2007.- 293 б
43. Маслова В.А. Когнитивная лингвистика.- Минск: “ТетраСистемс”, 2005.- 253 б
44. Махкамова Г. Концепция формирования межкультурной компетенции студентов английского языка.- Ташкент: Фан, 2010.-207 б
45. Мещанинов И.И. Понятийные категории в языке //Труды Военного института иностр. языков. М., 1945, №1.
46. Мусаев К.М. Лексикология тюркских языков. М.: Наука, 1984.
47. Натанзон Е.А. Косвенное наклонение и модальные глаголы в английском языке. - М.: Международные отношения, 1968.
48. Неъматов Ш., Расулов Р. Ўзбек тилининг систем лексикологияси асослари. Тошкент, «Ўқитувчи» нашриёти, 1995.
49. Общее языкознание. Внутренняя структура языка. М.: Наука, 1972.
50. Озерова Н.Г. Семантический аспект категории рода существительных в русском и украинском языках //Исследования лексической и грамматической семантики современного русского языка. Симферополь. 1983.
51. Расулова М.И. Проблемы лексической категоризации в лингвистике. Автореф. дисс. ... докт.филол.наук. - Т., 1998.
52. Расулова М.И. Основы лексической категоризации. – Ташкент, “Фан”, 2006. – 326 с.
53. Рахимов С. Мустақил лингвистикамиз XXI аср бўсағасида. Натижа ва муаммолар. Замонавий тилшунослик ва хорижий тилларни ўргатиш методлари (илмий мақолалар тўплами). Самарқанд, 1999.
54. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик.- Жиззах, “Сангзор”, 2006.-91 б.
55. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. Тошкент, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2008.- 282 б
56. Сафаров Ш. Тил назарияси ва лингвометодология. Тошкент, “Bayoz”, 2015.- 373 б.

57. Сафаров Ш. Семантика. Тошкент, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2013.- 341 б
58. Старикова Е.Н. Имплицитная предикативность в современном английском языке. Киев: "Высшая школа", 1974.
59. Супрун А.Е. Лексическая типология славянских языков. Минск: Высшая школа, 1983.
60. Тер-Минасова С. Г. Язык и межкультурная коммуникация. МГУ. Издательство. 2004.- 347 б.
61. Тер-Минасова С.Г. Язык и межкультурная коммуникация. – М.: Слово, 2000
62. Тимпко Л.А. Род как историческая категория М.: Изд. МГУ, 1985.
63. Тожиев Ё. Ўзбек тилида аффиксал синонимия. Ташкент, 1981.
64. Трескова С. И. Социолингвистические проблемы массовой коммуникации.—М., 1989.—267 с.
65. Тоҳир Малик. Одамийлик мулки.—Тошкент: “Sharq” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош тахририяти, 2014.
66. Тхорик В. И., Фанян Н. Ю. Лингвакультурология и межкультурная коммуникация.- Москва. ГИС, 2006. -257 стр.
67. Фрумкина Р.М. Предисловие //Семантика и категоризация. М.: Наука, 1991.
68. Халеева И.И. Гендер как интрига познания. //Гендерный фактор в языке и коммуникации. Иваново, 1999.
69. Халеева И.И. Гендер в теории и практике обучения межязыковой коммуникации // Доклад на межд. конф. «Гендер: язык, культура, коммуникация». М., 1999.
70. Человек образ и сущность Теории истины язык в контексте глобализации. Ежегодник.- Москва, 2005.
71. Чурилина Л. Н. Актуальные проблемы современной лингвистики. “Флинта”, “Наука”, 2007.- 410 стр.
72. Швейцер А. Д., Современная социолингвистика: теория, проблемы,

- методы.—М.: Наука, 1977.—176 стр
73. Швейцер А. Д., Николский Л. Б. Введение в социолингвистику. М.: Высшая школа, 1975.-216 стр
74. Шмелев Д. Н. Проблемы семантического анализа лексики. Москва: Ком Книга, 2006.—280 стр.
75. Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиёв А., Расулов И., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. I қисм. Тошкент: "Ўқитувчи" нашриёти, 1980.
76. Юсселер М. Социолингвистика. / Пер. С немецкого. – Киев: Высшая школа, 1987. –200 стр.
77. Butayev Sh. Inglizcha-o`zbekcha O`zbekcha-inglizcha lug`at.-Toshkent: O`qituvchi, 2013
78. Buranov J, Muminov A. A practical course in English Lexicology.- Tashkent: Ukituvchi, 1980.
79. Yusupov Utkir. Comparative linguistics of the English and Uzbek languages.- Toshkent: 2013.- 277б.
80. Cognition and Categorization.//Eds.Rosch E., Lloyd B. New York, Hillsdale,1978.
81. Connie Isenberg,Ph.D.AnExamination of Regretas Expressed in the Life Reflections of Older Adults: Predictors of Regret Intensity and Frequency, and Association With Well-Being. ConcordiaUniversity, 2008
82. Croft William and D. Alan Cruse Cognitive linguistics. Cambridge University press, 2005
83. Giovanna Axia “Learning How To Make People Feel Good Children And Politeness” Degree Of Doctor Of Philosophy 1993
84. Hudson R. A. Sociolinguistics. Second edition. Cambridge University Press, 1996. – 279 p.
85. Key M.R. Male-female Language. Metuchen [N J]: Scarecrow Press 1975.
86. Kurylowicz J. Personal and Animate Gender in Slavic //Lingua. - Amsterdam: North-Holland, Publishing Company. 1962. Vol.2.

87. Labov, W. 1994. Principles of Linguistic Change: Internal Factors. USA: Blackwell.
88. Lado R. Linguistics. Across Cultures. Michigan, 1958.
89. Lehrer A. Semantic fields and Lexical Structure. New York, North-Holland Publishing Company. 1987.
90. Lieve Abbas Gender Differences in Expressing Wishes in Quotations from Dutch and English Sports News Articles: A Corpus-Based Study *Faculteit Letteren & Wijsbegeerte* 2014
91. Moniek Buijzen and Patti M. Valkenburg “The impact of television advertising on children' s christmas wishes ” *Journal of Broadcasting and Electronic Media*, 44 (2000)
92. Meri Marttinen U or non-U?: A study on social factors and word choices in contemporary British English. Bachelor's thesis 2010
93. Miller N. et al., 1976; Street Language and Social Behavior- 34 -& Brady, 1982; Street et al., 1983.
94. Penelope Eckert “Adolescent Language” Cambridge and New York: Cambridge University Press
95. Raymond Hickey Language and Society P 2
96. Robert M. Krauss and Chi-Yue Chiu, “Language and Social Behavior” p 33.
97. Sevil Elchin Gurbanova. Verbs Expressing Wish and Their Modality Features in Modern English. Published by Canadian Center of Science and Education. Online Published: November 29, 2012
98. Xiaoyu Wang Chicago, Illinois The influences of parental expectations on children's academic achievements: a comparative analysis of the United States and China. December 2013
99. Англо-русский синонимический словарь. Изд. под рук. А.И.Розенмана и Ю.Д.Апресяна. М., 1979.
100. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. М.: Сов. энциклопедия, 1969.

101. Кунин А.В Фразеология современного английского языка.-М.: Международные отношения, 1972.
102. Лингвистический энциклопедический словарь. /Гл. ред. В.Н.Ярцева. М.: Сов. энциклопедия, 1990.
103. Раҳматуллаев.Ш.У. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати.
104. Тошкент: «Ўқитувчи» нашриёти, 1978.
105. Словарь гендерных терминов. / Под ред. А.А. Денисовой/.
106. Региональная общественная организация «Восток – Запад: Женские
107. Инновационные Проекты». М.: Информация XXI век. 2002.
<http://www.owl.ru/gender/010.htm#5>
108. Словарь иностранных слов. 18-е изд., стер. М.: Русский язык, 1989.
109. Словарь социолингвистических терминов. Москва: 2006
110. Dictionary of Synonyms and Antonyms. Oxford: 2007
111. Oxford Popular Dictionary and Thesaurus. Oxford: 1999
112. Roget`s Thesaurus of English words and phrases. London: 2006
113. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. В двух томах. Под ред. Мағруфова
З.М. М.: Русский язык, 1981.
114. The Book of Wishes © Cliff Pickover. <http://www.pickover.com>
115. <http://www.thesaurus.com/browse/wish>
116. <http://www.amazon.com/On-Desire-Why-Want-What/>
117. <http://turkishuzbek.weebly.com/expressing-a-wish.html>
118. <https://www.powerthesaurus.org/wish/synonyms>
119. <http://www.shmoop.com/vanity-of-human-wishes/tone.html>
120. <http://www.special-dictionary.com/proverbs/keywords/wishes>